

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ**

УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ

**фанидан
маърузалар матни**

ТЕРМИЗ-2016

Ушбу маърузалар матни «Мактабгача таълим» кафедрасининг 2016 йил 28 августидаги 1-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва фойдаланиш учун тавсия этилган.

Кафедра мудири

Доц. М.Норбошева

Тузувчи:

ўқитувчи. Ф.М.Йўлдошева

Такризчи:

доц. М.Бозорова

К И Р И Ш

Ушбу фаннинг асосий мақсади талабаларда ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этаётган ва тез ривожланаётган психология фанининг тармоқларидан бўлган “Ёш ва педагогик психология” фани ҳақида билим беришдан иборат. Ушбу фаннинг илмий асослари буюк мутафаккирлар Форобий, Ибн Сино ҳамда рус психологлари Б.М.Теплов, В.Д.Небилицинларнинг тадқиқотларидан иборат .

Педагогик психология-таълим ва тараққиётнинг ўзаро боғлиқлиги, таълимнинг тузилиши, ўқувчиларнинг ўқиш ва билиш фаолиятини шакллантириш ҳамда тарбия психологиясининг таълим-тарбия жараёнида ўқувчи шахсини баркамол инсон сифатида шакллантириш каби муҳим муаммоларни тадқиқ этади. Бунда, ўқув-тарбия жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, замонавий таълим-тарбия назариясининг вазифалари, унинг этнопсихологик хусусиятлари ҳамда улар томонидан ёритилган шахс тараққиётини бошқариш имкониятлари ўрганилади.

Унинг муҳим вазифалари-талабларда психологик-педагогик вазиятларни самарали режалаштира олишга, ақлий ва шахсий тараққиёт билимларини унумли эгаллашга, турли ёш давларида психик тараққиёт қонунларини тўғри англаб, психрташхис тадқиқотлар олиб боришга, ўқувчиларга индивидуал ёндаша билишга, бола психикаси тараққиётида турли нохуш ҳолатларнинг олдини ола билишга, ота-оналар ўз ҳамкасблари ва болалар билан маданиятли муомалада бўлишга, психологик назокатни тўғри шакллантириш каби муаммоларини ижобий ҳал этишга қаратилган.

Таълимдаги янгиланиш, асосан «Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишнигина амалга оширмай, балки таълим жараёни орқали ўқувчини ўз келажагини ёрқин тасаввур қила оладиган, бу борада ўз тақдири ва ўз шахсига онгли муносабатда бўлиб, турли фаолиятларда ўз-ўзини ривожлантира оладиган эркин, фаол ва мустақил шахсни шакллантиришни кўзда тутади».

Ушбу маърузалар матнида ўрта ва олий мактаб таълимига қўйиладиган талаблар, таълим жараёнида шахснинг шаклланиши, таълим жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнини бошқариш, педагогик-психологик билимларни ўзлаштиришнинг энг оқилона йўллари излаш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ўқитиш ва билим олишнинг янги методларини ишлаб чиқиш, ривожлантирувчи ва тарбияловчи таълим муаммосини тадқиқ қилиш, касб танлашга йўналтириш ва бошқа масалалар ёритиб берилган.

Шунингдек бу фаннинг асосий мақсади талабаларда бой методологик воситалардан фойдаланиш малакалари ва маҳолартини шакллантиришдан иборат. Бу воситалар индивидуал лаборатория ишларини олиб боришда ўз ифодасини топади. Талабалар томонидан ортирилган билимлар ва малакалардан, кейинчалик ўзларининг амалий ишларида, касб танлаш системасида, шунингдек, касбга йўналтириш фаолиятларида ва бошқа муҳим ижтимоий масалаларни ечишда қўллаш мумкин.

мавзу: Ёш ва педагогик психология фани предмети ва вазифалари.

РЕЖА:

1. Ёш ва педагогик психология фани предмети.
2. Ёш ва педагогик психология фанининг асосий вазифалари.
3. Марказий Осиё мутафаккирларининг ёш ва педагогик психология тўғрисидаги қарашлари.
4. Ёш ва педагогик психология фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

Таянч сўз ва иборалар:

Ёш даврлари, ёш босқичлари, онтогенез, филогенез, психик тараққиёт, ижтимоий муҳит, таълим-тарбия, психика, эволюция гуруҳ, жамоа, эркак, аёл, ёш ўсиши.

Метод, методика, Б.Г.Ананьев, ташкилий, эмперик, натижаларни қайта ишлаш, қиёслаш, лонгитюд, эгизаклар, тест, анкета, биография.

Ёш даврлари психологияси фани предмети тўғрисида фикр юритилаётганда инсон Ёшининг турли ёш босқичларида кечиши, ёш ўсишига ва психик тараққиётга таъсир кўрсатувчи омиллар, турли таъсирлар туфайли турлича тарзда рўй берадиган психик ривожланиш характеристикаси назарда тутилади. Демак, Ёш даврлари психологияси фанининг мавзу баҳси турли ёшдаги одамларнинг (болалар, ўқувчилар, катталар, эркаклар, аёлларнинг (онтогенезда) туғилгандан Ёшининг охиригача психик ривожланиш жараёнини, шахснинг шаклланиши ҳамда ўзаро муносабати қонуниятларини таҳлил қилишдан иборатдир. Ёш даврлари психологияси инсонда турли психик жараёнлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, унинг ҳар хил фаолиятини, эркак ва аёлнинг жинс тафоввутларини, шунингдек инсон шахсининг таркиб топишини илмий жиҳатдан тадқиқ қилади.

Жамият аъзоси сифатида камол топаётган болада ижтимоий муҳит шароитлари ва ўз табиатининг муайян хусусиятлари эвазига билиш жараёнлари, ўзига хос хусусиятлари ва руҳий ҳолатлари, онги ривожланиб боради. Бу жараён алоҳида индивид ҳаётида маълум кетма-кетликда, муайян қонуниятлар асосида рўй беради. Шу туфайли Ёш даврлари психологияси фани предмети хусусида гап борганда турли ёшдаги инсонлар психик ривожланишининг хусусиятлари, ўзига хос омиллари, мезонлари ва механизмлари назарда тутилади. Демак, ижтимоий ҳаётда, таълим-тарбия жараёнида, гуруҳ ва жамоаларда, ишлаб чиқаришда ҳамда оилавий муносабатларда ёш даврлари психологияси алоҳида ўрин тутади. Инсон шахсининг таркиб топиши ва билиш жараёнларининг ривожланиши муаммосини психиканинг ривожланиши қонуниятларини ҳисобга олмай туриб оқилона ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳозирги ижтимоий, сиёсий ҳамда коммуникатив омилларнинг роли кун сайин ортиб бораётган кунда «инсон омили» масаласи долзарб мавзуга айланган. Шахснинг барча имкониятларини тўла тўқис рўёбга чиқариш, уларнинг ўзларини намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал, маънавий ва моддий жиҳатдан ўсишини кафолатлаш замонавий таълим-тарбиянинг бош мезони бўлиши лозим.

Педагогик психология бошқа психология фанлари қатори **талабалари илмий-назарий билимлар билан қуроллантиради**, мутахассис сифатида шаклланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Педагогик психологиянинг олдида турган асосий мақсад, талабларни ўрта ва олий мактаб таълимига ҳозирги замон психологларининг ёндошишлари билан, шунингдек турли ёшдаги инсонларда ўқиш жараёнида шахсни шаклланиш хусусиятлари билан таништиришдан иборатдир.

Педагогик психология билимларни ўзлаштиришнинг энг оқилона йўлларини излаш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ўқитиш ва билим олишнинг янги методларини ишлаб чиқиш, ривожлантирувчи ва тарбияловчи таълим муаммосини тадқиқ қилиш масалаларини ўз предметиға қамраб олади, яъни ўқиш, ўқитиш, тарбия ва касб танлаш педагогик психологиянинг предмети ҳисобланади.

Педагогик психологиянинг таълимни янги мазмунда жорий қилиш юзасидан сўнгги йилларда қўлга киритган ютуқлари бунинг яққол далили бўла олади. Маълумки кейинги ўн йил мобайнида мамлакатимиздаги барча таълим тизимларида таълим ишларининг мазмуни

тубдан ўзгарди. Таълимнинг экспериментал равишда текширилган янги усуллари (масалан, муаммоли интерфаол таълим методлари) кенг жорий қилинмоқда.

Педагогик психология-психология илмининг тармоғи сифатида, таълим ва тарбиянинг шахсга самарали таъсир этувчи омиллари, қонуниятлари ва механизмларини ўрганувчи фандир. Болалар ва ёшларнинг мактабдаги ҳамда таълим-тарбия муассасаларидаги фаолият ва ҳатти-ҳаракатларининг психологик қонуниятларини ўрганувчи педагогик психология икки фанни, яъни психология ва педагогика фанларининг туташган жойидан ўрин эгаллагандир. Педагогик психологиянинг предмети мактабда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш қонуниятларини, бу жараёнларда содир бўладиган индивидуал тафовутларни, ўқувчиларда фаол, мустақил ва ижодий тафаккурни таркиб топтириш қонуниятларини тадқиқ этишдир. Шунингдек, педагогик психология-таълим тарбиянинг таъсири оқибатида ўқувчилар психикасида содир бўладиган ўзгаришларни, ўқув материалларининг ўқувчиларнинг ёш давларига мос келишини, турли таълим методларининг психологик жиҳатдан самарадорлигини, дарсликлар, ўқув қуроли, асбоб-ускуналар ва мактаб ишларининг тартибига нисбатан бўлган психологик талаблар каби муаммоларини ҳам педагогик психология ўрганади.

Мамлакатимиздаги мавжуд барча ўқув юртлари таълим-тарбияни тўғри, илмий асосда ташкил этиш учун бу жараённинг ўзига хос психологик қонуниятларини, унинг механизмларини, шунингдек, фаол, мустақил ҳамда ижодий тафаккур жараёнини замонавий билимлар асосида таркиб топтиришнинг самарали усуллари билиши лозим бўлади. Бу борада ёш давлари психологияси ва педагогик психология- ҳозирги замон психология фанининг ривожланган соҳаларидан бўлиб, бу ўринда муҳим ўрин эгаллайди, зеро у инсон руҳий оламининг табиати ва унинг қонуниятларини ўрганувчи соҳадир.

Ёш давлари психологияси ва педагогик психология фанлари муштарак, бир-бирига узвий боғлиқдир, чунки уларнинг ҳар иккиси битта умумий жараёни-улғайиб бораётган инсоннинг психик фаолияти ҳамда унинг ҳуқ-атворини тадқиқ этади. Бирок, шундай бўлса-да, бу икки фаол психология илмининг мустақил соҳалари ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири ўз предмети ва тадқиқот вазифаларига эгадир.

Ёш давлари психологияси онтогенездаги турли ёш давлари психик тараққиётининг умумий қонуниятларини, психик ривожланиши ҳамда психологик хусусиятларни ўрганади.

Онтогенез-(юнонча,ontos-мавжуд, жон зот; genezis- келиб чиқиш, пайдо бўлиш)–индивиднинг пайдо бўлишидан умрининг охиригача психик ривожланиш жарёни.

Ёшнинг улғайиб бориши, психик жараёнларнинг инсон ривожланишидаги қонуниятлари, ундаги етакчи омиллар ҳамда инсон ҳаёт йўлининг турли босқичларида унинг шахсига хос хусусиятлар ёш давлари психология фанининг тадқиқот предмети ҳисобланади. Маълумки, шахс таркиб топиш жараёнининг психологик қонуниятларини, унинг илмий асосларини мукамал билмай туриб, таълим ва тарбиянинг назарий ҳамда амалий масалаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Ёш давлар психология фани бу борада ҳам ўзига тегишли масалаларни тор экспериментал равишда ўрганиш билан чекланиб қолмай, балки ўз муаммоларини инсон ҳаёти ва фаолиятининг табиий шароитларида болага бериладиган таълим ва тарбиянинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўрганса, янада муваффақиятли ривожланиши.

Ҳозирги вақтда педагогик психологиянинг муҳим **вазифаларидан бири**-мактабдаги таълим жараёнини янада такомиллаштиришнинг психологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бу ҳол янги таълим дастурига ўтиш муносабати билан боғлиқдир. Педагогик психология **шу билан бирга** ўқувчилар шахсининг таркиб топиш жараёнини турли тарбиявий тадбирларнинг **ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирини** ўрганади ҳамда ўқувчиларнинг **ўз-ўзини тарбиялашнинг психологик** асосларини тадқиқ этади.

Шунингдек, «Педагогик-психология» таълим ва тарбия жараёнининг ташкилотчиси бўлган ўқитувчи шахсини, унинг педагогик фаолият хусусиятларини ҳам ўрганади. Бунда ўқитувчининг таълим-тарбия ишларидаги ютуқларни таъминловчи сифатларига урғу бериш билан бирга, унинг билим, кўникма, малака ва қобилиятларининг таркиб топиши ҳамда тараққиётининг психологик жараёнлари аниқланади.

Ёш даврлари психологияси ҳам педагогик психология сингари умумий психологик қонуниятларни ёритиб берадиган, психик жараёнларни, ҳолатларни ва шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини ўрганадиган умумий психологияга асосланади.

Педагогик психология фанини ўрганиш ҳам **назарий**, ҳам **амалий** аҳамиятга эга бўлиб, у бошқа фанлар сингари тараққиётнинг умумий тамойилларига; олий нерв фаолияти ва психофизиология қонунларига, бу соҳада тўпланган илмий маълумотларига таяниб, инсон психикасининг кечиши, ривожланиши, ўзгариши юзасидан баҳс юритади.

Ёш даврлари психологиясининг асосий вазифаси шахснинг камол топиши қонуниятлари ва турли ёш давридаги одамлар психик тараққиёти жараёнида юз берадиган ўзгаришларнинг сабаблари, ҳолат ва шарт шароитларнинг ўзаро таъсири хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

Ёш даврлари психологияси фанининг **вазифаларни** мазмунига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин. Ёш даврлари психологияси фанининг **назарий вазифалари** ғоят муҳим ва мураккаб бўлиб, у шахснинг камол топиши қонуниятлари ва турли ёш давридаги одамларда вужудга келадиган психик фаолият, ҳолат ва шарт-шароитларининг ўзаро таъсири хусусиятларини ўрганишдан иборатдир.

Ёш психологияси фанининг **амалий вазифаларини** эса психик жараёнларнинг намоён бўлиши ва тараққий этиши ҳамда инсон шахси психологик хусусиятларининг таркиб топиши қонуниятларини ўрганишда қўлга киритилган илмий далилларни таълим-тарбия соҳаларига тадбиқ қилиш ташкил этади.

Ёш даврлари психологияси ана шу **вазифаларни** ҳал қилиш билан қуйидаги **амалий мақсадларни** руёбга чиқаради:

- таълим-тарбия ишларини такомиллаштирилади;
- шахслараро мулоқотни тўғри йўналтирилади;
- жамоада ижобий психологик иқлим яратилади;
- узоқ Ёш кўриш сирларини очилади;
- оилавий муносабатларни мустаҳкамланади;
- ажралишларнинг олди олинади;
- фарзанд тарбияси оқилона амалга оширилади.

Марказий Осиё мутафаккирларидан Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, А.Навоий ва бошқа бир қатор алломалар ёш даврлари психологияси мавзусига доир ўз қарашларини билдирганлар.

Ибн Сино инсон ёши ва ёш ўсиши билан боғлиқ ҳолда кечадиган психик тараққиёт масалалари хусусида ҳамда инсон шахсини шакллантириш муаммолари тўғрисидаги фикрларини “Одоб ҳақида” рисоласи орқали баён қилган. Шунингдек, Ибн Сино “Тиб қонунлари” номли асарида инсон организмнинг тузилиши, ундаги нерв толалари ва нерв йўллари, физиологик жараёнлар билан боғлиқ психик жараёнлар хусусида бир қанча маълумотлар келтирган.

Машойихлардан энг улуғи **Хожа Аҳмад Яссавий** инсоннинг комил инсон сифатида шаклланишида ёш ўсиши, турли ёшдаги болаларни тарбиялашда ёш ўсиши ва у билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган дифференциал тафовутларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги фикрларни баён қилган. Унинг етук инсонни шакллантириш ғоясида таълим-тарбия масаласини инсоннинг ёшлик давридан бошлаб қўлга олиш зарурлиги, бунинг учун тарбияни болаларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда олиб боришни, уларга ёш давларига мос келадиган тарбиявий таъсир кўрсатиш зарурлигини тушунтиради. Шу боисдан ҳам мутафаккир “Девони ҳикмат” асарида боланинг инсон сифатида шаклланишида ҳар бир йилнинг алоҳида босқич эканлигини таъкидлайди.

Илмий психологик адабиётларда қайд этилишига кўра Ёш даврлари психологияси фани **19-асрнинг бошларида** вужудга келган, лекин дастлабки илдизи қадимги Юнон маданиятига бориб тақалади. Унинг предмети ва қонуниятлари тўғрисида жаҳон психологияси оламида турли қарашлар ва назариялар мавжуд. Уларнинг жуда кенг тарқалганлари биогенетик (В.Штерн), социогенетик (К.Левин) бихевиористик (Е.Торндайк) психоаналитик (З.Фрейд) назарияларидир. Шунингдек, мазкур фан методларга асосланиб тадқиқотлар олиб борган олимлар ҳам жуда кўп. Илмий психологик адабиётларда

келтирилган эмперик маълумотлар асосида Ёш давлари психологиясининг мустақил фан сифатида ажралиб чиқишига қатор омиллар ва ҳолатлар сабаб бўлган деган хулосага келиш мумкин. Ана шу каби омиллар таркибига психолог **Э.Ғ.Ғозиев** қуйидагиларни киритган:

1. Барча фанлар негизига кириб борган эволюция ғоясининг (Ч.Дарвин) инсон психикасининг ривожланиш жараёнида ўрганиш зарурлиги;

2. Умуминсоний, умумпсихик қонуниятлар турли ёшдаги одамлар хатти ҳаракатини, психик хусусиятларини ва болаларнинг ўсишига бирор бир фаолиятнинг таъсирини аниқлаш учун етарли эмаслигини эътироф этиш;

3. Ёш давлари психологияси инсоннинг (туғилганидан Ёшининг охиригача) камолоти учун методологик ва назарий аҳамиятга эга эканлиги тан олинганлиги;

4. Турли ёшдаги одамлар (мактабгача ёшдаги болалар, мактаб ўқувчилари, ўрта ва олий ўқув юр்தларининг талабалари, ишчилар, ходимлар қариялар ҳар хил психологик хусусиятларга эга эканлиги сабабли тарбия, ишлаб чиқариш, ижтимоий таъминот муассасалари, етимхоналар, болалар уйлари, колониялар, махсус мактаблар, интернатлар, психоневрология диспансерлар, қариялар уйлари, шифохоналар, ва бошқалар)нинг эҳтиёжлари ортиб бораётганлиги;

5. Тиббиёт фани ва унинг тармоқлари ривожланиши психиатрия, психоневрология, психогигиена, нейрохирургия, болалар ва катталар патологияси, генетика, олий нерв фаолияти ва хоҳозлар бўйича комплекс тадқиқотларнинг вужудга келиши ҳамда психология биология, медицина, социология фанлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши;

6. Юридик психология ва унинг соҳаари ижтимоий ҳаётимизда сезиларли ўрин эгаллаётганлиги ҳамда ёшлар ўртасида қонунбузарликнинг ортиб бораётганлиги (суд иши психологияси, криминал психология, вояга етмаган қонунбузарлар муаммоси ва жиноятнинг олдини олиш масаласи);

7. Амалий психологиянинг ижтимоий сиёсий тус олаётганлиги ва турмушнинг ҳар бир жабҳасига кириб бориши, шунингдек ўз ўрнини топаётганлиги (психологик консультациялар, маслаҳатлар ауто ва социал тренинглар, ишбилармонлик ўйинлари, профессиограмма, психодиагностика ва хоҳозларга талабнинг ортиши);

8. Психология фани соҳаарининг инсон онтогенезидаги ўзгаришларига доир, билимларга эҳтиёжи ва талаби ортаётганлиги (ҳарбий, спорт, савдо, меҳнат, космик, инженерлик, ижод, авиация) психологияга аниқ маълумотларнинг зарурлиги;

9. Экология муаммолари, зоопсихология ва этология вазифалари, миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш, инсонпарварлик ғояларини турмуш тарзига олиб кириш масалаларининг долзарблиги;

10. Моддий ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноатда ва қишлоқ хўжалигида кишиларнинг ҳақиқий хўжайинлик туйғусини уйғотиш, ақлий ва жисмоний имкониятларни қидириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, “инсон-инсон”, “инсон-техника”, “ер-инсон”, муносабатларини изчил ўрганиш зарурлиги;

11. Оилавий муносабатларни яхшилаш, ажралишларнинг олдини олиш. Иноқ оила яратиш, ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, ўз жонига қасд қилиш ҳолларини бартараф этиш, оилада тенг ҳуқуқлилиқни қарор топтириш ва болалар тарбиясини яхшилаш вазифалари;

12. Инсон узоқ Ёш кўришининг сирларини – геронтопсихологик қонуниятларни очиш ва тарғиб қилиш, давлат муассасаларида психологик билимларлардан ўз ўрнида фойдаланиш, узоқ Ёш кўришга замин тайёрлаш, қариялар уйларида уларнинг руҳиятига мос муносабатда, одилана мулоқотда бўлиш кераклиги ёш давлари психологияси фанини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Ўқитувчиларнинг Ёш давлари психологияси фанини ўрганишлари муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга, чунки педагогик фаолият билан шуғулланиш ўқитувчидан ўз ўқувчиларининг психологик хусусиятларини билишни, таълим фаолиятининг муайян босқичида бола психикасида содир бўладиган ўзгаришлар ва тараққиётни ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбияни ташкил этишини талаб қилади.

Ёш даврлар психологиясининг тарихий ривожланиши жараёнининг таҳлили мазкур фан бошқа фанлар билан боғлиқ ҳолда ривожланиши, бунда физиология, экспериментал биология ва генетика, медицина, социология каби фанларнинг хизмати катта эканлигини кўрсатди. Ёш даврлари ва дифференциал психология фани диалектика принципларига, олий нерв фаолияти қонунларига, дифференциал психофизиология қонуниятларига, психологлар тўплаган материалларга таяниб, инсон психикасининг кечиши, ривожланиши, ўзгариши юзасидан баҳс юриши, ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларидаги амалий масалаларни ҳал қилишдаги фаол иштироки туфайли психологик фанлар ичида ўзига хос ўринга эга.

Ёш даврлари психологияси ўзининг предмети ҳамда вазифасини умумий психологиянинг асосий тамойиллари ва қоидаларига таянган ҳолда белгилаб, қуйидаги тамойилларга риоя қилади:

1. Психика юксак даражада ташкил топган материянинг хусусияти ва ёки мианинг маҳсулидир. Одатда психика ташқи дунёнинг сезги органлари орқали инсоннинг миёсига бевосита таъсир этиши асосида вужудга келиб, сезги, идрок, тассавур, хотира тафаккур, нутқ ҳаёл каби билиш жараёнларида, шунингдек шахснинг хусусиятлари ва ҳолатларида диққати хис-туйғуси ва характер хислатларида, қизиқиши ва эҳтиёжларида ўз ифодасини топади.

2. Психиканинг негизида мианинг рефлектор фаолияти ётади. Ташқи дунёдан кириб келадиган қўзғатувчиларга ички ёки ташқи биологик органлар жавоб реакциясини билдиради. Бош миё катта ярим шарларида вужудга келадиган муваққат нерв боғланишлари психик ходисаларнинг физиологик асослари ҳисобланади ва улар ташқи таъсирнинг натижасида ҳосил бўлади. Бош миё пўстлоғида вужудга келадиган муваққат нерв боғланишлари И.П.Павловнинг нерв жараёнларининг иррадиацияси, концентрацияси ҳамда ўзаро индукцияси қонунлари замирида руй беради. Бу қонунлар турли йўсинда муваққат боғланишлар, ассоциациялар қандай юз бераётганини, қандай шарт-шароитда тормозланиш ва қўзғалиш содир бўлишини, муваққат нерв боғланишларининг йўқолаётгани ёки пайдо бўлаётганини тушунтириш имконини беради.

Психофизиологик қонуниятларга биноан мианинг функцияси муваққат нерв боғланишларининг бирлашиш механизми ҳамда анализаторлар фаолияти механизмлари таъсирида ҳосил бўлади. Юқоридаги таълимотга кўра ҳар иккала механизм хайвонларнинг ташқи оламга муносабатини акс эттиради. Шунинг учун психик фаолият воқеликни акс эттиришдан, олий нерв фаолиятининг ташқи оламни тинимсиз сифатида ифодаланишидан иборатдир.

3. Психикани тадқиқ этиш инсоннинг бутун онгли фаолиятини - унинг назарий ҳамда амалий ҳаёт фаолиятини ўрганишдан иборатдир. Одам зотининг онглилиги унинг турли туман фаолиятида, ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Инсон шахси ҳар хил шакл ва мазмунга эга бўлган назарий ва амалий фаолият жараёнида таркиб топа боради. Бунда муҳит, ирсий белгилар, тарбия асосий омиллар ҳисобланади.

Инсон ўзи яшаб тўрган даврни, моддий турмушни акс эттиради, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсири остида билимларни ўзлаштириб боради, ижтимоийлашади, тарихан ўзгаради. Онтогенезда унинг ҳис-туйғулари, характери, қобилияти, иқтидори, тафаккури, эҳтиёжлари, эътиқодлари, уни фаолликка даъват қилувчи ҳаракат мотивлари, хоҳишлари, позицияси ҳам аста-секин ўзгариб боради.

4. Инсоннинг билиш фаолияти ривожланиши унга ўзини қуршаб тўрган борлиқни янада чуқурроқ, тўғрироқ, тўлароқ ва аниқроқ акс эттириш имкониятини яратади ва у борлиқнинг асл моҳиятини, турли йўсиндаги ўзаро боғланишлари, мураккаб муносабатлар ва алоқаларини тавонли равишда аниқроқ ёритади. Шу билан бирга мазкур жараёнларда шаклланиб келаётган инсоннинг борлиққа, воқеликка, жисмларга, кишиларга ва ўзига муносабати вужудга келади.

5. Инсон онгининг ривожланиши унинг ташқи оламни фаол акс эттиришда намоён бўлади. Тарихий материализм таълимотига кўра, инсоннинг моддий турмуши, у ҳаёт кечириётган тузумнинг моддий асосигина эмас, балки уни қуршаб олган одамларнинг турмуш тарзлари, умуминсоний қиёфалари, эътиқодлари, дунёқарашлари, ижтимоий воқеликка муносабатлари, интилишлари, фаолиятлари, ижод маҳсуллари ва ҳатти-ҳаракатларининг мажмуасидир.

6. Инсонинг борлиқни акс эттириши фаол жараён ҳисобланади. Инсон зотининг ривожланиши объектив борлиққа ва ўзига фаол таъсир кўрсатишида содир бўлади. Боланинг катта ёшдаги кишилар ташкил қиладиган амалий фаолияти, масалан уйини, кузатиши, меҳнати, ўқиши, адабий асарни мутоала қилиши ҳамда қизиқишининг барқарорлашуви, иқтидорнинг такомиллашиши ва бошқалар унинг психик жиҳатдан ривожланишини ифодалайди.

Психологияда психик тараққиёт инсон шахсининг таркиб топиши жараёни сифатида қаралади. Психик тараққиёт бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ қатор босқичларда амалга ошади. Жумладан, бола ақл-заковатининг кўрсаткичи, сифати, характери унинг атрофдаги одамлар билан ўзаро кундалик муносабатлари ва у бажарадиган амалий фаолият жараёнида вужудга келади. Бундай ўзаро таъсирлар натижасида болада турли сифатлар таркиб топа боради. Масалан, савол-жавоб, бахс-мунозара таъсирида ақлнинг ижодий маҳсулдорлиги, тезлиги ва теранлиги ортади. Тараққиётнинг янгича жиҳатлари очилаётган ҳозирги тарихий даврда шахс психик тараққиётини янада жадаллаштирувчи омилларнинг роли ортмоқда. Буни болалар ақлий фаоллиги ва ижодий қобилиятларининг юксалиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Ушбу мақсадларда болаларнинг ақлий ўсиш даражасини турли мураккабликда тузилган вербал, новербал, фазовий, математик тестлар билан аниқлаш мумкин.

Ёш давлари психологияси предмети таълим ва психик тараққиёт муаммосининг ўзаро муносабатини илмий асосда талқин этиб, бу икки жараён бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини эътироф этади. Мазкур муаммо юзасидан тадқиқотлар олиб борган олимларнинг фикрича, таълим боланинг психик тараққиётидан олдинда бориб, уни ўз ортидан эргаштириши лозим (Л.С.Выготский, Б.Г.Ананьев ва бошқалар). Аммо ҳозирги давр нуқтаи назаридан таҳлил қилганимизда таълимнинг юқори босқичларида ўқувчи ва талабаларнинг ўз билим ва кўникмаларини мустақил ривожлантириш имкониятларини ишга солиши муаммога нисбатан бошқача қарашларни ҳам вужудга келтирмоқда.

Онтогенез-(юнонча, ontos-мавжудот, жонзот; genesis-келиб чиқиш, пайдо бўлиш)-индивиднинг пайдо бўлишидан Ёшининг охиригача психик ривожланиш жараёни бўлиб, шахснинг таркиб топиши, турли ижтимоий, маънавий, маданий ҳамда табиий-биологик ўсиш билан тавсифланади..

Маълумки шахс таркиб топиши жараёнининг психологик қонуниятларини, унинг илмий асосларини мукамал билмай туриб, таълим ва тарбиянинг назарий ҳамда амалий масалаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Ёш давлари психологияси фани ҳам ўз навбатида ўзига тегишли масалаларни тор экспериментал равишда ўрганиш билангина чекланиб қолмай, балки ўз муаммоларини инсон ҳаёти ва фаолиятининг табиий шароитларида, болага бериладиган таълим ва тарбиянинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўрганса янада муваффақиятли ривожланиши табиийдир.

Табиат ва жамиятнинг қонунлари сингари камол топаётган инсон шахси ривожланишининг ҳам ўз қонунлари мавжуд. Бу қонунлар ёш психологияси фанининг турли тармоқларида ўрганилади. Булар: болалар психологияси, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилари психологияси, ўсмирлар психологияси, ўспиринлар психологияси, катта ёшдаги кишилар психологияси ва қариялар (геронтопсихология) психологиясидир.

Жамият аъзоси бўлган боланинг ривожланиши қонуниятларини, унинг психикасини, онгининг ривожланишини, умуман, боланинг туғилганидан бошлаб вояга етгунича бўлган психик ривожланишини психологиянинг алоҳида соҳаси бўлган болалар психологияси фани ўрганади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар психологиясини алоҳида предмет сифатида ўрганиш шахснинг таълим фаолияти билан шуғулланишидаги қийинчиликлар, таълим жараёнида юз бериши муқаррар бўлган тараққиёт шакллари ҳамда таълим фаолиятида ўқитувчининг тарбиявий таъсири каби муҳим психологик омилларни таҳлил қилиш имконини беради.

Маълумки, ўсмирлик ёши психик тараққиётнинг ўзига хос тарзда, инқирозлар таъсирида рўй беришини яққол кўрсатиб беради. Шу нуқтаи назардан ёш давлари психологиясида ўрганиладиган психик тараққиётнинг умумий қонуниятлари масаласини ёритишда ўсмирлик даври характеристикаси муҳим аҳамият касб этади.

Ўспиринлик даври мустақил ҳаётга қадам қўйиш, ўз-ўзини англашдаги муҳим силжишларининг рўй бериши, касб танлаш билан боғлиқ психологик муаммолар ечимини топиш, ақлий камолотдаги сифат ўзгаришлари билан характерланади. Шу туфайли ўспиринлик даври шахснинг маънавий етукликка эришишининг негизи сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Табиат ва жамият қонуниятлари ичида бола психикасининг ривожланиши қонуниятлари таркибида, ўсиб келаётган бола шахсининг ривожланиши қонуниятлари ҳам мавжуддир. Мана шу қонуниятлар умумий психологиянинг махсус тармоғи бўлган болалар психологиясининг предмети ташкил қилади. Ёш даврлари психологияси, боланинг психик хусусиятлари миқдор жиҳатидангина эмас, сифат жиҳатидан ҳам ривожланади ва ўзгаради, деган қоидага асосланади. Шу туфайли Ёш даврлари психологияси боланинг психик ривожланиши қонуниятлари ва психиканинг намоён бўлиши хусусиятларини тараққиётнинг турли ёш босқичларидаги ҳолатини тадқиқ этади.

Шундай қилиб, Ёш даврлари психологиясининг асосий вазифаси шахснинг камол топиши қонунларини ва турли ёш босқичларидаги боланинг ривожланишида вужудга келадиган психик фаолият хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда баркамол шахсни тарбиялаш хусусидаги давлат ҳужжатлари таълимнинг турли босқичларида таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга, баркамол шахсни камол топтиришга қаратилган. Бу долзарб вазифани амалга ошириш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини тўғри, илмий асосда ташкил этишни талаб қилади. Бунинг учун эса таълим жараёни ва бола шахси тараққиётининг ўзига хос психологик қонуниятларини яхши билиш керак бўлади.

Бола жамиятнинг аъзоси, мукаммал шахс сифатида муайян ижтимоий муҳитда камол топар экан, унинг бутун билиш жараёнлари ўзига хос хусусиятлари ва руҳий ҳолатлари, онги ҳам ривожланади. Ана шу ривожланиш натижасида унинг онги гўдакнинг дастлабки оддий акс эттириш (инъикос) тарздаги содда онгидан балоғатга етган инсонларга хос теварак-атрофни, борлиқни, одамларни аниқ, яққол тўла ва англаб акс эттириш даражасигача ривожланади.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, агар умумий психология психика ҳақидаги, психиканинг зоҳир бўлиш ва тараққиёт қонуниятлари ҳақидаги фан бўлса, ёш даврлар ва дифференциал психология турли ёшдаги болаларнинг ўқиш фаолиятини, уларнинг психик тараққиёти ва психологик хусусиятлари ҳақидаги фан бўлиб, шахснинг камол топиши жараёнида психик фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари тараққиёти, феъл-атворларини ва умуман шахсни камол топтирадиган шарт-шароитларини ҳам ўрганади десак муболаға бўлмайди.

Мавзу: Ёш ва педагогик психология фанининг илмий тадқиқот методлари.

РЕЖА:

1. Ёш ва педагогик психологияда психик фактларни ўрганиш муаммолари.
2. Ёш даврлари психологияси фанининг умумий методлари.
3. Ёш даврлари психологияси фанининг махсус методлари.
4. Ташкилий ва эмперик методлар.
5. Қиёслаш, лонгитюд ва эгизаклар методлари.

Ёш даврлари психологияси ўрганадиган фактларни муайян психологик усуллар, методлар ҳамда қоидалар ёрдамида тадқиқ этади. Шахснинг онтогенетик тараққиётида рўй берадиган психик ўзгаришлар, янгиланишлар, уларнинг кечиши, шарт-шароитларини тадқиқ этишда умумий психология методларидан кенг фойдаланади. Шунингдек ёш даврлар психологияси ўзининг махсус методларига ҳам эгаки, улар орқали психик ўсиш жараёнини узлуксиз, комплекс ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Ёш давлари психологиясида умумий психологиянинг кузатиш, эксперимент, анкета, тест, сўров каби методлари ҳамда комплекс метод, биографик метод, лонгитюд метод, эгизаклар методи, фаолият махсуллари таҳлил қилиш каби махсус методлари қўлланилади.

Фан ва техника тараққиёти шахс психикаси тараққиётининг хусусиятларини экспериментал равишда ўрганиш учун мураккаб ва нозик асбобларни яратиш имконини берди. Экспериментал материаллар асосида аста-секинлик билан турли ёшдаги болалар психикаси тараққиётининг қонуниятлари аниқлана бошланди.

Психологик қонуниятларга муайян режа асосида олиб бориладиган текширишлар туфайлигина ҳолисона аниқлик киритиш мумкин. Психологик тадқиқотлар жараёнини қуйидаги асосий босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

1. Муаммонинг қўйилиши. Хар қандай илмий-текшириш ишлари каби, психологияда олиб бориладиган илмий текшириш ишлари ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муаммони аниқлашдан, шунингдек бу муаммо фанда қанчалик ёритилганлигини аниқлаш мақсадида мазкур мавзуга оид илмий ва махсус адабиётларни таҳлил қилишдан бошланади.

2. Тадқиқот методикасини танлаш. Психологик тадқиқотлар турли методлар {бу методлар ҳақида қуйида батафсил фикр юритилади} билан олиб борилади. Текширишларнинг муваффақиятли чиқиши кўп жихатдан методни тўғри танлашга боғлиқ бўлади.

3. Маълумотларни тўплаш. Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммога мос бўлиши ёки уларни тўплаш мақсадга мувофиқ равишда олиб борилиши зарур. Илмий маълумотларга бўлган асосий талаблар - бу уларнинг ҳолисона, тўла ва изчил бўлишидир. Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммони ҳар жихатдан тавсифлаб бериши керак,

4. Маълумотларни қайта ишлаш. Тўпланган маълумотларни математик ва мантикий жихатдан ишлаб чиқиш умумийликни, хусусийликни топиш ва уларни тасодифий маълумотлардан ажраташ имконини беради. Бунда тўпланган маълумотларнинг ўртача миқдори (арифметик, квадрат ва ҳоказо), процентлари аниқланади, сонларга оид маълумотлар жадвалларга жойлаштирилади, график, диаграмма ва чизмаларда ўз аксини топади. Мураккаб мутаносибликдаги маълумотларни топишда эса вариацион статистика методлари қўлланилади.

5. Қонуниятларнинг ифодаланиши. Бу тадқиқотнинг бир мунча мураккаб ва масхулиятли босқичи ҳисобланади. Чунки, бу босқичда маълумотларнинг моҳиятига қанчалик чуқур тушунилганлиги, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб, олинган маълумотдан ҳар турли ҳулоса чиқариш мумкин. Кўпинча чиқарилган ҳулосалар таъминий характерга эга бўлиб, кейинги текширишлар учун асос бўлади.

6. Қонуниятни амалда қўллаш. Аниқланган қонуниятлар маълум бир амалиёт соҳасида қўлланилади. Амалда қўллаш аниқланган қонуниятнинг тўғрилигига батамом ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Кўпинча ўқитувчилар ўз амалий фаолиятларида шахсий кузатишлари ва бошқаларнинг тажрибаларини умумлаштирадилар. Бироқ, бундай умумлаштиришлар илмий жиҳатдан етарли асосланган бўлмайди, яъни, муаммо аниқлиги ва теранлиги билан ажралиб турмайди.

Психолог **Б.Г.Ананьев психикани ўрганиш методларини тўрт гуруҳга** ажратиб, уларни ташкилий, эмпирик, (амалий), натижаларни қайта ишлаш ёки натижаларни **шархлаш** методлари деб номлаган. Ушбу тадқиқот методи гуруҳлари ўзининг мақсад ва вазифаси бўйича яна бир неча тоифа ҳамда турларга бўлинади. Қуйида мазкур методларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда қиёсий тавсифини келтирамиз.

Тадқиқот методларининг биринчи-ташкилий гуруҳи ўз ичига қиёслаш, лонгитюд (узлуксиз), комплекс (кўпёқлама) деб аталган турларни олади. Қиёслаш методидан умумий психология, ижтимоий психология (катта ёки кичик гуруҳларни ҳамда уларнинг ҳар бир тоифаларини) медицина психологияси (соғлом ва бемор кишиларнинг психик хусусиятларини) спорт психологияси (спортчиларнинг ҳолати, кучлилиги ва ишчанлигини) психологик фактларни ўзаро таққослаш мақсадида унумли фойдаланилади. Ёш давлари психологиясида эса қиёслаш методи турли ёшдаги одамларнинг билиш жараёнлари, шахс

хусусиятлари, билимларни ўзлаштириши, ақлий қобилияти, салоҳияти, ривожланиш динамикаси, жинсларнинг тафовутлари ва ўзига хослигини ўрганишда қўлланилади.

Ёш даврлари психологиясида **қиёслаш методи билан бир вақтда лонгитюд** (узлуксиз) метод ҳам қўлланилади. Унинг бошқа методлардан фарқи бир ёки бир нечта синалувчилар узок муддат, хатто ўн йиллаб текширишидир. Лонгитюд методидан фойдаланиб, немис олими В.Штерн, француз тадқиқотчиси Р.Заззо, рус психологари Н.А.Менчинская, А.Н.Гвоздев, Н.С.Лейтес, В.С.Мухина ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар. Мазкур метод орқали бир хил жинсли (Хасан-Хусан, Фотима-Зухра) ёки аралаш жинсли (Хасан-Зухра, Фотима-Хусан) эгизаклар кузатишган. Узок вақт бир шахсни кузатиш, унда пайдо бўлаётган янги фазилатларнинг ривожланиш динамикасини, хулқ-атворидаги иллатларни олдини олиш тадбирларини, мураккаб психологик муносабатларининг ички боғланиш қонунияти ҳамда механизми тўғрисида мукамал ишончли барқарор маълумотлар тўплаш имконини яратади.

Хозирги даврдаги фан ва техника тараққиёти психологик текширишларнинг илмийлигини янада ошириш учун (субъектив омилларнинг таъсирини камайтириш мақсадида) комплекс дастур асосида бошқа фанлар (медицина, физика, физиология, биология, социология, кибернетика, статистика, философия, логика ва ҳаказолар) билан биргаликда тадқиқот ишлари олиб боришни таъазо этмоқда. Амалий йўсиндаги илмий тадқиқот ана шу кўп қиррали ёндошишни талаб қилади.

Психология соҳаларида (психофизиология, космик психология, медицина психологияси, инженерлик ёки авиация психологияси) тадқиқот объектига системали ёндошиш принципи амалга оширилмоқда. Комплекс метод ёрдамида ўрганилаётган объектдаги ўзгаришлар турли нуқтаи-назардан таҳлил қилинади ёки уларга турлича ёндошилади. Масалан, болада оддий билимларни ўзлаштириш хусусияти психологик жихатдан текширилаётган бўлса, комплекс ёндошиш таъсирида ана шу ўзлаштиришнинг фалсафий, мантикий, физиологик, ижтимоий, биологик хусусиятлари ёритилади. Айтайлик кексайишнинг биологик омилларини ўрганиш унинг психологик, физиологик, мантикий жихатларини ёритишда хизмат қилади. Комплекс дастур ёрдамида амалга оширилган тадқиқот натижаси илмий аҳамиятга эга бўлиб инсоншунослик муаммоларини ҳал қилишда катта ёрдам беради.

Илмий тадқиқот методикаларининг **иккинчи гуруҳи эмпирик методларидан** иборат бўлиб, бу гуруҳга кузатиш, эксперимент, тест, анкета, сўров, социометрия, суҳбат, интервью, фаолият жараёни ва унинг махсулини таҳлил қилиш, таржимаи хол кабилар киради ва улар синаш, текшириш, диагноз ва прогноз вазифаларни бажаради. Инсонда туғилганидан Ёшининг охиригача содир бўладиган психологик ўзгаришларни чуқурроқ ва объективроқ тадқиқ этиш учун эмпирик методлардан навбати билан фойдаланиш яхши натижа беради.

Илмий тадқиқот методларидан **4-шархлаш гуруҳи генетик ва доналаш методларидан** иборат. Генетик метод билан тадқиқот давомида тўпланган маълумотлар яхлит ҳолда мақсадга мувофиқ йўсинда шархланади. Бу методдан фойдаланишнинг асосий мақсади синалувчида вужудга келаётган янги шахс фазилатларининг ривожланиши ва билиш жараёнининг ўзгаришига, тажриба натижасига суяниб таҳриф ҳамда тавсиф беришидир. Шунингдек унда мазкур фазилат ва хусусиятларнинг намоён бўлиш даври, босқичи ҳамда баъзи машаққатли дақиқаларга, пайтларга қўшимча шархлар бериш имконияти туғилади.

Генетик методга асосланиб **психик ўзгаришлар ирсият** билан бевосита боғлиқлигининг илдизлари аниқланади.

Энди тажрибада энг кўп қўлланиладиган эмпирик методлар ҳақида кенгрок маълумот берамиз. Улардан бири кузатиш методи хисобланади. Бу методнинг объектив ва субъектив кузатиш турлари мавжуд. Инсон психологиясидаги ўзгаришларни **кузатиш** қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

1. Кузатишнинг мақсади, вазифаси белгиланади.
2. Кузатиладиган объект танланади.
3. Синалувчининг ёши жинси аниқланади.
4. Тадқиқот ўтказиш вақти режалаштирилади.
5. Кузатиш қанча давом этиши қатъийлаштирилади.
6. Кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида амалга оширилиши тавсия қилинади.

7. Кузатишнинг шакли тайинланади.

8. Кузатиладиганларнинг қайд қилиб бориш воситалари тахт қилинади.

Кузатиш орқали турли ёшдаги одамларнинг диққати, ҳис-туйғулари, нерв системасининг ташқи ифодалари, темперамент хусусиятлари, имо-ишоралари, сезгирлиги, хулқ-атвори, нутқ фаолияти ва хоқозолари ўрганилади. Аммо шахснинг ўта мураккаб ички психологик кечинмалар, юксак ҳиссиётлар, тафаккур, мантикий хотира ва ақл заковатини тадқиқ этишга бу методнинг имконияти етмайди.

Психология фанида ўз-ўзини кузатишдан ҳам фойдаланилади. Кўпинча тажрибада психолог ёки юқори малакали мохир ўқитувчи ўзини кузатиш орқали илмий хулоса чиқара билади. Масалан; ўз таффаққурини кузатиб ўзидаги эмоционал ўзгариш ҳақида маълумот олади. Натижада тафаккурнинг сифати, мазмуни, мохияти ва қай тарзда, қандай тезликда, қай шаклда рўй беришини кузатади. Шундай қилиб, кузатиш методининг қулай ва системали жиҳатлари билан бирга заиф томонлари ҳам мавжуд.

Инсоннинг мураккаб психикаси тадқиқ этишда **сухбат** методидан кенг фойдаланилади. Бу метод билан инсон психикасини ўрганишда суҳбатнинг мақсади ва вазифаси белгиланади, унинг объекти ва субъекти танланади, мавзуси, ўтказиладиган вақти аниқланади. Сухбат ўтказиш режалаштирилади, ўрганилаётган нарсга билан узвий боғлиқ савол жавоб тайёрланади. Сухбатнинг бош мақсади муайян бир вазият ёки муаммони ҳал қилиш жараёнида инсон психикасидаги ўзгаришларни ўрганишдир. Сухбат орқали турли ёшдаги одамларнинг тафакқури, ақл заковати, хулқ-атвори, қизиқиши, зийраклиги, билим савияси, эътиқоди, дунёқараши, иродаси тўғрисида маълумотлар олинади. Сухбат методининг таъкидланган ижобий жиҳатлари билан бирга айрим заиф томонлари ҳам мавжуд. Қайтарик сўзлар «ғализ» иборалар, нутқнинг тезлиги, фикрнинг мавҳумлиги, зерикарлилиги, муваффақиятсизликка сабаб бўлади. Шунингдек, савол жавобнинг бир хил шаклда эмаслиги синалувчида ўзига хос ишлаш услуби, ошкоралик етишмаслиги, ийманиш, уялиш атрофича маълумотлар олишни қийинлаштиради ва шу сабабли бошқа методларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Инсон хотираси, ақлий қобилияти ва ҳаёлини аниқлиш мақсадида фаолият маҳсулини таҳлил қилиш методидан Ёш даврлари психологиясида кенг қўлланилади. Болаларнинг чизган расмлари, ясаган ўйинчоқлари, моделлари, ёзган шеърларини таҳлил қилиш орқали уларнинг мантикий хотираси, тафакқури, техник, бадий ва адабий қобилияти, ижодий ҳаёли юзасидан материаллар тўплаш мумкин. Мазкур методдан фойдаланишда маҳсулотни яратган шахс бевосита иштирок этмайди. Объект билан субъект ўртасида мулоқот ўрнатиш учун шахснинг психикаси тўғрисида сиртдан муайян ҳукм ва хулоса чиқарилади. Ижодий фаолият маҳсулларининг таҳлил қилиш орқали болалар, ўқувчилар, талабалар, конструкторлар, олимлар, хунармандлар, ишчиларнинг психик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар тўплаш мумкин. Лекин инсондаги психик ўзгаришлар, камол топиш ва уларнинг кечишини ифодаловчи материаллар йиғиш учун бу методнинг ўзи етмайди.

Ёш даврлари психологиясида **тест** методидан атрофича фойдаланилади. Шахснинг ақлий ўсишини, қобилиятларини, иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт масалали топшириқ, мисол, жунбоқлар тест деб аталади. Тест айниқса одамнинг касбий қобилиятини аниқлаш мумкинлигини, касбга яроқлилиги ёки яроқсизлигини, истеъдодлилар ва ақли заифликни аниқлашда, кишиларни саралашда кенг қўлланилади. Тест методининг қиммати тажрибанинг илмийлик даражасига, текширувчининг маҳоратига ва қизиқишига, йиғилган психологик маълумотларнинг объективлиги ва уларнинг илмий таҳлил қила билишига боғлиқдир. **1905 йилда** француз психологи **А.Бинэ** ва унинг шогирди **А.Симон** инсоннинг ақлий ўсиши ва истеъдод даражасини ўлчаш имконияти борлиги ғоясини олға сурганидан кейин психологияда тест методи қўлланила бошланди. Хозирги даврда нодир тестлар қаторига психологлардан **Роршах, Розенцвейг, Кеттел, Векслер, Мейли, Айзенк, Анастаси, Равен** ва бошқаларнинг яратган тестларини киритиш мумкин. Энг кенг тарқалган тестлар қаторига ютуққа эришиш (мақсадга эришиш) тестлари, интеллектуал тестлар (ақлий ривожланиш даражасини ўлчашга мўлжалланган,) шахс тестлари (инсон эмоцияси, қизиқиши, мотивацияси, ва хулқидан иборатдир.) шахс « лойиха » (проектив) тестлари (саволларга битта

аниқ жавоб бериш талаб қилинади, жавобларни таҳлил қилиб шахс хусусиятларини «лойихасини» ишлаб чиқилади) киради.

Тажриба методи ёрдамида турли ёшдаги одамлар (чақалоқ, бола, ўсмир, ўспирин, балоғатга етганлар ва қарилар) нинг психикасини чуқурроқ, аниқроқ, тадқиқ қилиш методлари ичида энг муҳими ҳисобланади. Эксперимент методи ёрдамида сунъий тушунчаларнинг шаклланиши, нутқнинг ўсиши, фавқулотда ҳолатдан чиқиш, муаммолли вазиятни ҳал қилиш жараёнлари, шахсининг ҳис-туйғулари, характери, типологик хусусиятлари ўрганилади. Инсон психикасининг нозик ички боғланишлари, муносабатлари, қонуниятлари, хоссалари, мураккаб, механизмлари текширилади. Бунинг учун эксперимент материалларини текширувчи синчковлик билан танлаши, объектив тарзда ҳар-хил ҳолат ва вазиятларни яратиши бунда синалувчининг ёши, ақли, идроки, характери, хусусияти, ҳис-туйғулари, қизиқиши ва савиясига, турмуш тажрибасига, кўникма ва малакаларига эътибор бериш лозим.

Эксперимент методи ўз навбатида табиий эксперимент ва лаборатория экспериментига ажратилади. Табиий эксперимент психологик педагогик масалаларни ҳал қилишда қўлланилади. Бу методнинг илмий асосларини 1910 йилда А.Ф.Лазурский таърифлаган. Табиий экспериментдан фойдаланишда ишлаб чиқариш жамоалари аъзоларининг, илмий муассасалари ходимларининг, ўқувчилар, кексайган кишиларнинг ўзаро муносабатлари, иш қобилиятлари, мутахассисликка яроқлилиги муаммоларини ҳал қилиш назарда тутилади. Табиий шароитда инсон психикасини ўрганишда синалувчилар (боғча болалари, мактаб ўқувчилари, ишчилар, деҳқонлар, ходимлар ва хоқозолар) нинг ўзлари беҳабар бўлиши таълим жараёнида берилаётган билимлар тадқиқот мақсадига мувофиқлаштирилиши катта ёшдаги одамларга тарбиявий таъсир ўтказиши кундалик меҳнат тарзи доирасида амалга оширилиши, моддий маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим.

Лаборатория эксперименти кўпинча индивидуал шаклда синалувчилардан яширмай махсус психологик асбоблар, йул-йуриқлар, тавсиялар, кўрсатма ва иловалардан фойдаланиб олиб борилади. Ҳозирги замон кишиси психикасидаги ўзгаришларни аниқлайдиган асбоблар, мураккаб электрон ҳисоблаш машиналари, қурилмалар, мослама ва жихозлар мавжуд. Улар одамдаги психологик жараёнлар, ҳолатлар, функциялар вужудга келаётган янги сифатларни қайд қилиш ва ўлчашда қўлланилади. Кўпинча **дигиталлар, электрон ва радио ўлчашчилар, секундомер, хронорефлексометр, тахистоскоп, аудиометр экстензиометр электромиограмма, электроэнцефалограмма** кабилардан фойдаланилади.

Анкета методи Ёш даврлари психологиясида кенг қўлланиладиган методлардан биридир. Унинг ёрдамида турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятлари, нарса ва ҳодисаларга муносабатлари ўрганилади.

Анкета одатда уч турда тузилади. Уларнинг биринчи тури англанилган мотивларни аниқлашга мўлжалланган саволлардан тузилади. Иккинчи турида ҳар бир саволнинг бир нечтадан тайёр жавоблари берилади. Учинчи турдаги анкетада синалувчига ёзилган тўғри жавобларни баллар билан баҳолаш тавсия этилади. Анкетадан методидан турли ёшдаги одамларнинг лаёкатларини, муайян соҳага қизиқишлари ва қобилиятларини, ўзига, тенгдошларига, катта ва кичикларга муносабатларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Социометрик метод кичик гуруҳ аъзолари ўртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражасини ўлчашда қўлланилади. Унга америкалик социолог Джон Морено асос солган. Мазкур метод ёрдамида муайян гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг ўзаро муносабатини аниқлаш учун унинг қайси фаолиятида ким билан бирга қатнашиши сўралади. Олинган маълумотлар матрица, график, схема, жадвал шаклида ифодаланади.

Биография (таржимаи ҳол) методи инсон психикасини тадқиқ қилиш учун унинг ҳаёти фаолияти ижодиёти тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар тўплашда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада кишиларнинг таржимаи ҳоли, кундалиги, хатлари, эсдаликлари, ўзгалар ижодига берган баҳолари, танбехлари, тақризлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бирга ўзгалар томонидан тўпланган таржимаи ҳол ҳақидаги материаллар: эсдаликлар,

овозлари, фотолавлалар, хужжатли фильмлар, тақризлар ўрганилаётган шахсни тўларок тассаввур этишга хизмат қилади.

Таржимаи ҳол инсон психикасининг ўзгаришларини кузатишда унинг суҳбат ва тажриба методлари билан ўрганиб бўлмайдиган жиҳатларини очишда ёрдам беради. Масалан, маъруза маълумотлар орқали ижодий ҳаёл билан боғлиқ жараёнлар: шеърят, мусика, нафосат, тасвирий санъат, техник ижодиётнинг нозик турлари ва кайфиятлари тафраккурнинг ўзига хослиги, шахснинг маънавият, қадрият, қобилият, иқтидор, истехдод сингари фазилатларини ўрганиш мумкин.

Назорат учун саволлар

- 1.Онтогенез қандай жараён ва у қандай кечади?
- 2.Филогенез қандай жараён унда психика тараққиёти қандай рўй беради?
- 3.Ёш давлари психологиясининг вазифалари нимадан иборат?
- 4.Ёш давлари психологиясининг вужудга келишига қандай омиллар туртки бўлган?
- 5.Болалар психологияси нимани ўрганади?
- 6.Ёш давлари психологиясининг қандай бўлимлари бор?
- 7.Б.Г.Ананьев бўйича психологик тадқиқот методлари гуруҳи қайсилар?
- 8.Таржимаи ҳол методининг асосий хусусияти нимадан иборат?
- 9.Социометрик метод Ёш давлари психологиясида қандай мақсадларда қўлланилади?
- 10.Табий ва лаборатория экспериментлари қандай олиб борилади?
- 11.Ёш давлари психологиясида тест методидан нима учун фойдаланилади

мавзу: Ёш давлар психологиясининг ривожланиш босқичлари.Тараққиётнинг асосий масалалари

РЕЖА:

1. Ёш давлари психологиясида психик психик тараққиёт муаммолари.
2. Психик тараққиёт масаласига доир қарашлар.
3. Филогенезда психика тараққиётининг асосий босқичлари.
4. Биогенетик, социогенетик ва психогенетик назариялар таҳлили.
5. З.Фрейднинг психик тараққиёт ҳақидаги назарияси.
6. Психик тараққиётнинг умумий қонуниятлари

Таянч сўз ва иборалар:

Психика, тараққиёт, биогенетик, социогенетик, психогенетик, психоанализ, ирсий омиллар, ижтимоий муҳит, таълим-тарбия, психик фазилатлар, нотекислик қонуни, пластиклик, компенсация.

Инсон руҳиятининг тараққиёти масаласини ўрганиш жуда узоқ тарихга эга. Бунга буюк алломаларимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш муаммоси, шахс тарбиясининг хилма хил жиҳатлари юзасидан билдирган фикрлари асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридаги бош масалалардан бири комил инсонни тарбиялашдир. А.Жомийнинг «Баҳористон», «Тухфатул ахрор» ва бошқа асарларида илм, маърифат, таълим-тарбия, касб-ҳунар ўрганиш ҳақидаги фикрлар ифодаланган. А.Навоийнинг «Ҳазойинул-маоний», «Махбуб-ул қулуб», ва бошқа асарларида етук, баркамол инсоннинг ахлоқи, тафаккури, қобилиятлари тўғрисида қимматли мулоҳазалар юритилган. Шунингдек, Бобур, Фарғоний, Машраб, Гулҳаний, Нодира, Увайсий, Муқумий, Фурқат, Бедил, Завқий, Ҳамза, Авлоний ва бошқаларнинг ёшлар тарбиясига, феъл-атвор, оилавий ҳаёт масалаларига, шахслараро муносабатларга доир қарашлари ҳам турли жанрлардаги асарларида баён қилинган.

Давлатимиз томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да баркамол шахсни камол топтиришдан иборат бўлган вазифалар белгилаб қўйилганлиги шахс камолоти муаммоси фақат аجدодларимизнинг ижодидаги эмас, балки ҳозирги замон сиёсатининг кун тартибидаги долзарб масала эканлигидан далолатдир. Шахс бу ижтимоий муносабатлар йиғиндиси, яъни индивид сифатида туғилган бола бўлиб, у ўз атрофидаги кишиларнинг муносабатлари таъсирида ва ўзини англаш жараёнида шахсга айланади. Шахс йиллар, асрлар давомида шаклланган ва шаклланиши доимий характерда бўлган воқеийликдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир давр замон билан ҳамнафас, давр талабларига

жавоб бера оладиган шахсни тарбиялаш масаласини илгари суради. Бу эса мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия усуллари, воситалари ва ташкилий шакллари ишлаб чиқиш ҳамда педагогик жараёни бошқаришнинг самарадорлигини ошириш масаласини ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Психик ривожланиш ва бу ўзгаришларга сабаб бўладиган кучлар ўртасидаги муносабат қонунларини ўрганиш Ёш даврлари психологияси фанининг муҳим ва долзарб муаммоларидан биридир. Инсон шахсининг психик ривожланиши ва унинг шаклланиши мураккаб бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини асосли илмий билиш, ўқувчи шахсига педагогик жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг зарур шарти ҳисобланади. Шахсининг таркиб топиши ва психик ривожланишига таъсир этувчи омиллар муаммоси ўз моҳияти жиҳатидан ғоявий характерга эга, шу боис, бу масалани ҳал қилишда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли оқимлар, йўналишлар майдонга келган. Инсон шахсининг таркиб топишини тушунтиришда майдонга келган биринчи оқим биогенетик концепция бўлса, иккинчи оқим социогенетик концепциядир.

Инсон шахсининг таркиб топишини тушунтиришга интилувчи биогенетик оқим XIX асрнинг икинчи ярмида майдонга келган. Бола психик хусусиятларининг туғма табиати ҳақидаги маълумот шу вақтга қадар аксарият психология мактабларининг асосини ташкил этиб келган. Мазкур таълимот инсон психикасининг барча умумий ва индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, унинг биологик тузилишига тенглаштирилгандир, психик ривожланиш эса, ирсий йўл билан азалдан белгиланиб, инсон организмига жойлаштирилган шу хусусиятларнинг маромига етилиш жараёнидан иборат деб таъкидлайди. Маълумки, наслий хусусиятлар туғма йўл билан наслдан наслга тайёр ҳолда берилади, бироқ шундай бўлишига қарамай, бу оқим намояндалари инсон шахси ва унинг барча хусусиятлари “ички қонунлар” асосида, яъни наслий хусусиятлар негизида майдонга келиб, биологик омилларга боғлиқдир, деб таъкидлайдилар.

Биогенетик таълимот, инсон қобилиятларининг ривожланиш даражаси тақдир томонидан белгиланиб қўйилганлигини, ўқувчи имкониятлари ва қобилиятларини махсус тестлар ёрдамида аниқлаб, ундан сўнг таълим жараёнини унинг ирсият томонидан белгиланган тараққиёт даражасига мослаштириш, уларнинг ақлий истеъдод даражаларига қараб турли мавқедаги мактабларда таҳсил олишини тامينлаш зарур деб таъкидлайди. Бу йўналиш тарафдорларидан, америкалик психолог **Э.Торндайк** ўқувчиларнинг “табiiй кучлари” ва “туғма майллар”ини психик ривожланишнинг етакчи омили қилиб кўрсатиб, муҳитнинг, таълим-тарбиянинг таъсири - иккинчи даражалидир деб айтади. Австралиялик психолог **К.Бюлер** болаларнинг фақат ақлий тараққиёти эмас, балки ахлоқий ривожланиши ҳам наслий томондан белгилангандир, деб таъкидлайди. Америкалик педагог ва психолог Дж.Дьюи - инсон табиатини ўзгартириб бўлмайди, одам ирсият воситасида ҳосил қилган эҳтиёжлари ва психик хусусиятлари билан туғилади, бу эҳтиёжлар ва психик хусусиятлар тарбия жараёнида намоён бўлиб, баъзида ўзгаради ва тарбиянинг миқдорини белгилаб берувчи мезондир ҳисоблайди. Веналик психолог ва психиатр З. Фрейд мазкур оқим намояндаси сифатада шахснинг фаоллигини, уни ҳаракатта келтирувчи кучларни қуйидаги тарзда тушунтиришга интилади. Одам ўзининг қадимий ҳайвон тариқасидаги авад-аждодларидан наслий йўл билан ўтган инстинктив майлларнинг намоён бўлаётгани туфайли фаолдир. З.Фрейднинг фикрига кўра, инстинктив майллар асосан жинсий инстинктлар шаклида намоён бўлади. У шахснинг фаоллигини даставвал жинсий майллар билан боғлайди. Бироқ инстинктив майллар жамиятда худди ҳайвонот оламидагидек эркин намоён бўлавермайди. Жамиятдаги жамоа ҳаёти одамни, ундаги мавжуд инстинктив майлларни (яъни, жинсий майлларни) жуда кўп жиҳатдан чеклаб қўяди. Оқибатда одам ўзининг кўп инстинктлари ва майлларини босишга, тормозлашга мажбур бўлади. Унинг таълимотига кўра, тормозланган инстинкт ва майллар йўқолиб кетмайди, балки бизга номаълум бўлган онгсизлик даражасига ўтказилиб юборилади. З. Фрейд таълимотига мувофиқ онгсизлик даражасидаги бундай инстинктлар ва майллар бирлашадилар ва инсон шахси фаоллигининг ҳақиқий сабабчиси сифатида намоён бўлади.

Инсон шахсининг таркиб топишини ўрганиш давомида юзага келган “Социогенетик” концепция қобилиятларнинг тараққиётини фақат теварак-атрофдаги муҳитнинг таъсири

билан тушунтиради. Бу йўналиш ўз замонаси учун илғор ҳисобланган XVIII аср француз олими **К.Гельвеций** таълимотидан бошланган. К.Гельвецийнинг таълимотида кўра, барча одамлар ақлий ва ахлоқий ривожланиши учун туғилишдан оқ мутлақо бир хил табиий имкониятга эга бўладилар, шунинг учун одамларнинг психик хусусиятларидаги фарқ фақатгина муҳит ва тарбиянинг турлича таъсир қилиши билан вужудга келади. Бу назариянинг хорижий мамлакатлардаги ҳозирги турли намояндалари психиканинг ривожланишида ижтимоий муҳитнинг ғоят даражада муҳим роли борлигини эътироф этадилар. Инсон шахсининг таркиб топишини ўрганиш давомида юзага келган **“Социогенетик”** концепция фанда экспериментларнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Маълумки, XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида табиий фанлар жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Ўша пайтларда барчанинг диққат-эътибори мўжизакор тажрибага қаратилган эди. Бу ҳодиса инсон шахсининг таркиб топиши масаласига ҳам таъсир қилмай қолмади. **“Социогенетик”** концепция намояндалари инсоннинг бутун тараққиёти, шу жумладан, шахсий хусусиятларнинг таркиб топиши, асосан, тажрибага боғлиқдир. Бу назарияда шахсда руй берадиган ўзгаришлар жамиятнинг тузилиши; ижтимоийлашиш усуллари, атрофидаги одамлар билан ўзаро муносабат воситалари асосида тушунтирилади. Бу таълимотта кўра инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётдаги ижтимоий шарт-шароитларнинг бевосита таъсири остида шахсга айланади. Яна бир Англиялик олим Джон Локк дунёга келган янги чақалоқ боланинг руҳини **“топ-тоза ойнага”** ўхшатади. Унинг фикрича, боланинг **“топ-тоза ойна”** тарзидаги руҳига нисбатан нисбатан мутлақо катта одамлар ихтиёрларидадир. Шунинг учун боланинг қандай одам бўлиб етишиши, яъни унда қандай шахсий фазилатларнинг таркиб топиши бола ҳаётдан оладиган тажрибага, ўзгалар билан мулоқот жараёнида оладиган ҳаётий тушунча ва тасаввурларига боғлиқдир, деб таъкидлайди.

Ҳар иккала йўналишнинг намояндалари, ўз манфаатларининг ташқи жиҳатдан бири-бирига қарама-қарши бўлишига қарамай, инсоннинг психик хусусиятларини наслий, биологик омиллар таъсири остида, ёки ўзгармас муҳит таъсирида аввалдан белгиланган ва ўзгармас нарса, деб эътироф этадилар.

Одамда туғма равишда ташкил топган хусусиятлар кўриш, эшитиш сезгиларининг айрим хусусиятлари билан бир қаторда ҳаёт шароитлари ва фаолиятларининг таълим тарбия таъсири остида ташкил топган ахлоқий сифатлари ҳам мавжуддир. Психологиянинг айрим намояндалари психик хусусиятлар туғма пайдо бўлади, психик функциялар бола туғилмасидан шаклланади деган позицияда турадилар. Англиялик олим Ш.Аурэбах - **«Ҳар бир одам худди картабоз кўлига карта олиб ўйнагани каби ўз ҳаётини кўлига генларни олиб бошлайди»** деб таъкидлайди. Унинг фикрича **«Ақлий тараққиёт даражаси, махсус қобилият, шахсий сифатлар буларнинг ҳаммаси генетик факторлар билан муҳит факторлари ўзаро муносабатининг натижасидан иботардир»**.

Австралиялик психолог К.Бюлер - **“Болаларнинг фақат ақлий тараққиётигина эмас балки ахлоқий тараққиёти ҳам наслий томонидан белгилангандир”** деб таъкидлайди.

3.Фрейд ва унинг издошлари инсон фаолиятини бошқарувчи инстинктларни, туғма ва ижтимоий таъсирларга боғлиқ бўлмаган дастлабки онгсиз эҳтиёжларни ҳамда майлларни шахс тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучлар деб билган.

Америкалик психолог ва педагог Д.Дьюи инсон табиатини ўзгартириб бўлмайди деб ҳисоблаган. Унинг фикрига кўра ирсият инсон психикаси шаклланишининг табиатини белгилайди. Айрим психологларнинг фикрига кўра муҳит, таълим-тарбия табиат томонидан яратилган хусусиятларнинг намоян бўлиши ва ўз ўзича ривожланиши учун зарур бўлган шароитгина ҳолос. Улар психик тараққиётда наслий факторларнинг ҳал қилувчи роли бор деган фикрни асослашга интиладилар.

Психологлар **В.Н. Колбоновский, А.Р. Лурия, А.Н. Мионовлар** олиб борган тадқиқотлар муаммога бошқачароқ ёндашишни кўрсатади. Яъни бир тухумдан бўлган эгизаклардан бир хил табиий шароитда, таълим методларига қараб, ижодий фаолиятнинг айрим турларида мутлақо ҳар-хил натижаларни эгаллаши мумкин. Шунингдек Француз психологи Р.Заззо ҳам бир тухумдан пайдо бўлган эгизаклар устида тажрибалар ўтказиб, психик хусусиятларнинг туғма характери назариясига қаттиқ зарба берди.

Психологлар ихтиёрида бўлган жуда кўп фактлар ҳар иккала йўналишнинг ҳам чекланган ва бир ёқламалигини кўрсатади. Одамнинг генетик хусусиятлари бир маънода унинг психик хусусиятларини белгилайди деб ҳисоблаш хатодир. Аммо бунинг тескараси ҳам яъни психик тараққиётнинг табиий имкониятларидаги индивидуал фарқларни батамом инкор қилиш ва одамлардаги хилма-хил индивидуал психологик хусусиятларни фақат ташқи таъсиротлар натижасидир, дейиши ҳам нотўғридир.

Психологияда психик тараққиётни талқин этувчи **психогенетик** ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, у биогенетик ва социогенетик омилларнинг қимматини камситмасдан психик жараёнларнинг ривожланишини биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб ҳар бир айрим кишининг тараққиёти (туғилгандан бошлаб) организмнинг ўсишига боғлиқ ҳолда муҳит, таълим ва тарбиянинг таъсирида ҳамда шахсий фаоллик натижасида амалга ошади. Инсон ақлий хусусиятлари, иродаси шу йўсинда ривожланади, шахснинг индивидуал хусусиятлари темперамент, характер, қобилиятлар ва қизиқишлар шу тариқа шаклланади ва тараққий этади. Демак, психик тараққиётни таъминловчи омил ягона эмаслигини, улар бир нечта эканлигини, шунингдек бу омиллар ўзаро узвий боғлиқликда мавжудлиги каби фактларни англаб етиш зарур. Психик тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучлар сифатида қайд этилган ирсий омиллар, ижтимоий омиллар, мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия, шахсий фаоллик кабиларнинг ҳар бири алоҳида бир олам бўлишига қарамадан тараққиётни ўзаро ҳамкорликда таъминлайди. Масалан, агар таълим фаолияти аниқ мақсад асосида амалга оширилиши учун шарт-шароит тўлиқ бўлса-ю, аммо, ўқувчида шахсий фаоллик етарли даражада шаклланган бўлмаса у ҳолда психик тараққиётда муаммо вужуда келади ва уни зудлик билан тўғрилаш зарур.

Шахснинг моҳияти ўз табиатидан ижтимоий характерга эгадир. Шахсдаги барча психик хусусиятларнинг, ижодий фаоллигининг ривожланиши манбалари унинг теvarак-атрофидаги ижтимоий муҳитга боғлиқ бўлади. Инсон шахси детерминлашган бўлиб, унинг ижтимоий турмуши билан белгиланади. Мана шу маънода шахснинг тараққиёти одамлар билан муносабатида юзага келадиган ижтимоий тажрибани эгаллаш жараёнидан иборатдир деган ҳулоса чиқариш мумкин. Бунинг натижасида инсоннинг психик хусусиятлари, характери, иродавий хислатлари, қизиқишлари, майллари ва қобилиятлари таркиб топади. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, жамият талабларига жавоб берадиган муайян шахсий сифатларни таркиб топтириш мақсадида катта авлоднинг ёш авлодга онгли, мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш жараёни сифатида таълим ва тарбия ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Биринчидан, одам муҳит таъсири остидаги пассив объект бўлмай, балки фаол мавжудотдир. Шунинг учун ташқи ҳаёт таъсири инсон психикасини тўғридан тўғри белгиламайди, балки одамнинг муҳит билан бўлган ўзаро таъсири, унинг муҳитдаги фаолияти орқали белгилайди. Иккинчидан, психиканинг ривожланиш оқибати, натижаси ташқи шароитларга боғлиқдир. Лекин бу ривожланишни бевосита ташқи шароитдан ва ташқи вазиятдан келтириб чиқариб бўлмайди. Бу шароитлар ҳамда вазиятлар ҳамиша одамнинг ҳаётий тажрибаси, унинг шахси, индивидуал психологик хусусиятлари ва психик қиёфаси орқали таъсир қилади. Мана шу маънода индивид ўзига хос психикаси ва шахсий тажрибасини ўз ички муҳити хусусиятлари орқали билвосита қабул қилади. Ўз даврида И.М.Сеченов одамнинг ҳатти-ҳаракатлари ташқи таассуротлар орқали детерминлашганлиги ҳақидаги тезисни илгари сурганида ташқи таассуротларни фақат муайян пайтда таъсир этиб турган мавжуд таассуротлар каби содда равишда тушунмасликни, балки аслини олганда мазкур одамнинг ҳаётий тажрибасида мужассамлашган барча аввалги таассуротлар йигиндисини назарда тутиш кераклигини уқтириб ўтган эди. Учинчидан, одам фаол мавжудот сифатида ўзи ҳам онгли равишда ўз шахсини ўзгартириши, яъни ўз-ўзини тарбиялаш жараёни теvarак-атрофдаги муҳитдан ажралган ҳолда бормайди. Ўз-ўзини тарбиялаш муҳит билан мослашган ҳолда ва муҳит билан фаол ўзаро муносабатда содир бўлади. Келтирилган фикрлардан шундай ҳулоса чиқариш мумкинки, бир хил ташқи шароит, бир хил муҳит турли болаларга, ўсмирларга, йигит ва қизларга турлича таъсир кўрсатиши мумкин.

Табиий хусусиятлар тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида психик тараққиётга маълум даражада таъсир кўрсатади. Биринчидан, табиий хусусиятлар тараққиётнинг турли йўллари ва усуллари белгилаб беради. Инсон нерв системасининг

хусусиятлари ўз-ўзича шахснинг ҳеч қандай психик хусусиятларини белгиламайди. Ҳеч бир нормал бола дадил ёки қўрқоқ, иродасиз, меҳнатсевар ёки интизомсиз бўлиб туғилмайди. Агарда тарбия тўғри ташкил қилинса, нерв системасининг исталган типи асосида характернинг барча ижтимоий қимматли хислатларини ҳосил қилиш мумкин. Масалан, сабот-матонат ва ўзини тута билиш хислатларини нерв системасининг типи шиддатли бўлган болаларда ҳам тарбиялаш лозим ва тарбияласа бўлади. Лекин биринчи ҳолдаги болаларни тарбиялаш иккинчи ҳолларни тарбиялашга қараганда қийинроқ бўлади. Ҳар иккала ҳолда керакли сифатларни тарбиялаш йўллари ва усуллари ҳам турлича бўлади. Иккинчидан, табиий хусусиятлар одамнинг бирон бир соҳада эришган ютуқлари даражасига ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, қобилият куртакларида туғма индивидуал фарқлар бўлади. Шу сабабли баъзи одамлар бошқа одамлардан маълум бир фаолият имконияти жиҳатидан устун туришлари ва шунинг билан бир пайтда бир фаолиятнинг турини эгаллаш имконияти жиҳатидан эса улардан олислик қилишлари мумкин. Масалан, ўзининг мусикий қобилияти ривожланиши учун қулай табиий куртакка эга бўлган бола бошқа ҳамма шароитлар бир хил бўлишига қарамай мусикий қобилиятини ривожлантириши учун табиий куртакка эга бўлмаган боладан нисбатан мусиқа соҳасида тез ривожланади ва нисбатан катта ютуқларга эришади. Биринчи синф ўқувчисини қандай генеал педагог ва методистлар ўқитмасин етти ёшли боланинг мияси бошланғич дифференциал ва интеграл ҳисоблашларини ёки диалектик фалсафа асосларини билишга ҳали чиндан ҳам етилган эмас. Бироқ мия тузилишининг мавқеи маълум муҳитга, таълим тарбияга мутлақо боғланмаган ҳолда ўзининг қатъий асосида содир бўлади деб бўлмайди. Муҳит, таълим тарбия ва тегишли машқ мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишини таъминлайди. Аммо психикани муҳитга, таълим-тарбияга мутлақо боғланмаган ҳолда ўзининг қатъий биологик жиҳатдан тараққий этиш қонунлари асосида содир бўлади деб бўлмайди.

Табиий Европанинг энг муҳим нуфузли назарияларидан бири бу **роллар назариясидир**. Ушбу назариянинг моҳиятига биноан жамият ўзининг ҳар бир аъзосига **статус** (ҳақ-ҳуқуқ) деб номланган ҳатти-ҳаракат (ҳулқ)нинг барқарор усуллари мажмуасини тақлиф қилади. Инсон ижтимоий муҳитда бажариши шарт бўлган махсус роллари шахснинг ҳулқ-атвор хусусиятида, ўзгалар билан муносабат, мулоқот ўрнатишда сезиларли из қолдиради.

АҚШда кенг тарқалган назариялардаги яна биттаси бу индивидуал тажриба ва билимларни эгаллаш (**мустақл ўзлаштириш**) **назариясидир**. Мазкур назарияга биноан шахснинг ҳаёти ва унинг воқеликка нисбатан муносабати кўпинча кўникмаларни эгаллаш ва билимларни ўзлаштиришнинг самараси кўзгатувчини узлуксиз равишда мустаҳкамланиб боришнинг маҳсулидир. (Э.Торндайк, Б.Скиннер ва ҳ.к)

К.Левин томонидан тавсия қилинган «**Фазовий зарурат майдони**» нахзарияси психология фани учун муҳим аҳамият касб этади. К.Левиннинг назариясига кўра индивидуал ҳулқи психологик куч вазифасини ўтовчи иштиёқ (интилиш), мақсадлар билан бошқарилиб турилади ва улар фазовий зарурат майдонининг кўлами ва таянч нуқтасига йўналтирилган бўлади.

Психологияда **психогенетик** ёндошиш ҳам мавжуд бўлиб у биогенетик социогенетик омилларнинг қимматини камситмайди, балки психик жараёнлар тараққиётининг биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Ушбу ёндошишнинг учта мустақил йўналишга ажратиб таҳлил қилиш мумкин, чунки уларнинг ҳар бири ўз моҳияти, маҳсули ва жараён сифатида кечиши билан ўзаро тафовутланади.

Психиканинг иррационал (ақлий билиш жараёнларидан ташқари) таркибий қисмлари бўлмиш эмоция майл ваш у кабилар ёрдамида шахс ҳулқини таҳлил қилувчи **назария психодинамика** дейилади.

Мазкур назариянинг йирик намоёндаларидан бири бу Америкалик психолог Э. Эриксондир. У шахс ривожини 8 та даврга ажратади.

- 1-давр-гўдаклик,
- 2-давр-илк болалик,
- 3-давр-ўйин ёши 5 ёш-7 ёшгача,
- 4 давр-мактаб ёши,

- 5 давр-ўспиринлмк,
6 давр ёшлик бошқа одамга нисбатан психологик интим яқинлашув қобилияти ва эҳтиёжи вужудга келиши, Билан ажралиб туради.
7-давр-етуклик даври,
8-давр-қарилик даври.

Э.Шпрангер, К.Бюллер, А.Маслоу ва бошқалар **персонологик** назариянинг йирик намоёндалари бўлиб ҳисобланадилар.

Э.Шпрангер «Ўспиринлик даври психологияси» деган асарида қизларнинг 13 ёшдан 19 ёшгача, йигитларни 14 ёшдан-22 ёшгача киритишни тавсия қилади. Унинг фикрича 14-17 ёшларда вужудга келадиган инқирознинг моҳияти уларга катталарнинг болаларча муносабатидан кутулиш туйғуси туғилишидан иборатдир. 17-21 ёшларнинг яна бир хусусияти ўзининг тенгқурлари ва жамоатчилик қуршовидан узилиш инқироzi ва танҳолик туйғусининг пайдо бўлишидир

Когнитивистик йўналишнинг асосчилари қаторига Ж.Пиаже, Дж.Келли ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ж.Пиаже интеллект назарияси иккита муҳим жиҳатга ажратилган бўлиб, у интеллект функциялари ва интеллектнинг доиралари таълимотини ўз ичига қамраб олади. Интеллектнинг асосий функциялари қаторига уюшқоқлик (тартиблилик) ва адаптация (мослашиш, кўникиш)дан иборат бўлиб, интеллектнинг функционал инвариантлиги деб юритилади.

Муаллиф махсус интеллект ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратади.

- 1) сенсомотор интеллекти (туғилишдан то 2 ёшгача)
- 2) операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан то 7 ёшгача)
- 3) контракт операциялар даври (7-8 ёшдан, 11-12 ёш)
- 4) формал (расмий операциялар даври)

Ж.Пиаженинг ғояларини давом эттирган психологларнинг гуруҳини когнитив-генетик назарияга бириктириш мумкин. Француз психологи А.Валлон, франциялик йирик психолог Заззо.

Қилинган таҳлиллардан кўриниб турибдики, Европа мамлакатлари ва АҚШ психологлари орасида бу соҳада битта умумий назария ҳали ишлаб чиқилмаган. Бунинг сабаби шахснинг узилиши, унинг шаклланиш қонуниятлари, унинг камолотида объектив ва субъектив таъсирларнинг роли, ривожланишнинг таянч манбалари бўйича умумийликнинг йўқлиги, аниқ методологияга ва илмий платформага асосланмаганлиқдир.

Юқоридаги баён қилинган психик тараққиёт муаммосини таҳлил қилишнинг нисбатан мураккаблиги унинг биргина эмас бир нечта қонуниятлар билан белгиланишига боғлиқдир.

Психик тараққиётнинг умумий қонуниятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Психик ривожланишнинг нотекислиги қонуният.

Бу ҳар қандай шароитда хатто таълим-тарбиянинг энг қулай шароитларида ҳам шахснинг турли психик белгилари психик функциялари ва психик хусусиятлари ривожланишининг битта даражасида тухтаб турмайди. Болаларнинг ривожланишидаги айрим даврлардаги психиканинг у ёки бу йўналишларида ривожланиш учун нихоятда қулай шароит пайдо бўлади ва бу шароитларнинг баъзилари вақтинчалик ўткинчи характерда бўлади. Масалан мактабгача ёшда айниқса нутқ, ўсмирликда, илк ўспиринликда мустақил таффакур жадал ривожланади.

2.Психика интеграцияси қонуният. Инсон психикаси ўз тараққиёти давомида тобора кўпроқ яхлитлик, бирлик, мустаҳкамлик ва доимийлик хусусиятларини касб эта боради. Масалан: алоҳида предмет ва ходисаларни тўлиқ идрок қилиш асосида кузатувчанлик шаклланади ва хокоза.

3.Психик ривожланишдаги пластиклик қонуният. Инсон психикаси қотиб қолган воқеълик эмас, балки у доимий ўзгаришда ривожланишда бўлади. Шу туфайли ёш ўсиши билан боғлиқ ўзгаришларни назорат қилиш, тартибга солиш имкониятлари мавжуд.

4.Психикани компенсация қилиш имконияти қонуният. Шахснинг баъзи функциялари ривожланишидаги камчиликларни бошқа психик функциялар билан ўрнини

тўлдириш мумкинлиги. Масалан, кўзи ожиз болаларнинг кўриш имкониятининг ўрнини эшитиш, тери туюш сезгилари орқали тўлдирилиши ва хокоза.

Назорат учун саволлар

1. Психик тараққиёт деганда нима тушунилади?
2. Психика интеграцияси қонунияти нимадан иборат?
3. Психик тараққиётда таълим-тарбия қандай роль ўйнайди?
4. Психик тараққиётда ирсият қандай роль ўйнайди?
5. Психик тараққиётда муҳит қандай роль ўйнайди?
6. Психик тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучлар нималар?

мавзу: ЁШ ДАВРЛАРНИ ТАБАҚАЛАШ ВА ЁШ ИНҚИРОЗЛАРИ.

РЕЖА:

1. Ёш даврларни табақалаш назариялари
2. Ёш даврларни табақалашнинг турлари.
3. Ёш даврларни табақалаш мезонлари.
4. Ёш даврлари психологиясида инқироз тушунчаси
5. Асосий инқироз даврлари характеристикаси

Таянч сўз ва иборалар:

Ёш даврлар, ёш босқичлари, умумий классификация, жузъий классификация, табақалаш, табақалаш мезонлари, онтогенетик тараққиёт, чақалоқлик, гўдаклик, ўсмирлик, илк болалик, иқироз.

Психологияда ёш тушунчаси инсон онтогенетик тараққиётининг муайян босқичини ифодалайди. Инсоннинг ёши унинг ҳаёти ва фаолиятининг кечишини ёки ёш ўзгариши билан психик фаолиятда муайян ўзгаришлар рўй беришини ўзига хос тарзда таърифлаш имконини беради. Шу туфайли ёш даврлар психологиясида ёшнинг табиий, ижтимоий, психологик ва шахсий омиллари билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинади. Табиий ҳолда, “Ёш ўзи нима?” деган савол туғилади. Бу саволга жавоб топиш инсон психик тараққиётининг табиатини тушунишга боғлиқ. Бундай нуқтаи назарлардан бирида ёш даврининг ўзгармаслиги қайд этилади. Ёш ҳақидаги бундай тасаввур психика тараққиётини табиий биологик жараён сифатида тушуниш билан боғлиқ. Қарама қарши нуқтаи назарлардан бирида ёш тушунчаси умуман рад этилади. Бундай ҳолларда тараққиёт билиш ва кўникмаларни тўплашдангина иборат деб қаралади. Ҳар бир ёш даври психик тараққиётнинг махсус босқичидир ва бола тараққиётининг маълум босқичида шахс структурасидаги ўзига хосликлар мажмуини ташкил этадиган ўзгаришлар тўплами билан характерланади. Бу саволга жавоб топиш инсон психик тараққиёти табиатини тушунишга боғлиқ. Бундай нуқтаи назарлардан бирида ёш даврининг ўзгармаслиги қайд этилади. Ёш ҳақидаги бундай тасаввур психика тараққиётини табиий биологик жараён сифатида тушуниш билан боғлиқ. Қарама қарши нуқтаи назарлардан бири ёш тушунчаси умуман рад этилади. Бундай ҳолларда тараққиёт билиш ва кўникмаларни тўплашдангина иборат деб қаралади. Ҳар бир ёш даври психик тараққиётнинг махсус босқичидир ва бола тараққиётининг маълум босқичида шахс структурасидаги ўзига хосликлар мажмуини ташкил этадиган ўзгаришлар тўплами билан характерланади. Л.С.Выготский ёшни тараққиётнинг маълум даври деб қараган. Унинг фикрича 1 ёш даврдан бошқасига ўтганда илгари ёш даврида мавжуд бўлмаган янги нарса пайдо бўлади, тараққиётнинг бориши ўзгаради ва қайта қурилади. Ёш хусусиятлари кўп шароитлар мажмуи билан белгиланади. Уларга ҳаётнинг маълум босқичида болага қуйиладиган талаблар системаси ҳам, муносабатлар ҳам, у эгаллайдиган фаолият ва билимлар типи ҳам бу билимларни ўзлаштириш усуллари ҳам киради. Ёшнинг хусусиятини белгилайдиган шароитлар мазмунига бола жисмоний тараққиётининг ҳар хил томонлари хусусиятлари ҳам киради. Шундай қилиб, ёш даври ҳаёт шароитлари ва тараққиётнинг маълум даврида болага қуйиладиган талаблар хусусиятлари ва унинг атрофдагилар билан муносабатлари, бола шахси психологик тузилишидаги тараққиёт даражаси билан унинг тафаккури ва билимлари тараққиёти даражаси ҳамда маълум физиологик хусусиятлар мажмуи билан характерланади.

Ёш даврини атрофдагиларга муносабат тараққиёт даражаси билан билимлар, усуллар, қобилият тараққиёти даражаси ўртасидаги алоқа белгилайди. Д.Б.Элькониннинг таъкидлашича, тараққиёт жараёнининг бу 2 турли томонлар ўртасидаги муносабатнинг ўзгариши кейинги ёш даврларда муҳим ички асосни ташкил этади. Масалан, гўдаклик даврида боланинг ташқи муҳит билан алоқаси унинг катталар билан муносабати орқали амалга оширилади. Бола худди шундай муносабатлар системаси сифатида маълум малакаларни эгаллайди. Унда тасаввурларнинг содда босқичлари шаклланади. Катталар билан мулоқат усуллари кенгаяди, нутқи ривожланади ва бошқалар. Буларнинг бари боланинг мустақил ҳаракат қилиш имкониятларининг кенгайиши учун асос яратади. Сўнгра атрофдагилар билан муносабат усуллари ҳам ўзгаради. Бу эса психик тараққиётнинг кейинги бориши шароитини ўзгартиради. Бундай вазият ўсмирлик даврида ҳам вужудга келади. Бунда олдинги тараққиёт ютуқлари мажмуи бола ҳаёт шароитлари ўзгариши боланинг атрофдагилар билан муносабат усуллариининг ўзгаришига олиб келади.

Психологлар томонидан ёш даврларнинг табақалашларнинг назарий масалалари ишлаб чиқилган. Улар онтогенетик қонуниятларни ёритишга катта ҳисса бўлиб қўшилади, амалий ва назарий муаммоларнинг ҳал қилишда кенг қўлланилмоқда.

Кийинги йилларда болалар ва мактаб ўқувчиларининг жисмоний ва психик ривожланишида **акселерация** (лотинча - «**тезланиш**») ходисаси рўй бермоқда.

Олимлар акселерация ходисасининг ҳам биологик ҳам ижтимоий сабабларини кўрсатмоқда.

1. Биологик сабаблари оз миқдордаги ионлашган нурларнинг ва радио тўлкинларининг таъсири қишлоқ хўжалиги ва медицинада ўсиш ва ривожланишни, стимуллаштирувчи биологик фаол моддаларнинг қўлланилиши, инсон озукасида ҳайвон оқсил моддалари миқдорининг ошиши.

2. Ижтимоий сабаблари-ҳаёт типининг кучайиши, ҳаёт тонусининг ортиши, телевидения, радио, кино орқали боланинг ўсмирлик чоғидан бошлаб миясига йиғиладиган ғоя кўп миқдордаги информациялар, маълумот оқимининг таъсиридан иборатдир.

Хозиргача балоғатга эришиш ва жинсий етилишнинг жадаллашиши тўғрисида бир бутун илмий назария мавжуд эмас. Шунинг учун ўсишдаги жадаллашиш, яъни акселерация бўйича ҳам муайян назария яратилмаган. Ана шу боисдан ҳар хил илмий асосдаги, бир-биридан фарқли эътирозли қатор назариялар пайдо бўлган. Қўйида психолог Э.Ғ.Ғозиев томонидан санаб ўтилган акселерация муаммосига оид қарашларни келтирамиз:

Гелиоген назария. Ушбу назария 1936 йилда чет эл олимлари томонидан яратилган бўлиб, унинг асосий моҳияти акселерация ходисаси куёш нурининг бевосита бевосита таъсири билан вужудга келади, деган ғоядан иборатдир. Бу ғоя тарафдорларининг фикрича, болалар кўп вақт офтобда бўлиши натижасида уларнинг ўсишида тезлашиш, яъни акселерация рўй беради, чунки куёш нури организмни зарур элементлар, моддалар, озукалар билан таъминлайди. Аммо ҳозирги даврда акселерация ходисаси жанубий (куёш нурлари сероб) мамлакатларда ҳам, шимолий географик кенгликка жойлашган мамлакатларда ҳам бир текис рўй бермоқда. Иккинчи томондан, шаҳар муҳитидаги қизлар ва ўғил болалар қишлоқ болаларига қараганда тезроқ вояга етиши кўринмоқда, ваҳолангки, қишлоқ одамлари куёш нурида кўпроқ тобланадилар. Демак, ҳозирги даврда гелиоген назария зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Умуман офтобда тобланишни акселерация жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири дейиш нотўғридир.

Гетерозия назарияси. 19 аср охири 20 аср бошлардан буён ижтимоий ҳаётда, турмушда кескин ўзгаришлар содир бўлгани инсонлар ўртасидаги ижтимоий, диний, миллий, ирқий тафовутларнинг кескин камайишига олиб келди. Турли миллат вакилларининг аралаш никоҳга кира бошлагани бунга ёрқин мисолдир. Диний эътиқодлар, ирқий фарқлар, этник ва миллий хусусиятлар, характер, урф-одатлар ва хоқозолар аралаш никоҳга ҳеч қандай тўсиқ бўлолмади. Ҳаёт тарзи ҳар хил мамлакатларнинг халқларига хос хусусиятлар ҳам аралаш никоҳни тўхтата олмади. Мазкур назарияга мувофиқ психик дунёдаги қайта қуришлар наслий белгилар кескин ўзгаришига сабаб бўлди, натижада фарзандларнинг ўсишида кучайиш,

жадаллашиш, акселерация ходисаси вужудга келди. Бироқ мазкур муаммони илмий жиҳатдан атрофлича асослаб бериш учун юқорида таъкидланган омиллар етарли эмас.

Урбанизация назарияси. Жамият ривожланишида шаҳарларнинг роли ортиши бу назарияга асос қилиб олинган. 19 асрнинг ўрталаридан бошлаб қишлоқ аҳолисининг шаҳарга кўчиши авж олди, яъни аҳоли орасида миграция ёки урбанизация ходисаси юзага келди. Шаҳарнинг турмуш тарзи, ўзига хос хусусиятлари, ахборот тармоқларининг кенглиги, маданият даражаси, фан-техника, транспорт, маиший хизмат каби омиллар болаларнинг ақлий, ахлоқий, жинсий миҳатдан эртароқ вояга етиши учун зарур шарт-шароитларни яратди. Қишлоқ аҳолиси билан шаҳар аҳолиси яшаш муҳити ва турмуш шароитларининг яқинлашиши акселерация жараёнига ижобий таъсир кўрсатди, лекин бу омилнинг ўзи акселерациянинг сабаби бўла олмайди.

Нутритив назария. Бу ғоянинг туб моҳияти шуки, ўсишдаги жадаллашиш одамларнинг овқатланиши яхшиланиши, истеъмол қилинаётган озукаларда дармондорилар миқдорининг кўпайиши сабабли вужудга келган.

Ёш хусусиятлари ёшнинг энг типик ва энг характерлик бўлган ҳамда ривожланишнинг умумий йўналишини кўрсатадиган умумий хусусиятлари сифатида мавжуддир. Ушбу ғоя намояндаларининг фикрича, В-6, В-12 дармондорилари ва фолиев кислотасини одамлар кўпроқ истеъмол қилиши мазкур ҳолат намоян бўлишининг асосий омили эмиш. Табиийки, инсон ўсишининг жадаллашувида дармондорилар маълум даражада ижобий таъсир этиши туткиш, лекин мазкур омилларнинг ўзи акселерация учун муҳим ва ягона омил бўла олмайди. Шунинг учун тиббиёт ходимлари гигиеначилар, биологлар, физиологлар психологларнинг айримлари бу ғояни қўллаб қувватлайди

Нурланиш назарияси. Бу назария намояндаларининг фикрича, ер юзида рентген қурилмаларининг кўпайиши, атом, водород ва нейтрон бомбаларнинг портлаши натижасида инсонда радиоактив моддалар, радиация нурланиши даражасининг сезиларли даражада ортишига олиб келади. Ер қуррасига тарқалган зарядлар билан инсон организмнинг нурланиши ўсишни кучайтиради, яъни акселерация жараёни юзага келади. Шунинг учун бу назариянинг ҳимоячилари турли хусусиятга эга бўлган нурларнинг аниқ дозаси организмга таъсир этиши, тарқалиши емирилишга сабаб бўлмаса, инсоннинг жисмоний ўсиши жадаллашиши учун имконият яратади деб ҳисоблайдилар. Медицинадан маълумки, меъёридан ортиқ рентген нуридан фойдаланиш ҳам организм учун зарарлидир. Ана шу мулоҳазага асосланиб организм айрим қисмларининг ривожланиши нурлар билан боғлиқ экан, деган ҳулоса чиқариш мумкин. Баъзи илмий манбаларда пайвандлаш учун қўлланиладиган апаратнинг ёғдуси ҳам, чақмоқдан тарқаладиган нур ҳам организмга ижобий таъсир этиши ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Аммо муаммони мантиқан талқин этилганда том маънодаги акселерациянинг рўй бериши учун бундай омиллар бир зарра каби роль ўйнаши мумкин.

Ижтимоий шароитнинг яхшиланиши назарияси. Инсонларнинг турмуш тарзи ва яшаш шароитларининг яхшиланиб бориши, ҳуқуқ ва эркинлик ҳақидаги билимларнинг ортиб бориши, тиббий-профилактик тадбирларнинг амалга оширилиши, истеъмол қилинадиган махсулотлар сифатининг ортиши, ота-онадан фарзандга наслий белгиларнинг бир текис ўтиши каби омиллар акселерация жараёнини тезлаштиради, деган фикр турли мамлакат олимлари тадқиқотларида кенг тарқалган. Уларнинг талқинича инсонлар турмуш шароитининг яхшиланиши, улар учун яратилаётган қулайликлар, имкониятларни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги психик тараққиётнинг тезлашишига замин ҳозирлаши мумкин. Ушбу назарияда муаммони ёритишга атрофлича ёндошилганлиги яққол кўзга ташланади. Ҳақиқатдан ҳам кишилар учун ижтимоий шарт-шароитлар тўлиқ яратиб берилса, унинг таъсир кучи янада ортиши муқаррардир.

Ижтимоий акселерация назарияси. Бу илмий назариянинг асосчиларидан бири, йирик физиолог олим А.А.Маркосяннинг таъкидлашича ҳозирги замон кишисида мавжуд билимлар, ва маълумотлар ҳажмини йигирманчи аср таълим-тарбия шароитларида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Яъни мазкур ёшдаги болаларнинг талабларига, имкониятларига, хусусиятларига мос келадиган педагогик иш формалари, методлари ва воситаларини қўллаш тушунилади. Лекин ёш схемаси ўз моҳиятига

кўра, умумий характерга эга. Ана шунинг учун ҳам мазкур ёшдаги болага, мактаб ўқувчиларига нисбатан мақсадга мувофиқ таълим-тарбия тадбирларини танлашда ёш схемасининг бир ўзи етарли эмас. Ёш хусусияти билан бирга тарбияланувчининг индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак ва ана шу индивидуал хусусиятларига мос равишда ўқувчига нисбатан индивидуал муносабатда бўлиш лозим. Таълим ва тарбиянинг вазифаси болада, мактаб ўқувчисиди, биринчидан мазкур ёш босқичида юксак ривожланиш даражасини характерлаб берадиган ва иккинчидан болани, мактаб ўқувчисини кейинги ёш босқичига, яъни психик ривожланишнинг янада юксакроқ даражасига қонуний равишда ўтишга тайёрлайдиган психик хусусиятларини, ҳислатларнинг ва сифатларни шакллантиришдир.

Тараққиётнинг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига, янгиликлари ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, иқтидори, билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказди.

Ёш тараққиёти даврларининг ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришларига эга бўлган кўрсаткичлари борки, амалий психология ҳар бир ёш хусусиятларни ана шу иккала кўрсаткич нуқтаи назаридан ўрганиши ҳамда шахс ҳулқини бошқариш ва таъсир кўрсатишда уларга таянмоғи лозим. Умуман психологияда исбот қилинган фактлардан бири шуки, турли даврлардаги инсон тараққиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд. Ҳар бир босқичда шахснинг бирор бир хусусиятлари ўзининг етуклик фазасига эришади. Масалан, оламни сенсор жиҳатдан билишнинг етуклик фазаси 18-25 ёшларда, интеллектуал ижодий етуклик - 35 ёшларда шахснинг етуклиги 50-60 ёшларга келиб энг юқори нуқтасига эришади. Шунга ўхшаш хусусиятлар инсоннинг бутун умри мобайнида муттасил камолга етиб, ривожланиб боришини таъминлайди.

Муаммоли савол: Шахс тараққиёти қандай даврларга бўлинади?

Шу вақтгача шахс тараққиётини даврларга бўлиб ўрганишга жуда катта эътибор қаратилган. Инсон ҳаётининг барча даврини яхлит тарзда қамраб олган классификацияларидан бири бутун жаҳон олимларининг қарорига кўра, 1965 йили Фанлар Академиясининг махсус симпозиумида қабул қилинган схема ҳисобланади. У қуйида берилган жадвалда келтирилган.

Ёш даврлари	Эркакларда	Аёлларда
Чақалоқлик	1-10 кун	1-10 кун
Эмизиклик даври	10 кундан 1 ёшгача	10 кундан 1 ёшгача
Илк болалик	1-2 ёш	1-2 ёш
Болаликнинг 1-даври	3-7 ёш	3-7 ёш
Болаликнинг 2-даври	8-12 ёш	8-11 ёш
Ўсмирлик даври	13-16 ёш	12-15 ёш
Ўспиринлик даври	17-21 ёш	16-20 ёш
Ўрта етуклик даври		
Биринчи босқич	22-35 ёш	21-35 ёш
Иккинчи босқич	36-60 ёш	36-55 ёш
Кексалик даври	61-75 ёш	56-75 ёш
қарилик даври	76-90 ёш	76-90 ёш
Узоқ умр кўрувчилар	90 ёшдан ортиқ	90 ёшдан ортиқ

Машҳур рус психологи Выготский 1920-1930 йилларда ўзининг олий психик функцияларининг ривожланиши назариясини эълон қилди. Выготский психика тараққиётининг умумий генетик қонунини қуйидагича аниқлайди: "Бола маданий ривожланишида ҳар бир функция 2 босқичда намоён бўлади. Дастлаб ижтимоий, сўнг психологик. Дастлаб интерпсихик категория сифатида бола ичида намоён бўлади. Ҳар бир олий психик функция ўз тараққиётида ташқи босқич орқали ўтиши керак.

Россия психологиясидаги ёш даврларини табақалаш муаммоси дастлаб Л.С.Выготский, П.П.Блонский, Б.Г.Ананьев сингари йирик психологларнинг асарларида ўз

аксини топа бошлаган. Кейинчалик бу муаммо билан шуғулланувчилар сафи ортиб борди, шу боис ёш даврларини таснифлаш муаммоси ўзининг келиб чиқиши, илмий манбаи, ривожланиш жараёнларига ёндашилиши нуқтаи назаридан бир-биридан кескин фарқ қилади. Ҳозирги вақтда ёш даврларини табақалаш юзасидан мулоҳаза юритишда олимларнинг илмий қарашларини муайян гуруҳларга ажратиш ва уларнинг моҳиятини очиш мақсадга мувофиқдир. Психолог Л.С.Выготский ёшни тараққиётнинг маълум даври деб қараган. Унинг фикрича 1 ёш даврдан бошқасига ўтганда илгари ёш даврида мавжуд бўлмаган янги нарса пайдо бўлади, тараққиётнинг бориши ўзгаради ва қайта курилади. Ёш хусусиятлари кўп шароитлар мажмуи билан белгиланади. Уларга ҳаётнинг маълум босқичида болага қўйиладиган талаблар системаси ҳам, муносабатлар ҳам, у эгаллайдиган фаолият ва билимлар типи ҳам, бу билимларни ўзлаштириш усуллари ҳам киради. Ёшнинг хусусиятини белгилайдиган шароитлар мазмунига бола жисмоний тараққиётининг ҳар хил томонлари, хусусиятлари киради. Шундай қилиб, ёш даври ҳаёт шароитлари ва тараққиётнинг маълум даврида болага қўйиладиган талаблар хусусиятлари ва унинг атрофдагилар билан муносабатлари, бола шахси психологик тузилишидаги тараққиёт даражаси билан унинг тафаккури ва билимлари тараққиёти даражаси ҳамда маълум физиологик хусусиятлар мажмуи билан характерланади.

Ёш даврини атрофдагиларга муносабат даражаси билан билимлар, усуллар, қобилият тараққиёти даражаси ўртасидаги алоқа белгилайди. Д.Б.Элькониннинг таъкидлашича, тараққиёт жараёнининг турли томонлари ўртасидаги муносабатнинг ўзгариши кейинги ёш даврларда муҳим ички асосни ташкил этади. Масалан, гўдаклик даврида боланинг ташқи муҳит билан алоқаси унинг катталар билан муносабати орқали амалга оширилади. Бола худди шундай муносабатлар системаси сифатида маълум малакаларни эгаллайди. Унда тасаввурларнинг содда босқичлари шаклланади. Катталар билан мулоқот усуллари кенгайди, нутқи ривожланади ва бошқалар. Буларнинг бари боланинг мустақил ҳаракат қилиш имкониятларининг кенгайиши учун асос яратади. Сўнгра атрофдагилар билан муносабат усуллари ҳам ўзгаради. Бу эса психик тараққиётнинг кейинги бориши шароитини ўзгартиради. Бундай вазият ўсмирлик даврида ҳам вужудга келади. Бунда олдинги тараққиёт ютуқлари мажмуи бола ҳаёт шароитлари ўзгариши боланинг атрофдагилар билан муносабат усуллариининг ўзгаришига олиб келади. Психологлар томонидан ёш даврларнинг табақалашларнинг назарий масалалари ишлаб чиқилган. Улар онтогенетик қонуниятларни ёритишга катта хисса бўлиб қўшилади, амалий ва назарий муаммоларнинг ҳал қилишда кенг қўлланилмоқда.

Таълим-тарбия шароитларида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Бунда мазкур ёшдаги болаларнинг талабларига, имкониятларига, хусусиятларига мос келадиган педагогик иш формалари, методлари ва воситаларини қўллаш назарда тутилади. Лекин ёш схемаси ўз моҳиятига кўра, умумий характерга эга. Ана шунинг учун ҳам мазкур ёшдаги болага, мактаб ўқувчиларига нисбатан мақсадга мувофиқ таълим-тарбия тадбирларини танлашда ёш схемасининг бир ўзи етарли эмас. Ёш хусусияти билан бирга тарбияланувчининг индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак ва ана шу индивидуал хусусиятларига мос равишда ўқувчига нисбатан индивидуал муносабатда бўлиш лозим. Таълим ва тарбиянинг вазифаси болада, мактаб ўқувчисиди, биринчидан мазкур ёш босқичида юксак ривожланиш даражасини характерлаб берадиган ва иккинчидан болани, мактаб ўқувчисини кейинги ёш босқичига, яъни психик ривожланишнинг янада юксакроқ даражасига қонуний равишда ўтишга тайёрлайдиган психик хусусиятларини, хислатларнинг ва сифатларни шакллантиришдир.

Тараққиётнинг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига, янгиликлари ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, иқтидори, билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказди. Ёш тараққиёти даврларининг ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришларига эга бўлган кўрсаткичлари борки, амалий психология ҳар бир ёш хусусиятларни ана шу иккала кўрсаткич нуқтаи назаридан ўрганиши ҳамда шахс хулқини бошқариш ва таъсир кўрсатишда уларга таянмоғи лозим. Умуман психологияда исбот қилинган фактлардан бири шуки, турли даврлардаги инсон тараққиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд. Ҳар бир босқичда шахснинг бирор бир хусусиятлари ўзининг етуқлик фазасига эришади. Масалан, оламни сенсор жихатдан билишнинг етуқлик фазаси 18-25 ёшларда, интеллектуал ижодий етуқлик - 35 ёшларда шахснинг етуқлиги 50-60

ёшларга келиб энг юқори нуқтасига эришади. Шунга ўхшаш хусусиятлар инсоннинг бутун ёши мобайнида муттасил камолга етиб, ривожланиб боришини таъминлайди.

Машҳур рус психологи Л.С.Выготский 1920-1930 йилларда ўзининг олий психик функцияларнинг ривожланиши назариясини эълон қилди. Л.С.Выготский психика тараққиётининг умумий генетик қонунини қуйидагича таърифлайди: "Бола маданий ривожланишида ҳар бир функция 2 босқичда намоён бўлади. Дастлаб ижтимоий, сўнг психологик. Дастлаб интерпсихик категория сифатида бола ичида намоён бўлади. Ҳар бир олий психик функция ўз тараққиётида ташқи босқич орқали ўтиши керак".

Шу вақтгача шахс тараққиётини даврларга бўлиб ўрганишга жуда катта эътибор қаратилган. Жумладан, Россия психологиясида ёш даврларини табақалаш муаммоси дастлаб Л.С.Выготский, П.П.Блонский, Б.Г.Ананьев сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик бу муаммо билан шуғулланувчилар сафи ортиб борди, шу боис ёш даврларини таснифлаш муаммоси ўзининг келиб чиқиши, илмий манбаи, ривожланиш жараёнларига ёндашилиши нуқтаи назаридан бир-биридан кескин фарқ қилади. Ҳозирги вақтда ёш даврларини табақалаш юзасидан мулоҳаза юритишда олимларнинг илмий қарашларини муайян гуруҳларга ажратиш ва уларнинг моҳиятини очиш мақсадга мувофиқдир.

Л.С.Выготский психологларнинг ёш даврларини табақалаш назарияларини танқидий таҳлил қилиб, муайян ривожланишни вужудга келтирувчи руҳий янгиланишларга таяниб, ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратади;

1. Чақалоқлик даври инқирози.
2. Гўдақлик даври - 2 ойликдан 1 ёшгача, бир ёшдаги инқироз.
3. Илк болалик даври - 1 ёшдан 3 ёшгача - 3 ёшдаги инқироз.
4. Мактабгача давр - 3 ёшдан 7 ёшгача - 7 ёшдаги инқироз.
5. Мактаб ёши даври - 8 ёшдан 12 ёшгача - 13 ёшдаги инқироз.
6. Пубертат (жинсий етилиш) даври - 14 ёшдан 18 ёшгача, ёшдаги инқироз.

Л.С.Выготский ўзининг ёш даврларини табақалаш назариясини илмий асослаб, таърифлаб бера олган. Олим энг муҳим психик янгиланишлар ҳақида илмий ва амалий аҳамиятга молик мулоҳазалар билдирган. Умуман Л.С.Выготскийнинг ёш даврларини табақалаш назарияси илмий тарихий аҳамиятга эга, унинг ривожланишни амалга оширувчи инқирозлар тўғрисидаги мулоҳазали ва олга сўрган ғоялари ҳозирги куннинг талабларига мосдир.

Л.С.Выготскийнинг шогирди Л.И.Божович инсоннинг камол топишини ёш даврларига бўлишда мотивларни асос қилиб олган. Шу туфайли бу ёндашувни мотивацион ёндашиш деб аташ мумкин. Л.И.Божовичнинг мулоҳазасига кўра ёш даврлари қуйидаги босқичлардан иборат:

Биринчи босқич – чақалоқлик; туғилгандан 2 ёшгача; иккинчи босқич – мотивацион тасаввур: 1 ёшдан 3 ёшгача; учинчи босқич – “Мен”ни англаш даври: 3 ёшдан 7 ёшгача; тўртинчи босқич – ижтимоий жонзотликни англаш даври; 7 ёшдан 11 ёшгача; бешинчи босқич – а) ўзини-ўзи англаш даври: 12 ёшдан 14 ёшгача; б) ўз-ўзини белгилаш (топиш) даври: 15 ёшдан 17 ёшгача.

Л.И.Божович ҳар бир босқични психологик тавсия беришда намоён бўладиган ўзгаришларни, бу ўзгаришларнинг сабаблари, омиллари, манбалари, тўрткилари, механизмларини ҳам баён қилади.

Психолог Д.Б.Элькониннинг таснифи етакчи фаолият (А.Н.Леонтьев) назариясига, ҳар қайси ривожланиш палласида бирор фаолиятнинг устунлик қилиши мумкинлигига асосланади. Етакчи фаолиятнинг инсон шахс сифатида камол топишидаги рольи назариянинг асосий моҳиятини ташкил қилади. Д.Б.Эльконин ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратишни лозим тошди:

1. Гўдақлик даври - туғилгандан 1 ёшгача - етакчи фаолият -бевосита эмоционал мулоқот;
2. Илк болалик даври - 1 ёшдан 3 ёшгача - етакчи фаолият -предметлар билан нозик ҳаракатлар қилиш;
3. Мактабгача давр - 3 ёшдан 7 ёшгача - рольли ўйинлар;
4. Кичик мактаб ёши даври - 7 ёшдан 10 ёшгача - ўқиш;
5. Кичик ўсмирлик даври - 10 ёшдан 15 ёшгача - шахснинг интим (дилкаш, самимий) мулоқот;

6. Катта ўсмирлик ёки илк успиринлик даври - 16 ёшдан 17 ёшгача; - етакчи фаолият - ўқиш, касб танлаш даври.

Д.Б.Эльконин таснифини кўпчилик психологлар томонидан эътироф этилса-да, бироқ унинг бирмунча мунозарали томонлари мавжуд. Умуман Д.Б.Элькониннинг мазкур назарияси психология фанида, айниқса ёш давлари психологиясида муҳим ўрин тутади.

Болалар психологияси фанининг йирик намоёндаси А.А.Люблинская инсон камолотини ёш давларга ажратишда фаолият нуқтаи назаридан ёндашиб, қуйидаги давларни атрофлича ифодалайди;

1. Чақалоклик даври - туғилгандан бир ойликкача;
2. Кичик мактабгача давр - 1 ойликдан 1 ёшгача;
3. Мактабгача тарбиядан аввалги давр - 1 ёшдан 3 ёшгача;
4. Мактабгача тарбия даври - 3 ёшдан 5 ёшгача;
5. Кичик мактаб ёши даври - 7 ёшдан 11, 12 ёшгача;
6. Ўрта мактаб ёши даври (успирин) - 13 ёшдан 15 ёшгача;
7. Катта мактаб ёши даври - 15 ёшдан 18 ёшгача.

Педагогик психологиянинг таниқли намоёндаси Б.А.Крутецкий инсоннинг онтогенетик камолотини қуйидаги босқичлардан иборатлигини таъкидлайди:

1. Чақалоклик (туғилгандан 10 кунликкача);
2. Гўдаклик (10 кунликдан 1 ёшгача);
3. Илк болалик (1 ёшдан 3 ёшгача);
4. Боғчагача давр (3 ёшдан 5 ёшгача);
5. Боғча ёши (5 ёшдан 7 ёшгача);
6. Кичик мактаб ёши (7 ёшдан 11 ёшгача);
7. Ўсмирлик (11 ёшдан 15 ёшгача);
8. Илк успиринлик ёки катта мактаб ёши (15 ёшдан 18 ёшгача).

Юқоридаги барча таснифлар уларга қандай нуқтаи назардан ёндашилганлигидан қатъий назар инсон камолотини тўла ифодалаб беришга ожизлик қилади. Мазкур назариялар инсоннинг шахс сифатида шаклланиши босқичлари ҳақида кўпроқ маълумот беради, холос. Уларда ёшлик, етуқлик, қарилик давларининг хусусиятлари, қонуниятлари тўғрисида назарий ва амалий маълумотлар етишмайди.

Ҳозирги замон психологиясининг йирик вакили А.В.Петровский инсон камолотига, шахснинг таркиб топишига ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ёндашиб, шахснинг шаклланишини қуйидаги босқичларда амалга ошишини таъкидлайди:

1. Илк болалик (мактабгача тарбия ёшидан олдинги давр) - туғилгандан 3 ёшгача.
2. Болалик даври - 3 ёшдан 7 ёшгача.
3. Кичик мактаб ёши даври - 7 ёшдан 11 ёшгача,
4. Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик) даври - 11 ёшдан 15 ёшгача-
5. Юқори синф ўқувчиси (илк успиринлик) даври - 15 ёшдан 17 ёшгача.

А.В.Петровскийнинг таснифи мукамал бўлса-да, камолотнинг оралик босқичларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаламайди. Ваҳоланки, ўсиш ижтимоий қоидаларга мувофиқми ёки аксинча, қандай бўлишдан қатъий назар, ҳар иккала йўналишнинг ҳам оралик жабҳалари бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Маълумки, ҳар бир ёш давр, ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади, буларга: оилада ва мактабда бола ҳолатининг ўзгариши, таълим ва тарбия шакллариининг ўзгариши ҳамда боланинг янги фаолият турлари, организмдаги айрим хусусиятларнинг етилиши сингари жараёнларни киритиш мумкин. Ҳозирги замон психологиясида ёш давларини шу нуқтаи назардан табақалаш мақсадга мувофиқдир:

1. Илк болалик даври - туғилгандан 3 ёшгача;
2. Боғча даври - 3 ёшдан 6, 7 ёшгача;
3. Кичик мактаб ёши даври - 6, 7 ёшдан 10, 11 ёшгача;
4. Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик даври) - 10, 11 ёшдан 14, 15 ёшгача;
5. Илк успиринлик (коллеж ва лицей ўқувчилари) 14, 15 ёшдан 17, 18 ёшгача.

Умуман, психологлар томонидан ёш давларини табақалаштиришнинг пухта, илмий-методологик негизга эга бўлган қатор назарияллари ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда улар онтогенетик қонуниятларни ёритишга катта ҳисса қўшиб, унинг

назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Бироқ, шундай бўлсада, ҳозир онтогенезни тўла ёритишга хизмат қила оладиган назариясини яратиш зарурияти мавжуддир.

Инсон умрининг барча ёш даврларини қамраб олган даврлаштириш Э.Ғ. Ғозиев, Г.С. Абрамова ҳамда хориж психологлари Грейс Крайг, Дон Бокумнинг назарияларида келтирилади.

Э.Ғ. Ғозиев бўйича:

1. Чақалоклик ва гўдаклик даври – туғулгандан 1 ёшгача.
2. Илк болалик даври – 1-3 ёшгача.
3. Мактабгача ёш даври – 3-6 ёшгача.
4. Кичик мактаб ёш даври – 6-10 ёшгача.
5. Ўсмирлик даври – 10-11 ёшдан 14-15 ёшгача.
6. Илк ўспиринлик даври – 15-18 ёшгача.
7. Ўспиринлик даври – 17-22 ёшгача (талабалик).
8. Ёшлик даври – 23-28 ёшгача.
9. Етуклик даври 1-босқичи – 28-35 ёшгача.
10. Етуклик даври 2-босқичи – 36-55 (60) ёшгача.
11. Кексайиш даври – 61 (56)- 74 ёшгача.
12. Кексалик – 75-90 ёшгача.
13. Узоқ умр кўрувчилар – 90 дан юқори.

Г.С. Абрамова бўйича:

1. Гўдаклик даври – туғулгандан 2 ёшгача.
2. Илк болалик даври – 2-4 ёшгача.
3. Ўрта болалик даври – 5-7 ёшгача.
4. Болаликнинг тугаш даври – 8-12 ёшгача.
5. Ўсмирлик даври – 13-17 ёшгача.
6. Ўспиринлик даври – 18-22 ёшгача.
7. Катталиқ даври – 23-30 ёшгача.
8. Ўтиш даври – 30-35 ёшгача.
9. Етуклик даври – 36-50 ёшгача.
10. Кексайиш даври – 51-65 ёшгача.
11. Қарилиқ даври – 65 ёшдан юқори.

Грейс Крайг, Дон Бокумнинг “Психология развития” (2006 й) китобида инсоннинг ҳаётини йўли қуйидаги даврларга бўлинади:

1. Пренатал давр – ҳомила пайдо бўлгандан боланинг туғилишигача бўлган давр.
2. Гўдаклик – туғилгандан 18-24 ойликкача (2 ёшгача) бўлган давр.
3. Ҳаётнинг датлабки 2 йили (тоддлер босқичи) – 12-15 ойдан 2-3 ёшгача бўлган давр.
4. Илк болалиқ – 2-3 ёшдан 5-6 ёшгача бўлган давр.
5. Ўрта болалиқ – 6-12 ёшгача бўлган давр.
6. Ўсмирлик ва ўспиринлик – тахминан 12-18-27 ёшгача бўлган давр.
7. Илк катталиқ – 18-21 дан то 40 ёшгача бўлган давр.
8. Ўрта катталиқ – 40 дан 60-65 ёшгача бўлган давр.
9. Кечки катталиқ – 60-65 дан умр охиригача бўлган давр.

Шунингдек, ёшни даврлаштириш муаммосига турли жиҳатдан ёндошилган назариялар ҳам мавжуддир.

З.Фрейд бўйича психосексуал ривожланиш босқичлари.

1. Орал босқич туғулгандан 1 – 1.5 ёшгача.
Бу даврда гўдақ оғиз ва лаб областларининг стимуляциясидан қониқиш ва лаззат олади.
2. Анал босқич (1 – 1.5 ёшдан 3 ёшгача) чиқарув функцияси орқали қониқиш олади.
3. Фаллик босқич (3 ёшдан 5 – 6 ёшгача) эроген зона гениталий соҳасида жойлашган (Эдипов комплекс ёки электро комплекси).

4. Латент босқич (5 – 6 ёшдан 12 ёшгача). Бунда сексуал майллар 2 – планга ўтиб, ўзини намоён қилмайди.
5. Генитал босқич (12 ёш ва ундан юқори) сексуал майллар пубертат ва ўсмирлик даврида яна 1 – планга ўтади.

Психодинамика назарияси.

Америка психологи Э.Эриксон инсон умрини 8 та даврга ажратади ва улар ўзига хос, бетакрор хусусиятларга эга деб ҳисоблайди.

1 – давр. Илк гўдаклик (туғилгандан 1 ёшгача). Бу даврда ташки дунёга “Онгсиз ишонч” туйғуси вужудга келади. Бунинг асосий сабаби ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонкуярлигидир. Агар гўдакда бу ишонч пайдо бўлмай қолса, она болага ёмон муносабатда бўлса, вояга етганда умидсизлик вужудга келади.

2 – давр. Кечки гўдаклик (1 ёшдан 3 ёшгача). Ярим мустақиллик ва шахсий кадр-қиммат туйғуси шаклланади. Бу эса ўз танасини бошқариш учун кенг имконият яратиб, интизом, маъсулият, жавобгарлик, ҳурмат туйғулари таркиб топишига замин ҳосил қилади. Аномал ривожланиш: иккиланиш, қобилятга шубҳаланиш, ҳаётга мослашмаганлигини ҳис қилиш.

3 – давр. Илк болалик (3-5 ёшгача). Аномал ривожланиш: инсонларга бефарқлик, ташабустнинг сустлиги, бошқа болаларга ҳасад, беқарорлик. Ташаббус туйғуси, қандайдир бажариш майли таркибтопади. гуруҳий ўйинлар, тенгқурлари билан мулоқатга киришиш муҳим аҳамиятга эга.

4 – давр. (5-11 ёшгача). Бу давр мақсадига эришиш учун интилиш, уддабуронлик ва тиришқоқлик билан характерланади. Салбий томонлари – онг ҳаётнинг барча қирраларини қамраб ололмайди, муаммоларни ҳал қилишда ақл заковат даражасининг пастлиги, билимларни ўзлаштиришдаги қолоқлик. Аномал ривожланиш: шахсий камчиликларни ҳис қилиш, конформлик, пассив меҳнат вазифаларидан қочиш.

5 – давр. (11-20 ёшгача). Ўсмирлик ва ўспиринлик, ҳиссий етуклик. Бетакрор, ўзига хос ёш даври. Салбий томони қатъиятсизлик.

6 – давр. (20-45 ёшгача). Илк (эрта) етуклик. Бошқа жинсга психологик интим яқинлашув қобиляти ва эҳтиёжи вужудга келади. бундан ташқари ёлғизликка мойиллик ва одамовилик каби ёқимсиз хусусиятлар билан фарқланади.

7 – давр. Ўрта етуклик даври (40-60 ёшгача). Ҳаётининг фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнат ижодиёт, ғамхўрлик, пушт қолдириш, тажриба узатиш) маҳсулдорлик туйғуси ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки бўлади. Аномал ривожланиш: худбинлик, ўз-ўзига эътиборини қаратиш, ишида бесарамжонлик, эрта инвалидлик, ўзи ҳақида қайғуришни йўқолиши.

8 – давр. Кечки етуклик (60 ва ундан юқори). Ҳаётдан қаноатланиш туйғуси билан характерланади. Ўтган умри ҳақида ўйлаш, ўлимга тик қараш ва ундан қўрқмаслик. Салбий томони – ҳаёт фаолиятидан ноумидлик, кўнгил совиш туйғулари. Умрни бекорга ўтказганидан қайғуриш. Вақтни тез ўтаётганидан, ўзидан, бошқалардан қониқмаслик, умрини бошқатдан яшашга хоҳиш, ҳаётдаги бетартибликдан ранжиш, ўлимдан қўрқиш.

Психодинамика назариясининг асосини шахснинг ҳулқини эмоция, майл ёрдамида таҳлил қилиш ташкил этади.

Когнитивистик йўналиш намоёндаларидан биринчи бўлган Ж. Пиаже ақл - идрок назарияси ва унинг давлари ҳақидаги таълимотни яратган. Бу таълимотда интеллект ривожланиш давлари кўрсатиб берилади.

Бу давлар:

1. Сенсомотор интеллект (туғилгандан 2 ёшгача).
2. Операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан 7 ёшгача).
3. Конкрет операциялар даври (7-8 ёшдан 11-12 ёшгача).
4. Формал операциялар даври.

Ҳар бир ёш даври ўзининг муҳим ҳаётининг шароитлари, эҳтиёжлари ва фаолияти, характерли қарама-қаршиликлари, психиканинг сифат хусусиятлари, психик жиҳатдан янги сифатларнинг ҳосил бўлиши билан ажралиб туради. Ҳар бир давр ўзидан олдинги давр томонидан тайёрланиб, унинг асосида вужудга келади ва ўз навбатида, ўзидан кейинги даврнинг пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бир ёш даврдан 2-ёш даврига ўтиш тинч йўл билан ёки инқирозлар билан кечиши мумкин. Буни педагог албатта билиши зарур. Инқироз тараққиётнинг турли босқичларида вужудга келиши мумкин. Энг ёрқин намоён бўладиган инқирозлар қуйидагилар:

1. Янги туғилган чақалоқлик инқироzi.
2. Уч ёш инқироzi.
3. Ўсмирлик даврига ўтишдаги инқироз.
4. Ўрта ёш инқироzi.

Агар катталар томонидан боланинг янги эҳтиёжлари ҳисобга олинса ҳамда уларни қондириш имкониятлари шаклланишига ёрдам берилса, инқироз вужудга келмаслиги ҳам мумкин. Бунда шахснинг ривожланиши инқирозсиз, тинч йўл билан амалга ошиши таъминланади.

Шунингдек, педагог ҳар бир ёш даврида психиканинг муайян томонлари самарали ривожланиши учун оптимал имкониятлар мавжуд эканлигини ҳам билиши лозим. Бундай давр сензитив давр деб аталади. Масалан: илк болалик даври, яъни бир ёшдан 3 ёшгача бўлган давр бола нутқининг ривожланиши учун сензитив давр ҳисобланади. Кичик мактаб ёш даври – ўқув малакаларининг ривожланиши учун қулайдир. Ҳар бир ёш даври бир қанча хусусиятлар билан характерланади.

Булар:

1. Оилада ва жамоада бола ҳолатининг ўзгариши.
2. Таълим-тарбия шакллариининг ўзгариши.
3. Бола организми айрим хусусиятларининг вояга етиши.
4. Болада янгича фаолият турининг вужудга келиши.

Ҳар бир ёш даврида фаолиятнинг бирор тури етакчилик ролини бажаради. Фаолиятнинг етакчи тури тушунчаси А.Н. Леонтьевнинг асарларида очиб берилган.

Фаолиятнинг етакчи тури – маълум ёш даврида боланинг психикасида, унинг психик жараёнлари ва психик хусусиятларида муҳим ўзгаришларни вужудга келтирувчи фаолият туридир. Ҳар бир ёш даврида фаолиятнинг бир тури учун этиёж сезилади. Масалан: гўдақлик давридаги етакчи фаолият тури – бевосита эмоционал мулоқат бўлиб, унинг асосида ориентировка ва сенсомотор-манипулятив ҳаракатлар, яъни кўриш, эшитиш, мускул-ҳаракат сезгилари, идрок билан бошқариладиган ҳаракатлар шаклланади.

Бу ёш давридаги энг муҳим янгилик – бошқа кишилар билан бўладиган мулоқатга эҳтиёж ва уларга муайян эмоционал муносабатнинг шаклланишидир.

Илк болалик даврида фаолиятнинг етакчи тури – предметли ҳаракатлар. У орқали бола катталар билан ҳамкорликда предметлар билан бажариладиган ҳаракатларни ўзлаштиради. Бу даврдаги янгилик – нутқнинг ривожланиши ва кўргазмали ҳаракатлар тафаккурининг тараққиётидир.

Мактабгача бўлган ёш даврида ролли ўйинлар фаолиятининг етакчи тури бўлиб қолади.

Кичик мактаб ёшида фаолиятнинг етакчи тури – ўқиш фаолияти ҳисобланади. Ўқиш фаолиятида хотира шаклланади, предметлар ва ташқи дунё ҳақидаги билимлар ўзлаштирилади.

Ўсмирлик даврида – мулоқат етакчилик вазифасини бажаради.

Илк ўспиринлик даврида етакчи фаолият тури – ўқув касбий фаолияти бўлиб, бу фаолият жараёнида дунёқараш, касбий қизиқишлар, ўз-ўзини англаш, орзу ва идеаллар шаклланади.

Демак, ҳар бир киши учун ёш хусусиятлари ҳосдир. Аммо ҳар бир ёш даврининг ичида индивидуал фарқлар ҳам мавжуд. Бу фарқнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин:

1. Ҳаёт, фаолият ва тарбия шароитлари.
2. Табиий индивидуал фарқлар – нерв системасининг типологик хусусиятлари.

Таълим - тарбия ишларида ўқувчиларнинг психологик ва индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур, яъни мазкур ёшдаги болаларнинг талабларига, имкониятлари, хусусиятларига мос келадиган педагогик иш шакл, метод ва воситаларини танлаш ва қўллаш лозим.

Шахснинг камол топиши мураккаб жараён эканлигини унда ёш ўсиши билан боғлиқ ҳолда содир бўладиган ўзгаришлар ва янгилаанишларнинг хилма-хиллиги ҳамда ўзига ҳослигида кўриш мумкин. Маълумки ёш ўсиши билан бола фақат миқдор жиҳатдар эмас,

балки сифат жиҳатдан ҳам ўсиб боради. Демак боланинг биологик жиҳатдан ўсиши унинг психикасида ҳам ўсиш ва ўзгаришларга сабаб бўлади. Аммо биологик ўсиш билан психик ўзгаришлар ҳар доим ҳам мутаносибликка эга бўлавермайди. Чунки психик ўсиш бир томондан индивидуаллик характериға эга бўлса, иккинчи томондан у маълум ижтимоий ва психик шарт-шароитларга ҳам боғлиқ бўлади.

Болада содир бўладиган психик ўсиш, ўзгариш реал ҳаётда ўз ўрни ва мавқеиға эга бўлиши бироз мураккаброқ кечади. Бунинг сабаби бир томондан болада ҳали етарлича тажрибанинг етишмаслиги бўлса, иккинчи томондан катталарнинг боладаги эҳтиёж ва интилишлари ортида тўрган ривожланиш хусусиятларини тўлиқ англаб етмасликларидадир. Натижада эса болалар ва катталарнинг муносабатларида кескин вазиятлар вужудга келади. Бундай вазиятлар туфайли болалар ва катталарнинг бошдан кечирадиган психик кечинмалари, ҳолатлари психологик тилда инқироз тушунчаси билан ифодаланади. Демак, инқироз тушунчасининг мазмуни психик ўсишдаги зиддият, қарама-қаршиликдан иборат. Бу жараёнда болалар билан катталар ўртасида келишмовчиликлар юзага келади.

Инқироз болаларда хилма-хил эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши билан уларнинг қондирилиши имкониятлари ўртасида тўсиқ сифатида вужудга келар экан албатта унинг таъсирида у ёки бу томонга ўзгариш рўй беради. Масалан, маълум тараққиёт босқичида болада вужудга келган мустақил ҳаракат қилиш эҳтиёжи уни мустақилликка эришиши учун туртки бўлиб хизмат қилади ва бола муайян даражада мустақилликка эришади. Иккинчидан, катталарнинг бу жараёнда йўл қўйиши мумкин таълим ва тарбиявий ҳатолари оқибатида улар руҳиятида айрим салбий иллатлар пайдо бўлиши мумкин. Демак инқирозни на салбий ва на ижобий жараён деб баҳолашга тўғри келади. Шу туфайли ота-оналар, тарбиячилар ва педагоглар бундан тўғри хулоса чиқарган ҳолда болалар билан инқироз даврларида эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади.

Ёш даврлар психологиясида асосий инқироз даврлари сифатида болаларнинг 3 ёшли, 7 ёшли ҳамда ўсмирлик даври инқирозлари алоҳида эътироф этилади.

Уч ёшли болага тўғри тарбия бериш, таъсир ўтказиш, уларнинг ҳаракатларини мақсадга мувофиқ йўналтириш орқали уларда мустақил ҳолда овқатланиш, кийиниш, ювиниш, ўз ўрнини йиғиштиришга айрим топшириқ ва вазифаларни пухта бажаришга ўргатиш мумкин. Психолог олимларнинг таъкидлашича боланинг уч ёшгача ўсишида эришган ютуқлари унинг хулқ-атворини, билиш жараёнларини сифат жиҳатдан анча ўзгартириб юборади. Шунга қарамай, боланинг ўсишида катталарнинг таъсири, роли етакчилигиға қолаверади, лекин аста-секин ўсиб бориши боланинг мустақилроқ бўлишини таъминлайди.

Боланинг мустақиллиги фақат унинг жисмоний ҳамда ақлий имкониятида, кучи етадиган жараёнга нисбатан ўз муносабатини катталарнинг кўмагисиз амалга оширишида эмас, балки ўзининг куч қуввати, қурби етмайдиган, муайян амалий кўникмаларини эгаллай олмаган турмуш муаммоларини ҳал этишда ҳам кўринади.

Психологлар Н.А.Менчинская, В.С.Мухиналарнинг таъкидлашларича, бу даврдаги зиддиятда болалардаги инжиқликларнинг бош омили атрофдаги одамларнинг улар шахсиға адолатсиз, нотўғри, менсимай муносабатда бўлишидан иборатдир.

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятларини ўрганган А.Н.Голубеванинг фикрича, ноқулай шароитда болага тарбиявий таъсир кўрсатиш унда ўжарликни пайдо қилади. Шунингдек бу ёшдаги болаларнинг ўжарлиги доимий бўлмайди, масалан ўз тенгдошларига нисбатан ўжарлик қилиш аҳён-аҳёндагини рўй беради. Улар асосан катта ёшдаги одамларға, шунда ҳам муайян тарбиячиға ёки оила аъзоларининг бирортасиға ўжарлик қиладилар. А.Н.Голубева болалардаги ўжарлик барқарор эмаслиги сабабли унинг олдини олиш мумкинлигини уқтириб ўтади.

А.П.Лариннинг тадқиқотларида эса ноқулай ва номақбул тарбиявий шарт-шароитларда қайсарлик жуда эрта, ҳатто уч ёшда ҳам пайдо бўлиши ифодаланган. Дастлаб бу хусусият баъзи-баъзида рўй беради, лекин у ҳеч қачон барча катта ёшдаги кишиларға қаратилган бўлмайди, яъни унинг объекти алоҳида шахс ҳисобланади.

Аммо бола характерининг бу сифати муҳитнинг нотўғри таъсири оқибатида бирор даражада барқарорлашса, кейнчалик кўпчиликка қаратилган, умумлашган шаклға айлана бошлайди. Ўжарлик бир гуруҳ одамларға йўналганлигини ҳам учратиш мумкин.

А.П.Лариннинг тўплаган маълумотларига кўра, ўжарликнинг асосий сабаблари –боланинг мустақиллигини чеклаб қўйиш, эркинлик туйғуси ва ташаббусни сўндириш ва унинг онгини (англаш суратини) камситишдан иборат.

Мазкур омиллар боланинг катталарга муносабати негизини ташкил қилади ва унинг психик ўсиши давомида муайян даражада ўзгариб боради. Уларнинг ўзгариши катталарнинг болага у эришган камолот босқичини ҳисобга олиб, оқилона муносабатда бўлишига боғлиқ. Бола ҳулқида муайян шароитнинг таъсири билан пайдо бўлган ўжарлик ва ножўя қилиқлар мавжудлиги, унинг психикасида жиддий ўзгариш рўй берганини, энди болага унинг ҳозирги ўсиш даражасини ҳисобга олиб, муносабатда бўлиш зарурлигини билдиради.

Боланинг психикасида вужудга келадиган инқирознинг сабаблари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- катталар боланинг жисмоний ва ақлий имкониятларини ҳисобга олмасликлари;
- хоҳиш ва истакларини мустақил ҳолда турмушда қарор топтиришга интилишларига тўсқинлик қилишлари;
- айрим кўзга ташланган қийинчиликларни бартараф қилишга ўринишларига йўл қўймасликлари;
- бола ўз ҳолича иш тутишини чеклашлари.

Катталар болаларнинг райига, мустақиллигига қарши турмасдан, мумкин қадар истагига, интилишига ёрдам берсалар, унинг шахсини шакллантириш жараёнидаги қийинчилик ўз-ўзидан барҳам топади, низо ёки ихтилофнинг олди олинади.

Оилада, мактабгача тарбия муассасаларида шахслараро муносабатлар илмий асосда қурилиб, муайян қоидаларга суянилса ва педагогик одоб доирасидан четга чиқилмаса, юқорида айтилган зиддиятлар юзага келиши мумкин эмас.

Ўжарлик, қайсарлик, катталарга итоатсизликнинг вужудга келиши – боланинг катталарга қарамликдан қутулишга ўриниши ва кичик мактабгача ёш давридан мактабгача ёш даврига ўтишнинг ташқи ифодаси ҳисобланади. Мустақилликка интилиш мазкур ёш давридаги ўзгаришлар, янгилаанишлар, яъни шахсий хатти-ҳаракатни ва “мен ўзим”ни англашнинг маҳсули сифатида юзага чиқади.

Кўпчилик психологларнинг тадқиқотларидан маълумки, болалар мазкур инқироз даврида бир нечта кўринишдаги қайсарликни намоён этади. Ана шундай кўринишларнинг биттаси биз назарда тутган 3 ёшли инқирозга тўғри келади. Шу даврда унинг руҳий дунёсида сифат ва миқдор жиҳатдан турли ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришлар унинг оламини бошқача кашф қилаётганига, психикаси маълумот ва ахборотлар билан кун сайин бойиб бораётганлигига боғлиқдир. Айни шу ёшда боладаўз иродасига ишонч ҳисси туғилади, у ўзлигини англай бошлайди. Ўзлигини англаш қарама-қаршиликларни, зиддиятларни енгиш билан амалга ошади.

Психик ўсишнинг бошқа даврларида рўй берадиган инқироз даври ҳам худди шундай тарзда кечади, аммо турли даврда инқирозларнинг сабаблари турлича бўлади. Жумладан: кичик мактаб ёшида содир бўладиган инқироз кўпроқ боланинг ўқув фаолияти жараёни ва унинг кечиши билан боғлиқ ҳолда кечади.

Мактаб таълими ўқувчининг турмуш тарзини, ижтимоий мавқеини, синф жамоаси ва оила муҳиtidaги аҳволни ўзгартиради, унинг асосий вазифаси ўқишдан, билим олиш, кўникма ва малакаларни эгаллаш, табиат ва жамият тўғрисидаги қонуниятларни ўзлаштиришдан иборат бўлиб қолади. Таълим муайян даражада уюшқоқлик, интилиш, иродавий зўр бериш, фаоллик ва мақсадга мувофиқ фаолиятни талаб этади. Ихтиёрсиз хатти-ҳаракат ўрнини англашилган, режали, ақлий меҳнат эгаллай бошлайди. Таълим жараёнида ўқувчи олдида қўйиладиган талаблар тобора кўпайиб, мураккаблашиб бораверади.

Ўқишнинг дастлабки кунлариданоқ кичик мактаб ёшидаги боланинг ўсишини ҳаракатга келтирадиган турли зиддият, қарама-қаршиликлар, ички ихтилофлар вужудга келади. Ана шулар замирида боладаги психик камолотнинг даражаси ва ижобий ҳислатлар билан талаблар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ётади. Талабларнинг тобора ортиши боланинг психик жиҳатдан тўхтовсиз ўсишини тақазо этади ва шу берк занжирнинг узлуксиз ҳаракати натижасида инсоннинг камолоти амалга ошади.

Ёш даврлар тараққиётида ўсмирлик даври алоҳида аҳамият касб этади. Ўсмирлик даври тақлидчанлиги, муқим нуқтаи назарнинг шаклланмаганлиги, ҳиссиётлилиги, мардлиги, тантилиги билан фарқланади. Шунинг учун ташқи таъсирларга берилувчан ўсмир ўғил-қизларга алоҳида эътибор бериш зарур. Ўсмирлик даврида болалик ҳолатидан катталиқ ҳолатига ўтишсодир бўлади.

Ўсмирнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч – унинг фаолиятини вужудга келтирган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасида қарама-қаршилиқлар тизимининг намоён бўлиши ётади. Мана шу диалектик қарама-қаршилиқлар ортиб бораётган жисмоний, ақлий ҳамда ахлоқий имкониятлар билан барқарорлашган, стереотипга айланган ташқи оламни акс эттиришнинг шакллари ўртасида содир бўлади. Вужудга келган зиддиятлар ва қарама-қаршилиқларни психологик камолотни таъминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш орқали ўсмир шахсида янги психологик фазилатларни таркиб топтириш билан аста секин йўқотиш мумкин.

Веналик психолог З.Фрейд ва унинг шогирдлари ўсмирлик даврини баҳолашда инсонга азалдан берилган қандайдир илк майл нишонаси сифатида вужудга келадиган ўз мавқеини белгилашга онгсиз интилиш деб ҳисоблайдилар.

Айрим психолог олимлар эса ўсмирликни биогенетик ўсишнинг биологик омилларига, яъни жинсий етилишга алоҳида аҳамият берадилар. Уларнинг фикрича, ўсмирнинг психик жиҳатдан инқирозга етакловчи, ҳаяжонга солувчи субъектив ички кечинмалари ўғил ва қиз болаларда ўзига хос ҳолатни юзага келтиради. Ўсмир учун характерли ҳисобланган норозилик, қўполлик, қайсарлик, шафқатсизлик, тажанглик, гинахонлик каби иллатлар жинсий етилишнинг махсули, янги туйғулар, майллар, кечинмалар ўсмир хатти-ҳаракатларида ҳукмрон бўлиб, унинг ҳуқ атворини белгилайди деб ҳисоблайдилар.

Турли ёш даврларда рўй берадиган инқирозлар хусусида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ёш тараққиёти жараёнида содир бўладиган ҳар қандай инқироз бола руҳиятида у ёки бу психик ўсиш, янгиланиш ва ўзгаришларнинг сабабчиси ва рўёбга чиқарувчи воситаси сифатида намоён бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Чақалоқлик даврининг ўзига хос жиҳати нимадан иборат?
2. Гўдақликда бола қандай муҳим сифатларни эгаллайди?
3. Илқ болалик даврининг асосий хусусияти нимадан иборат?
4. Д.Б.Эльконин классификациясида асосий эътибор нимага қаратилган?
5. Л.С.Выготский классификациясида асосий эътибор нимага қаратилган?
6. Ёш даврлар тараққиётида инқирозларнинг асосий сабаблари нималардан иборат?
7. Ёш тараққиётида нечта инқироз даври алоҳида эътироф этилади?
8. Ёш тараққиётидаги илк инқироз қандай намоён бўлади?
9. 3 ёшли инқироз даврида болафа қандай зарур сифат шаклланади?
10. Ўқув фаолияти туфайли бола психикасида қандай муҳим сифатлар таркиб топади?
11. Ўспиринлар камолотида қандай психик хусусиятлар устунлик қилади?

мавзу: Психик тараққиёт ва таълим .

РЕЖА:

1. Чет Эл психологиясида таълим ва тараққиёт муаммолари
2. Л.С.Виготский тадқиқотларида таълим ва тараққиёт муносабати
3. Таълимни жадаллаштириш муаммолари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч сўз ва иборалар

Таълим, тараққиёт, А.Валлон, Ж.Пиаже, Л.С.Вүготский тадқиқотлари, таълимни жадаллаштириш муаммолари, Таълим, индивидуаллаштириш, психологик хусусиятлар, ўқитиш, таълимга индивидуал ёндошиш, диагностик методикалар, тафаккур

Чет эл психологиясида таълим ва тараққиёт муаммолари. А.Валлон, Ж.Пиаже, Ж.Брунер, В.Оконь ва бошқаларнинг илмий назариялари ва уларнинг шарҳи, Л.С.Виготский тадқиқотларида таълим ва тараққиёт муносабати. П.П.Блонский асарида таълимнинг етакчилик роли ҳақида. Таълимни жадаллаштириш муаммолари ва уларнинг

ўзига хос хусусиятлари. Таълимни индивидуаллаштириш-ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олишдир.

Таълимни индивидуаллаштириш принципи ўқитишда ўқувчиларнинг реал типларига таяниш демакдир. Таълимда индивидуал ёндошиш масалалари (методикалар ишлаб чиқиш). Таълимни индивидуаллаштиришда диагностик методикалардан фойдаланиш. Таълимни индивидуаллаштиришда интеллект ва тафаккур асосий мезонлардан биридир.

Ҳозирги шароитда таълимни ўқувчиларда муайян билим, кўникма ва малакалар системасини таркиб топтиришдангина иборат деб асло талқин қилиб бўлмаслиги яхши маълум. Таълимни шундай ташкил этиш вазифаси қўйилмоқдаки, у ўқувчиларнинг ақлий тараққиётини максимал даражада таъминлайдиган бўлсин. Шунинг учун ҳам биз оддий таълим ҳақида эмас, балки ривожлантирувчи таълим тўғрисида гапирамиз.

Нимани ўқитиш керак ва қандай ўқитиш керак? Бу муаммо кейинги йилларда мактаб дастурлари ҳамда ўқувчиларнинг фан ва техника тараққиётининг ҳозирги даражасидан анча орқада қолаётганлиги муносабати билан педагоглар, методистлар, психологларнинг алоҳида диққат-эътиборини талаб қилди. Техника тараққиёти ва фаннинг тез суръат билан ривожланаётганлиги ёш авлоднинг умумий таълим тайёргарлиги даражасига тобора кўпроқ талаблар қўймоқда, ўқув дастурлари ва курсларини қайта кўриш, замонавийлаштириш зарур бўлиб қолди.

Швейцариялик психолог Ж.Пиаженинг фикрича, боланинг ақлий ўсиши ўзининг ички қонунлари асосида ривожлана бориб, сифат жиҳатдан ўзига хос бир қатор генетик босқичларни босиб ўтади. Таълим ва ақлий етилиш жараёнини фақат бир қадар тезлатишга ёки секинлаштиришга қобилдир, лекин у ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига ҳеч қандай жиддий таъсир кўрсата олмайди. Демак, таълим ривожланиш қонунларига бўйсуниб керак. Масалан: болада мантикий тафаккур етилмай туриб, уни мантикий фикр юритишга ўргатиш фойдасиздир. Таълимнинг турли босқичлари боланинг тегишли психологик имкониятлари пишиб етиладиган муайян ёшидан қатъий назар боғлиқлиги шундан келиб чиқади.

Таъкидлаш жоизки, таълим етакчи ролни бажаради, таълим ва ривожланиш эса ўзаро бир-бирига боғлиқдир; улар алоҳида содир бўладиган икки жараён бўлмай, балки бир бутун жараёндир. Таълимсиз тўла ақлий ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Таълим ривожланишига туртки бўлади, ривожланишни ўз ортидан эргаштириб боради. Зарур шароит туғилганда таълим мантикий фикрлаш малакасини таркиб топтиради ва тегишли ақлий ривожланиш учун замин бўлади.

Ақлий ривожланиш тушунчасининг ўзи турли тадқиқотчилар томонидан ҳар хил талқин қилинмоқда. С. Л.Рубинштейн билан Б. Г.Ананьев биринчилар қатори ақлий ривожланишни, умумий интеллектни тадқиқ қилиш билан шуғулланишга даъват этиб майдонга чиқдилар. Ананьев бу категориялар одамнинг шундай мураккаб психик хусусиятидирки, ўқиш ва меҳнатдаги муваффақият ана шу хусусиятга боғлиқдир, деб гапирди. Олим бу категорияларни билишга оид турли вазифаларнинг қўйилиши ва ҳал этилиши билан боғланган, яъни ҳодисага энг умумий мўлжалловчи характеристика берган бўлиб, бу характеристика уни ҳал этишнинг мумкин бўлган йўллари кўрсатиб беради.

Кейинги йилларда ана шу кўрсатиб ўтилган муаммони турли йўналишларда тадқиқ этиш бошлаб юборилди. Бу тадқиқотлар орасида Н.С.Лейтеснинг тадқиқотлари қайд қилиб ўтиш керак.

Н.С.Лейтес, аввало ақл сифатларини ўз ичига олувчи умумий ақлий қобилиятлар (гарчи улар жиддий равишда ирода ва эмоционал хусусиятларга боғлиқ бўлса ҳам) одамнинг назарий билиш ва амалий фаолият имкониятларини характерлаб беради, деб таъкидлаган. Одам интеллекти учун энг муҳим нарса шуки, у атрофимизни ўраб олган ва оламдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни акс эттириш ҳамда шу билан воқеликни ижодий равишда қайта ўзгартириш имконини беради. Н.С.Лейтеснинг кўрсатиб ўтганига қараганда, олий нерв фаолияти хусусиятларида активлик ва ўз-ўзини тартибга солишнинг айрим шарт-шароитлари яширинган бўлиб, булар умумий ақлий қобилиятларни таркиб топтиришнинг муҳим ички шартларидан иборатдир.

Юқорида баён қилинганлар муносабати билан ақлий ривожланишнинг мазмунига оид мезонлар (белгилар, кўрсаткичлар) масаласи вужудга келади. Бундай энг умумий

мезонларнинг рўйхатини Н.Д.Левидов келтириб ўтади. Унинг фикрича, ақлий ривожланиш қуйидаги кўрсаткичлар билан:

- 1) Тафаккурнинг мустақлиги билан
- 2) Ўқув материалини ўзлаштиришнинг тезлиги ва мустаҳкамлиги билан,
- 3) Стандарт бўлмаган вазифаларни ҳал қилишда ақлий чамалашнинг тезлиги билан,
- 4) Ўрганиб чиқилаётган ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш (муҳим бўлган нарсани муҳим бўлмаган нарсадан ажрата билиш) билан,
- 5) Ақлнинг танқидий қараши, баландпарвоз, асоссиз мулоҳазаларга мойилликнинг йўқлиги билан характерланади.

Таълимнинг асоси-ўқитувчининг ўқувчиларга етказадиган мўл-кўл ахборотини эсда олиб қолиши эмас (гарчи, бу муҳим вазифа бўлса-да), балки бу ахборотни олиш жараёнида ўқувчиларнинг ўзлари актив иштирок этиши, уларнинг мустақил фикр юритишини мустақил билим олиш қобилиятини, ўз-ўзига маълумотни ошириш қобилиятини секин-аста шакллантириб боришдан иборат бўлмоғи лозим. Таълим психологияси соҳасида ишлаётган тадқиқотчиларнинг асосий вазифаси таълим процессида мустақил, ижодий тафаккурни ва ўқувчиларнинг билим активлигини таркиб топтириш ва ривожлантиришнинг қулай шароитларини аниқлашдир. Бунда психологлар Л.С.Виготский томониданоқ аниқланган қоидага, яъни таълим бериш ўқувчи қўлга киритиб бўлган ривожланиш даражасини кўзламасдан, бирмунча олғакетиши, ўқувчининг тафаккурига унинг мавжуд имкониятларини бирмунча оширадиган талаблар қўйиши, у эришган ва яхши ўзлаштириб олган аналитик–синтетик фаолият даражасини талаб қилиши керак деган қоидага асосланидилар Л.С.Виготский таълимнинг ақлий ривожланишдаги етакчи ролини таъкидлар экан, таълим ўқувчининг ривожланишидаги кечаги кунга эмас, балки эртаги кунга таянмоғи лозим, деб ҳисоблаган эди. Таълим ривожланишининг фақат тугалланган даражаси асосида қурилмасдан, аввало ҳали унчалик таркиб топмаган нарсаларга таянмоғи керак.

Бу принципни қандай тушуниш керак? Мисол келтирамиз-кичик ёшдаги ўқувчида ўқиш фаолиятини таъминлайдиган психик функциялар ҳали таркиб топмасданоқ (анализ ва синтез ва мускул ҳаракат анализаторларининг ривожланиши ва ҳақозолар кўзда тутилади)унга ўқишни ўргата бошлайдилар. Л.С.Виготский боладаги ақлий ривожланишнинг икки даражаси ҳақидаги қоида ифодалаб берди.

Биринчи даража, актуал ривожланиш даражаси ўқувчи тайёргарлигини мавжуд даражаси бўлиб, у ўқувчининг қандай топшириқларни тўла мустақил бажара олиш билан характерланади.

Анча юқори бўлган иккинчи даража (уни Виготский энг яқин ривожланиш запаси деб атаган) боланинг нимани мустақил бажара олмаслигини, лекин озроқ ёрдам билан ниманинг уддасидан чиқа олишини кўрсатади. Виготский бола бугун катталар, ўқитувчи ёрдамида бажараётган нарсани эртага мустақил равишда ўзи бажаради, энг яқин ривожланиш даражасига ўтади деб таъкидлаган эди.

Психологлар ана шу принципга асосланиб таълим жараёнида ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини активлаштиришнинг психологик шарт-шароитларини, ўқувчиларнинг мустақил, ақлий фаолият самарали методларини эгаллаш шарт-шароитларини тадқиқ қилмоқдалар, ўқиш жараёнида «тайёр» билимларни ўзлаштириш билан мустақил «кашфиётлар» қандай нисбатда бўлишини аниқламоқдалар.

Л.С.Виготский: «Бола тараққиётини ҳеч маҳал мактаб таълимидан ташқаридаги соя деб ҳисоблаш мумкин эмас»,-деб таъкидлайди. Бундан ташқари, таълим ва тараққиёт бир-бирига тобе бўлмаган жараёнлардир, деган йўналишдаги психологларни ҳам у қаттиқ танқид қилади.

П.П.Блонский таълимнинг бола тараққиётидаги ўрнига алоҳида аҳамият беради. Шунинг учун ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши тўғридан-тўғри мактаб дастури мазмунига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, таълим жараёнида болалар маълум қоида асосида фаолият қилишга одатланадилар. Таълим таъсири натижасида ўқувчиларда ўз-ўзини ва ўзининг ақлий фаолиятини назорат қилиши юзага келади.

3. Илмий ахборот оқимининг шиддат билан ўсиб бораётганлиги шунга олиб келмоқдаки йил сайин илмий билимларнинг умумий миқдори билан уларнинг мактаб ёки

олий ўқув юртида ўзлаштирилган қисми ўртасидаги фарқ ортиб бораёпти. Бирорта ҳам ўқув юрти кишига унинг ишлаши учун зарур бўладиган билимларнинг хатто кичик бўлгани ҳам беришга қодир эмас. Ҳаётнинг жўшқин суратидан орқада қолмаслик учун умр бўйи ўсиш, ўқиб-ўрганиш, ўз билимларини тўлдириб бориш керак бўлади.

Бу аҳволнинг уддасидан чиқиш учун **иккита вазифани** ҳал қилиш керак. **Биринчи вазифа** -Олий таълим билан мактабдаги таълим ўртасидаги тафовутни ҳам миқдор жиҳатдан ҳам сифат жиҳатдан максимал даражасида қисқартириш масаласи эди. Бу вазифа мактаб дастурларини замонавийлаштириш йўли билан бажарилади. Иккинчи вазифа таълимнинг характерини қайта қуришнинг бир неча йўллари, йўналишларини тадқиқ қилмоқда. Бу биринчидан, таълимни оқилона жадаллаштириш бўлиб, у хусусан, ўқувчиларнинг ёшларига ҳос ақлий имкониятлари ҳақидаги анъанавий тасаввурларни ўзгартириш, ўқувчиларнинг ақлий қобилият заҳираларини қидириб топишдир. Иккинчидан, психологлар таълим жараёнида ўқувчиларда актив, мустақил, ижодий тафаккурни, мустақил билиш фаолиятига, мустақил билим эгаллашга ёки баъзи ҳолларда айтишларича, ўз-ўзича таълим олишга, мактабдан кейин мустақил маълумот олишга, оид қобилиятни бутун чоралар билан таркиб топтиришни нажот йўли деб билмоқдалар.

Таълимни жадаллаштириш муаммосидан бошлаймиз. Л.В.Занков анча машҳур янги дидактик таълим системасини (кичик ёшдаги ўқувчилар учун) ишлаб чиқмоқда. Бу системага қуйидаги принциплар асос қилиб олинган;

1) Таълимни юқори даражадаги қийинчилик асосида қуриш. Фақат ана шундай таълим, деб кўрсатиб ўтади. Л.В.Занков, жиддий ақлий иш олиб бориш учун озик бериши ҳамда ўқувчиларнинг тез ва интенсив равишда ривожланишига кўмаклашуви мумкин;

2) Материални тез суръат билан ўтиш (ақлга тўғри келадиган чегарада);
Таълимнинг билишга тааллуқли томонининг, назарий билимларининг салмоғини кескин тарзда ошириш, материални эгаллашга олиб борадиган йўл-олинган маълумотларни узвий ўзаро боғлиқ равишда жавоб излаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини текшириш ёрдамида чуқур англаб олишдир. Кўрсатиб ўтилган принципларга мувофиқ равишда ташкил этилган экспериментал таълим шуни кўрсатадики, ўқувчилар анча чуқур ва мазмунли билим олибгина қолмай, балки уларнинг ақлий активлиги ортади, уларнинг юқори даражадаги ақлий ривожланиши таъминланади, ўқишга ижобий муносабат тарбияланади

Мавзу: Таълим психологияси.

РЕЖА:

1. Таълим психологиясининг моҳияти.
2. Ўқишнинг моҳияти ва қонуниятлари.
3. Н.Д.Левитов бўйича ўзлаштиришнинг психологик компонентлари.
4. Таълим жараёнини бошқариш муаммоси. ривожланиш.
5. Таълимни индивидуallasштириш.

Маълумотки, қонуният - бу барқарор, зарурий, у еки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги мутаносиблик ва муҳим алоқа. Ижтимоий эҳтиёжлар ва шароитлар ўқув жараёнининг характери, унинг вазифалари, мазмуни, шакллари, усуллари ва воситалари қонуний равишда аниқлаб беради. Агар ўқитиш жамият талаблароини эътиборга олмаса, у ҳолда уни, албатта, қайта қуриш, такомиллаштириш керак.

Демак, таълим бериш, тарбиялаш ва талабаларнинг умумий ривожланишлари бир бутунликда амалга ошириш зарур.

Таълимнинг мазмуни ҳаёт, ҳозирги замон фани билан боғланган бўлганлиги учун ҳам, вазифаларда мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш муаммолари, ишлаб чиқаришнинг механизациялаш, автоматлаштириш, компютерлаш каби асосида интенсивлаш ўз аксини топиш керак. Таълим коидалари - ўқитувчининг фаолиятини ва талабалар томонидан илмий билимларини ўзлаштирилиши, тегишли кўникмалар ва малакалар ҳосил қилинишининг асосий қонуни ва йўналишлари ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда таълим коидалари ҳар иккала фаолиятни, яъни ўқитувчи ва талаба томонидан ўз олдига қуйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир канча

талабларни ҳам умумлаштириб беради. Шунга кўра таълим коидалари ўқитишнинг энг муҳим вазифалари назарий ва амалий жihatдан тўғри хал қилинишининг асосий негизи ҳисобланади.

Таълим коидалари деб умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йуналиш, талабалар томонидан илмий билимларни ўзлаштирилиши, билим ва малакалар ҳосил қилинишининг асосий қонун ва коидаларининг йигиндисига айтилади.

Сунги йилларда олимлар томонидан яратилган педагогик адабиётларда дидактик коидалар турлича гуруҳлаштирилмоқда.

Илмий билимлар - воқеликнинг ҳаққоний инъикосидир.

Теварак атрофни ўраб олган дунёнинг қонуниятларини, нарса ва ҳодисаларнинг ички муҳим хоссалари ва ўзаро алоқаларини ақс эттирувчи билимларгина илмий ҳисобланади.

Таълимнинг илмийлиги коидаси талаба ва ўқув материаллардаги қонуниятларни ақс эттириши, тушуниши ва ўзлаштирилиши учун тўғри шароит яратиш мақсадида зарурдир.

Назарий коидаларни тушуниш - материалнинг илмий асосда изоҳлаб беришнинг муҳим белгиси бўлиб, у талабанинг фикрлаш фаолияти хусусиятларини белгилайди. Илмий билимлар илмийлигича қолиб, воқеликнинг ҳар хил даражасида ақс эттирилиши мумкин. Илмий изоҳ таълимнинг ҳамма босқичларида ҳар бир синфда илмийлик коидалари вазифаларидан бирини назарий маълумотлар тизимини шу маълумотларида теварак атрофда дунёни қанчалик чуқур ақс этганлиги нуқтаи назаридан билиб олишдир.

Илмийлик коидаси барча еш гуруҳлардаги ва турли ўқув юртлардаги талабаларга ургатиш учун илмий жihatдан ишонарли амалда синаб қурилган маълумотлар берилиши талаб этади. Илмий билимларни эгаллаш жараёнида талабалар илмий дунёқараш, эътиқод таркиб топади. Тафаккур ривожланади.

Таълимнинг илмий бўлиш коидаси таълим жараёнида талабаларнинг ҳозирги замон фан техника тараққийети даражасига мувофиқ келадиган илмий билимлар билан қурулантириш, ешларни илмий тадқиқот усуллар билан таништириб боришни таҳминлашга қаратилган. Дидактиканинг илмийлик коидаси мактаб таълимининг мазмунига кўра алоқадор бўлиб қомай, ўқитиш усулларига ҳам алоқадордир. У таълим жараёнида фан техника ютуқларидан фойдалана оладиган ўқитиш усуллари такомиллаштиришнинг ҳам талаб этади. Дарс мазмунининг муқобил тўзилишининг танлаш, ўқитишдаги дидактиканинг тизимлилиқ коидасини ҳисобга олишни талаб қилади.

Таълимда изчилликка риоя қилиб ўқитиш лозим, токи бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганларини муштаҳкамласин, эртага ўрганиладиганларига замин ҳосил қилсин.

Яъни ўтилаётган фан ёки баён қилинаётган янги материалнинг талабаларнинг олдинги ўзлаштирган илмий билимлари, қўникма ва малакалари билан изчил ўзвий боғланиши, шу билан бир вақтда ўқитилаётган ўқув материалларини ўзлаштириш орқали келажакда янги билимларини ўзлаштиришга, шунингдек навбатдаги таълим босқичига замин яратилиши назарда тутилади.

Таълимнинг бош вазифаси-ўқувчиларга фан асосларини фаол, онгли, муштаҳкам, ва системали равишда эгаллашнинг таъминланишидир. Ўзлаштириш-ўқувчининг уюшган билиш фаолиятидир. Ижодий ўзлаштириш сифатида ўқиш, билим эгаллаш уч омилга-нимани ўқитишга боғлиқдир. Ўзлаштиришнинг психологик компонентлари: ўқишга ижобий муносабатда бўлиш, материал билан бевосита ҳиссий танишиш, олинган материални фаол равишда қайта ишлаш жараёни бўлган тафаккур, қабул қилинган ва ишлаб чиқилган материални эсда олиб қолиш. Ўқитишнинг турли босқичларида аналитик-синтетик фаолият.

Ўқув фаолияти бу шундай фаолиятки, унда шахснинг психик жараёнлари шаклланади ва ривожланади, унинг асосида янги фаолиятлар юзага келади.

Ўқув фаолияти инсоннинг бутун ҳаёти давомида намоён бўлувчи узлуксиз жараёндир.

Рус психологи А.Н.Леонтьев инсон фаолиятининг психик ва Амалий шакллари мавжудлигини, бола онги айнан ўқув фаолиятида ўсишини таъкидлайди.

Д.Б.Эльконин эса ўқув фаолиятининг хусусиятларини кўрсатиб, уни моҳиятига, мазмунига ва ўзини намоён бўлиш шаклига кўра ижтимоийлигини таъкидлайди.

Ўқув фаолияти бу шундай фаолиятки, унинг натижасида аввало ўқувчида ўзгариш юз беради. Унинг маҳсули турли мотивлар асосида, қурилган бўлиши даркор. Бу мотивлар бевосита ўқувчи шахсининг ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиши керак. Ўқув фаолияти таълим, ўқиш ва ўрганиш деган тушунчалар билан бевосита боғлиқдир. Таълим ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги ўқув фаолияти ўқитувчининг билим, кўникма ва малакаларини ўқувчиларга ўргатиш жараёнидир.

Таълим жараёни бевосита муайян ахборотни, ҳаракатларни, ҳуқ-атворнинг шакллариини ўзлаштиришга қаратилгандир. Ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга, ўргатишга хизмат қилади.

Ўқув фаолиятининг беш элементи мавжуд:

1. Ўқув мотивлари
2. Ўқув топшириқлари
3. Ўқув ҳаракатлари
4. Ўқитувчининг назорати
5. Ўқитувчининг баҳолаши

Д.Б.Эльконининг таъкидлашича, ўқув фаолиятининг шакллантирилиши бу фаолият айрим кишилар бажарилишини аста-секинлик билан ўқувчининг ўзига ўқитувчининг иштирокисиз мустақил бажариш учун ўтказилишидир.

Таълим жараёни алоҳида ташкил этиладиган ҳамда бошқариладиган фаолият бўлиб, у ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини ташкил этади ва уларни бошқаради.

Таълим жараёни беш элементдан иборат:

1. Таълимнинг мақсади-нима учун ўқитиш керак?
2. Таълимнинг мазмуни-нимага ўқитиш керак?
3. Таълимнинг методлари, усуллари ва педагогик мулоқот йўллари
4. Таълим берувчи
5. Ўқувчи

Таълим жараёнини ташкил этиш: идеал ва амалий фаолиятнинг у ёки бу турини муваффақиятли ташкил этиш учун зарур бўлган ташқи оламнинг муҳим аҳамиятли хоссалри хусусидаги ахборотнинг ўзлаштирилиши:

-фаолиятнинг анна шу барча турлари таркиб топган усуллари ва жараёнларининг ўзлаштирилишига;

-мақсадга мувофиқ келадиган усуллар ва жараёнларни тўғри танлаш ва фойдаланишга боғлиқ.

Таълим жараёнининг муваффақияти:

1. Мотивация.
2. Маълумот усуллари.
3. Малумотнинг тушунарлилиги.
4. Хотира
5. Маълумотни қўллаш.

Таълим ва таълим жараёнида болани ривожланиш муаммоси психологик марказий масалалардан биридир. Таълим ва ривожланиш муаммосига доир қатор назариялар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири:

1. Ақлий ҳатти-ҳаракатлар, билимлар, малака ва кўникмаларни босқичма-босқич ривожлантириш назарияси (П.Я.Галперин).

П.Я.Гальперин-назарияси бўйича билимларни ўзлаштириш жараёни олти босқични бошидан кечириб, улага:

1. Мотивация
2. Тушунтириш
3. Моддий формадаги хатти-ҳаракатларни бажариш.
4. Баланд овозда хатти-ҳаракатлар ва вазифаларни бажариш.
5. Бажариладиган хатти-ҳаракатларни ички режада овоз чиқармай бажариш.
6. Фаолиятни фикран бажариш киради.

Ушбу назарияда таълимнинг учта асосий турлари ажартилади:

-биринчи турда–хатти-ҳаракатларни ўзлаштириш хатолар билан кечади, берилаётган материал етарли даражада англанилмайди, таълим оловчи таълимнинг асл моҳиятини тушуниб етмайди;

-иккинчи турда-материални нисбатан дадил ва тўла тушунилиши ва материал билан боғлиқ тушунчаларни ажратилиши билан характерланади;

-учинчи тур-тез, самарадор, ва беҳато хатти-ҳаракатларни ўзлаштирилишини таъминлаб беради.

В.В.Давидов назарияси. Ушбу назария кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни илмий тушунчаларни ўзлаштирилиши лозим бўлиб, бу ўз ўрнида хусусийдан умумий билимларга ўтилишни таъминлайди.

Қатор назариялар муаммоли дарсларни ташкил этишга қаратилгандир.

Таълимнинг психологик асослари муаммоси кўпгина масалаларни қамраб олади. Таълимнинг муваффақияти бир қатор психологик омилларга боғлиқ бўлади. Аввало ўқувчининг ўқишга бўлган муносабатига тўхтайлик. Бу муносабат диққатда, ҳис-туйғуларда, қизиқишлар ва иродада, шунингдек, шахснинг тутган йўлида намоён бўлади.

Таълим жараёни аввало ўқувчилар диққатин йўлга солишни талаб этади. Дарсларда кўргазмали қуроллардан, техник ва ЭХМ воситаларидан фойдаланиш таълим оловчида ихтиёрсиз диққатни юзага келтиради. Таълим жараёнида таълим берувчининг вазифаси дарсда ишлаш ҳолатини юзага келтиришига эмас, балки ўқувчиларнинг дарсда ўтиладиган материални идрок этишга тайёр туришларини кузатиш ҳамдир. Дарс жараёнида бу қонуниятларни назарда тутиш ва ўқувчилар диққатини материалнинг асосий жиҳатларига жалб этиш ҳамда уларни такрорлаш керак.

Таълим жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи томонидан бериладиган кўрсатмаларга ҳам боғлиқ. Ўқитувчининг роли шундан иборатки, у ўқувчиларга тегишли установкани ҳосил қилиши, нимани вақтинча, нимани умрбод эсда олиб қолиши кераклигини, нимани бутунлай эсда олиб қолмасдан, фақат тушуниб олиш кифоя қилиниши, нимани сўзма-сўз эсда олиб қолишни, ниманинг маъносини ўз сўзлари билан айтиб бериш учун эсда олиб қолиш зарурлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Кузатишлар шунини кўрсатадики, бундай кўрсатмалар берилмаганда, ўқувчиларда кўпинча нотўғри тасаввурлар вужудга келади.

Ўқитишнинг эмоционаллиги таълимнинг муваффақиятлилигини таъминловчи омиллардан биридир. Таълим бериш жараёни эмоционал жараён. Агар ўқувчиларга берилаётган ахборот уларда ҳеч қандай ҳис-туйғу уйғотмаса, уни ўқувчилар яхшилаб эсда олиб қолмайдилар. Гап ўқувчиларнинг психик ҳолатлари, яъни уларнинг муайян бир пайтдаги кечинмалари ҳақида ҳам бориши керак, албатта. Улардаги қувончли, оптимистик кайфият ўқув фаолиятини жуда самарали қилади. Ўқувчилар эмоционал руҳдаги материални дурустроқ ўзлаштириб оладилар.

Ўтказилган тажрибалар ўқувчилар ҳеч қандай ҳис-туйғу уйғотмайдиган материалга қараганда, эмоционал руҳдаги материални яхшироқ эслаб қолишларини кўрсатади.

Қадимда греклар жуда ажойиб иборани қўллайдилар: «Талаба-тўлдириб турилиши керак бўлган идиш эмас, балки ёқиб турилиши лозим бўлган машъалдир». Бу фикрнинг тагида чуқур маъно бор. Зеро, ўқитувчи биз юқорида таъкидлаб ўтган таълим методлари муаммоли таълим, қисман изланиш методи ва тадқиқот методларидан кенг қўлланиши керак. Таълим жараёнини бугунги кундаги асосий бўлган шахсни шакллантириш бўлиб, юқорида айтиб ўтган методлардан фойдаланиш учқунлардан катта машъаллар пайдо бўлишини таъминлаб беради.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билишга қизиқишлари ғоят катта рол ўйнайди. Маълумки, қизиқиш ўқувчиларнинг эмоционал беағи, бирор буюмни, бирор фаолиятни танлаш муносабати ва йўналишидир.

Психологияда қизиқишқ-бу шахснинг ўзи учун қимматли ёки ёқимли бўлган муайян нарса ва ҳодисаларга муносабатидир. Қизиқишлар шахснинг муҳим ва индивидуал хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қизиқишлар ўқувчилар ҳаётида катта рол ўйнайди. Улар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи асосий турткилар-мотивлардир. Қизиқишлар мактаб ўқувчисига фан асосларини дурустроқ ўзлаштириб олишларига, ақлий

қобилиятларнинг ўсишига, билим доирасининг кенгайишига имкон беради. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчини дастлаб қизиқтириб қолган ишнинг ўзи билан шуғулланишга мажбур қилиш эмас, таъсирчан қилиш, қизиқишларининг марказига айланиб қолган фаолият билан шуғулланиш истагига, майлига айлантиришдир.

Умумий психология курсидан маълумки, ирода бу шахснинг ўз олдига қўйган мақсадининг аниқлиги, уни амалга ошириш учун интилиши, мақсад йўлида маълум бир қарорга келиш тезлиги ва уни ўз вақтида ижро этиши билан белгиланадиган сифатидир. Таълим жараёнида ўқув материалыга бўлган диққатнинг барқарор бўлишида иродавий зўр беришнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Таълимда ирода ўқувчида мактаб ва уйда ўтказиладиган Машғулотларга тайёр туришда намоён бўлади. Ўқув материални ўрганиш-эслаб қолиш ва ўқувчининг иродавий зўр беришгагина боғлиқ. Ирода ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларида-масалани ечишга, қўйилган саволга жавоб топишга ва ҳақозоларга интилишида намоён бўлади. Улар ўқувчиларда кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда ҳам таркиб топади.

Психологлар олиб борган тадқиқотларда ўқувчилар томонидан берилган материалнинг ўзлаштирилиши кўп жиҳатдан ироданинг тарбияланишига боғлиқдир. Иродавий активлик таълимнинг зарур шартидир. Таълим муассасидаги таълим жараёнининг ўзи ўқувчилардан иродавий ўстириш омилларидан биридир.

Таълим жараёнида билиш жараёнларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Зеро билиш жараёнлари жуда мураккаб фаолият бўлиб, унда жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга, абстракт тафаккурдан амалиётга ўтилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, идрокни таркиб топтиришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ниҳоятда муҳимдир. Чунки фазони, вақтни ва ҳаракатларни идрок этишда ҳам ёш хусусиятларда турли фарқлар мавжуд бўлади.

Мотив-инсон ҳулқ-атворининг ички барқарорлиги, ҳаракатга ундовчи тушунчадир.

Мотивация эса ҳулқ-атвори психологик ва физиологик бошқаришнинг динамик жараёни бўлиб, унга ташаббус, йўналганлик ташкилотчилик, қўллаб-қувватлаш киради. Таълим жараёнида ўқиш мотивлари «нима учун?», «нимага?», «қандай мақсад билан?» каби саволлар асосида юзага келади. Мотивлар биринчидан, ўқув фаолиятига ундаса, иккинчидан мақсадга эришиш учун мотивлар ўқувчилар томонидан танланиб, улар ўқувчининг мақсади, қизиқиши, келажак режалари билан бевосита боғлиқ бўлади. Ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув мотивлари турли ёш даврларида турлича бўлади. Таълим жараёнида ўзлаштиришнинг муваффақияти қуйидагиларга боғлиқ:

1. Таълим мазмунига
2. Ўқув режалари, дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг мавжудлигига;
3. Таълим методикаларини такомиллашганлиги;
4. Ўқитувчи маҳоратига;
5. Ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятлари

Тадқиқотлар шунини кўрсатадики, турли индивидуал типологик хусусиятларга эга ўқувчилар учун таълимнинг ягона қулай, оптимал шароитларини яратиш мумкин эмас. Аммо ўзлаштиришнинг самарадорлигини оширишда муаммоли таълим, ноанъанавий таълим усулларини қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Таълим оловчиларнинг таълим фаолиятига кўра таълимнинг қуйидагича методларни ажратилади:

1. Тушунтирув-кўрсатмалилик методи-бу метод репродуктив метод бўлиб, унда фаолият ўқитувчи томонидан олиб борилади. Ўқувчилар таълим жараёнида билим оладилар, танишадилар.

Бу метод жуда кенг тарқалган методлардан бири бўлиб, уни такомиллаштирилган усуллари мавжуд, бу программалаштирилган таълимдир.

2. Репродуктив методи ўқувчи фаолият кўрсатиб, унда ўқувчига берилаётган билимни қайта хотирада тиклаб, олинган билимни нусха сифатида қабул қилади.

3. Муаммоли таълим методи-ўқитувчи томонидан ташкил этилиб, у продуктив характерга эгадир. Ушбу метод орқали ўқувчи билим ва малакаларини шакллантиради.

Ушбу методнинг такомиллаштириш йўлларида бири ишчан ўйинларни ташкил этишдан иборатдир.

4. Қисман изланиш методи-ўқитувчи назорати остида ташкил этиладиган метод бўлиб, у продуктив харақатга эга, бунда ўқувчи ижод қилади.

5. Тадқиқот методи-ўқитувчи илм ёрдамисиз ташкил этиладиган таълим методи бўлиб, у ўқувчининг мустақил изланиши, фикрлаши ва билимлар трансформациясини талаб этади.

Таълим жараёни ташкил этишнинг ўзига хос методларидан бири ишчан ўйинлардир. Ишчан ўйинлар муносабатлар системасини моделлаштириш, фаолият характеристикасини ташкил этишга ёрдам беради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да таълим жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш таъкидланади. Педагогик-технология-бу таълим жараёнига системали ёндошув бўлиб, унда таълим жараёнининг ташкил этишда техника ва инсон имкониятлари ҳисобга олинади ва уларнинг ўзаро муносабати таълимнинг оптимал формалари яратилишига замин бўлади.

Педагогик технологияларни қўйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин;

-Таълим-тарбия иштирокчилари шахсига қўйиладиган ижтимоий талаблар;

-Ҳамкорлик фаолияти аъзоларининг касбий тайёргарлиги;

-Таълим жараёнининг мақсади, мазмуни, моҳияти, амалга ошириш воситалари;

-Таълим жараёнини дифференциациялаштириш;

-Ижодийлик.

Президентимиз И.А.Каримов айтганидек-«Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади».

Таълим жараёнида ўқувчининг мустақил таълим олишини фаоллаштириш зарур ва баҳолашнинг йўлларида ўқувчи томонидан танланиши ва бажарилиши билан характерланади.

Ўқувчиларда мантикий тафаккурни ривожлантириш учун фикрлаш хусусиятларини шакллантириш зарур. Фикрлаш операциялари асосида дарс жараёни фаоллаштирилади. Бу ўқувчининг «Нима учун?», «Қандай мақсада?», «Сабаблари қандай?», «Натижа нима учун шундай бўлди?» сингари саволларнинг муҳокамаси орқали амалга оширилиши мумкин. Ўқитувчиларни эвристик, муаммоли вазиятларга тортиш, танқид, гумон ҳолатарини муҳокама қилиш, улардаги муаммоларни мустақил ҳолда топиш ва уларни ечиш учун ўз лойиҳаларини тузиш ва ҳимоя қилиш ўқувчилар тафаккурининг маънодор ва унумдор бўлишига хизмат қилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997 йил) таълим муаммолари олдида мустақил фикрловчи шахсни шакллантириш муаммосини қўйгандир.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек: ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунами, лекин афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади, агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар.

Таълим бошқариладиган жараёни бўлиб, бунда ҳар бир боланинг ҳаракати қадамба-қадам назорат қилинади, ўқитувчи ҳар бир босқичда ўқувчининг билимларини малакаларини ўзлаштириш ҳақида ахборот олиб иуради, янги материал аввалги материални ўзлаштиришга қараб тақдим этилади.

Таълимни ва билимларни ўзлаштиришни бошқариш муаммолари ҳамда имкониятлари. **Бошқаришнинг методологик ва назарий асослари.** Ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич таркиб топтириш назарияси ва унинг моҳияти. Ўқиш типлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Таълимни бошқаришнинг бошқа имкониятларини қидириш, программалаштирилган таълимнинг психологик асосларини ишлаб чиқиш. Ақлий фаолиятнинг ассоциатив табиатини системалилик принципи асосида текшириш. Таълимий усулларнинг бошқарувчанлик хусусияти. Ўқув фаолияти компонентлари. Муаммоли таълим ва муаммоли вазият.

Кўпгина психологлар таълим жараёнини таҳлил қилар эканлар, уни етарли даражада **бошқариб бўлмайдиган** жараён деб таъкидлайдилар. Лекин уни бутунлай бошқариб бўлмайдиган стихияли равишда тартиб топадиган жараён деб аташ нотўғри, -бу ҳол аниқ мақсадни кўзлаб таълим бериш ғоясининг ўзига зид бўлар эди. Бироқ ўқитувчи таълимни ташкил этади, унга раҳбарлик қилади, уни амалга оширади ва йўналтиради, деган факт таълим етарли даражада бошқариладиган ва тартибга солинадиган жараёндир деган маънони англатмайди, чунки биз бошқариладиган таълим деб, шундай, шундай таълимни айта оламизки, бунда ҳар бир боланинг ҳаракатидаги ҳар бир қадам назорат қилинади, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ҳар бир босқичида муайян билимларни ўзгартириши ёки муайян кўникма ва малакалар ҳосил қилиши ҳақида узлуксиз ахборот олиб туради, янги материал аввалги материални ўзлаштириш характериға қараб тақдим қилинади. Албатта, ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш жараёнини ва ақлий ривожланишнинг бориши ҳар бир пайтда, ҳар бир ўқувчиға нисбатан ҳамма тафсилотни назорат қилмайди ва назорат қила олмайди. Ўқитувчи ўқувчилар томонидан материал қандай ўзлаштирилаётгани ҳақида жуда умумий тасаввурғагина эга бўлади, ўқитишда эса у одатда ҳар кимнинг индивидуал имкониятларини эмас, балки ўртача ўқийдиган ўқувчи кўзда тутлади. Мумкин бўлган йўллардан бири-ўзлаштириш жараёнини берилган топшириқни ўзлаштириш жараёни сифатида махсус ташкил этишдир. Бу жиҳатдан анча ишланган система П.Я.Гальпериннинг ақлий ҳаракатларини этап бўйича таркиб топтириш назариясига асосланган таълим топтириш назариясига асосланган таълим системасидир. Бу назария Л.С.Виготскийнинг таклифлари асосида вужудға келган бўлиб, А.Н.Леонтьевнинг ақлий ҳаракатларини таркиб топтириш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тадқиқотларида ривожлантирилган мазкур назария одамнинг психик фаолиятини таркиб топтиришға оид умумий назариянинг таркибий қисмидир. Ана шу назарияға мувофиқ, одамнинг аногенетик ривожланишида ҳаракатлар интериоризацияси деган жараёнлар, яъни ташқи ҳаракатларнинг секин-аста ички, ақлий ҳаракатларға айланиш жараёнлари рўй беради.

Таълим жараёнини бошқаришнинг бошқа имкониятларини қидириш программалаштирилган (режалаштириш) таълимнинг психологик асосларини ишлаб чиқиш билан боғланган. Психологик нуқтаи-назардан қараганда, программалаштирилган таълим нима у одатдаги таълимдан нима билан фарқ қилади? Буни тушуниш учун ўқув жараёнини унинг қатнашчилари; таълим берадиган, билимларни етказадиган ўқувчи томонидан схематик тарзда тасаввур қилиб кўрмоқ керак. Ўқитувчи билан ўқувчи, маълумки ўқув жараёнининг икки қисмидир. Ўқитувчи тушунтиради, исботлайди, далил келтиради, чизади, расм солади, тажриба қилиб кўрсатади, ўқувчи кўради, тинглайди, тушунишға, ўзлаштиришға, эсда олиб қолишға ҳаракат қилади, фикр юритади, умумлаштиради. Бунинг маъноси шуки, «тўғри алоқа канали» орқали ахборот субъектидан объектға, ўқитувчидан ўқувчиға етказилади. Ўқитувчи ўқувчининг қандай таълим олаётгани ҳақида ахборотға эга бўлмай туриб, кўр-кўрона таълим бера олмайди.

Программалаштирилган (режалаштириш) таълимда оддий, анъанавий таълимнинг барча ана шу салбий томонларига барҳам берилади, программалаштирилган таълим ўқув жараёнини домий назорат қилиб туриш ва бошқаришни таъминлайди.

Программалаштиришган таълимнинг моҳияти унинг машиналашган бўлишида (техника воситаларини қўллаш ҳолда) ҳам, шунингдек машиналашмаган бўлишида ҳам эмас. Программалаштирилган таълим ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадикки, бунда ўрганаётган ўқувчи олдинги материални эгаллаб олмасдан туриб ўзлаштиришда навбатдаги қадамни қўя олмайди.

Бунинг учун ўқув материали қатъий мантиқий изчилликда жойлаштирилган кичик қисмларға бўлинади.

Программалаштирилган (режалаштириш) таълим билиш фаолиятининг ҳар бир қадамини ҳақиқатда назорат қилишни таъминлайди ва бу билан ўқув жаарёнини тўла-тўқис бошқариш имконини беради. Қайтарма алоқа ҳамма вақт ҳаракатда бўлади ва ўзлаштиришнинг индивидуал хусусиятларига мувофиқ равишда ўқув жараёнини тартибға солиб туриш имконини беради. Программалаштирилган таълим ўқитувчини четлаштирмайди, унинг ўқув жараёниға ўтказадиган таъсирини пасайтирмайди, балки уни

қора, техник ишлардан холос қилади. Бундай шароитда ўқитувчи ўқув жараёнининг боришига активроқ таъсир кўрсата олади, таълимга индивидуал ёндошишни муваффақиятлироқ амалга ошира олади, тарбия жараёнига кўпроқ эътибор бера олади, кўрсата олади, таълимга индивидуал ёндошишни муваффақиятлироқ амалга ошира олади.

Бошқарув бу шундай йўналтирувчи кучки, у инсонлардаги ижодий потенциал имкониятларини оладиган шароитларни юзага чиқаришни мақсад қилиб қўяди.

Таълимдан кутиладиган натижа психологияда мақсад дейилади. Улардан биринчиси, ўқув жараёнини тўғри ташкил эта олиш, иккинчиси эса ўқувчиларнинг шахсий қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш. Ана шу мақсадлар бошқаришнинг вазифаларини белгилаб беради. Демак, таълим жараёни бошқаришнинг;

-биринчи вазифаси ташкилий бўлиб, ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси бўйича ижтимоий буюртмаларни қондириш;

-иккинчи вазифаси-бевосита ўқувчининг қизиқиш ва талабларин қондиришга йўналтирилган ҳолатдаги ижтимоий вазифадир. Шунингдек, бу вазифа ўқувчиларнинг кўтаринкилик, яхши кайфият ва ўқув жараёнидаги ишчанликни юзага келтиришни ҳам ўз ичига олади. Афсуски, кўп йиллар давомида бошқаришнинг ана шу ижтимоий вазифасига жуда кам эътибор берилган.

Бошқарувнинг иккинчи вазифаси бу ижтимоий-психологикдир. Бу вазифа ўқувчиларда самарали фаолият учун зарур бўлган ижтимоий-психологик ҳолат ва хусусиятларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Таълим жараёнини бошқариш учун қуйидаги таркибий қисмларни эгаллашлари лозим:

1. Берилган ўқув топшириғини ечиш учун воситалар танлаш.
2. Топшириқлани ечиш жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш.
3. Ўзлаштирилган билимлар, малакалар, кўникмалар сифатини баҳолаш
4. Ўқув топшириқларини бажарилганлигини текшириш.
5. Ўз олдига мақсад қўя олиш.
6. Турли белгилар билан предметнинг ички муносабатлари мувофиқлигини кўра олиш.

Ўқитишнинг иккита усули мавжуд. Бири анъанавий ўқитиш усули-бунда ўқитувчи муаммони белгилайди, вазифаларни Аниқлайд ива муаммони ечиб беради. Ўқувчи эса масалани ечиш йўллари эслаб қолади ва уни ечишни машқ қилади. Бунда ўқувчиларда репродуктив тафаккур шаклланади.

Ривожлантирувчи таълим ўқитишнинг муаммоли усулида ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш жараёнларини бошқаради, уни ташкил этади ва назорат қилади. Ўқувчи эса муаммони тушунади.

Уни ечиш йўллари қидиради ва уни ечади. Бундай ҳолларда ўқувчи тафаккуининг маҳсулдорлиги ошади ва унинг мустақиллиги ривожланади.

Ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқишини ривожлантириш учун ўқитувчи қуйидаги қоидаларга таяниши лозим:

1. Ўқув жараёнини шундай ташкил этиш лозимки, бунда ўқувчи фаол ҳаракат қилиши, мустақил изланиши, янги билимларни ўзи кашф этиши ва муаммоли характердаги масалаларни ечиш учун шароит излаши керак.

2. Ўқувчиларга бир хил ўқитиш усуллари ва бир турдаги маълумотларни беришдан қочиш керак.

3. Ўрганилаётган фанга нисбатан қизиқишнинг намоён бўлиши учун айна шу фан ёки билим, ўқувчининг ўзи учун қанчалик аҳамиятли ва муҳим эканлигини билиши керак.

4. Янги материал қанчалар ўқувчи томонидан аввал ўзлаштирилган билимлар билан боғлиқ бўлса, у ўқувчи учун шунчалик қизиқарли бўлади.

5. Ҳаддан зиёд қийин материал ўқувчида қизиқиш уйғотмайди. Берилаётган билимлар ўқувчининг кучи етадиган даражада бўлиши лозим.

Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу ёки билимнинг аҳамиятини кўрсатиш. Ўқувчининг ўқув фаоллигини ошириш учун қизиқарли мисоллар, ақлий ўйинлардан кенг фойдаланиши лозим. Лекин таълимдаги ҳар бир бериладиган билим ёрқин, қизиқарли бўлавермайди,

шунинг учун ўқувчиларда ирода, қатъийлик, меҳнатсеварлик каби хислатларнинг камол топтирилиши ниҳоятда зарурдир. Ана шу хислатлар ўқувчининг келгусида ўз-ўзини назорат қилишга ўз-ўзини баҳолашга ва мустақил таълим олишга асос бўлиш керак.

Мавзу: Тарбия психологияси.

РЕЖА:

1. Тарбия методлари ҳақида тушунча
2. Ақлий, эстетик ва меҳнат тарбияси методларининг ўзига хос хусусиятлари
3. Тарбияси қийин ўсмирлар ва ўзлаштирмовчи ўқувчилар билан ишлаш
4. Мустақиллик шароитида тарбиянинг асосий вазифалари

Таянч сўз ва иборалар

Тарбия методлари, формалар, шахсни тарбиялаш, ақлий, эстетик, меҳнат тарбияси, тарбияси қийин ва ўзлаштирмовчи ўқувчилар билан ишлаш, жинсий тарбия, меҳнат тарбияси, ўқувчиларни турмушга тайёрлаш, ўз-ўзини тарбиялаш

Шахсни тарбиялаш методлари ва формалари. Ақлий, эстетик ва меҳнат тарбияси методларининг ўзига хос хусусиятлари. тарбияси қийин ва ўзлаштирмовчи ўқувчилар билан ишлаш методлари. Илмий дунёқараш ва барқарор эътиқодни шакллантириш методлари. Идеал. Жинсий тарбиялаш. Меҳнатнинг тарбиявий таъсири. Ўқувчиларни турмушга тайёрлаш. Ўз-ўзини тарбиялашнинг методлари ва формалари

Тарбия психологияси мақсадга мувофиқ равишда ташкил этилган педагогик жараён шароитида инсон шахсий шаклланишининг қонуниятларини ўрганади. Тарбия ҳар қандай жамиятнинг муҳим вазифасидир.

Тарбия-бу шахснинг ижтимоий, маънавий ва ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш мақсадида унинг маънавий, жисмоний камолотига мунтазам равишда таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Президентимиз И.А.Каримов «Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади, ўзининг кадр-қимматини англайдига, иродаси баққуват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имкониятига эга бўламиз»-деб таъкидлаганларидек «Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» бугунги кунда шахс тарбиясига жиддий эътиборни қаратмоқда.

Тасаввур қилинг: илми, катта ихтироларга қурби етадиган қонунларни яхши ўзлаштирган мутахассис-маънавиятсиз, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлса нима бўлиши мумкин? У ўз манфаатини ўйлайди, ватан учун бирор нарса қурбон қила олмайди, чунки у худбин, унда меҳр-оқибат, фидоийлик, ватанпарварлик, миллий ғурур йўқ, у мухтожларга ёрдам бермайди, чунки унда тарбия шакланмаган.

Тарбия жуда мураккаб жараёндир. Одамзод фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, боқиб, таълим бериб вояга етказиш учун қилинадиган ғамхўрлик тарбия дейилади. Одамга касб-ҳунар ўргатиш ва умуман кишининг ғоявий ва маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган таълим тизими ҳам тарбиядир.

Тарбия-шахс оқимини муайян жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга қаратилган барча таъсирлар мажмуидир.

Таълим билан тарбия бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Таълим-тарбиянинг муҳим воситаси бўлиб, мақсад ва вазифаларга у орқали эришилади. Оила, турли жамоат ташкилотлари, фан-техника, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидения, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам тарбияга кучли таъсир кўрсатади.

Болага аввал таълим бериш керакми ёки тарбия бериш керакми деган саволлар юради, эл орасида тарбия иши фарзанд дунёга келиши биланоқ дарҳол шафқат туйғусини уйғотади, дейдилар.

Психологлар тарбиявий иш методларининг технологик асосларини ишлаб чиқаётганларида, тарбиянинг уни баҳолаб бўлмайди, деган фикрга асосланадилар. Бу методлар қўлланилаётганда, биринчидан, тарбияланаётган ўқувчининг ёшва индивидуал хусусиятларини, иккинчидан, шу ўқувчи аъзо бўлган болалар коллективининг

хуссуиятларини, ниҳоят, тарбиявий таъсир кўрсатиладиган муайян аниқ шароитларни ҳисобга олиш зарур.

Тарбия методи деб тарбиячи, мураббийнинг тарбияланувчиларида онглилик, иймон, эътиқод ва инсоний ҳуққ-атвор қоида нормаларини шакллантириш мақсадида уларга педагогик ва психологик таъсир кўрсатиш усулига айтилади.

Шахснинг ижобий йўналиши таркиб топтириш учун мактаб ўқувчисининг барча вазият ва ҳолатларда тўғри йўл тутишини исташи ҳамда тўғри йўл тутиши учун унинг нима қилишини билиши, ўзи ҳурмат қиладиган кишиларнинг нима қилаётганларини кўриши ва ўзи ҳам тўғри ҳуққ-атворли бўлишини машқ қилиши зарур.

Психологик тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, ахлоқий тушунчаларни ўзлаштириш жуда мураккаб жараён бўлиб, унга махсус раҳбарлик қилиши талаб этилади. Бу ишларни амалга ошириш учун қуйидагиларга амал қилиш керак, эътибор бериш керак.

Ишонтириш тарбия методи сифатида: Ўқувчилар ахлоқини, дунёқарашини шакллантиришда ишонтириш асосий методлардан бири ҳисобланади. Ишонтириш асосий методлардан бири ҳисобланади. Ишонтириш орқали ўқитувчи ўқувчиларда ҳар томонлама комплекс тарбияни амалга оширади. Ўқитувчи томонидан, Президентимизнинг олиб бораётган ташқи ва ички сиёсати-иқтисодий ривожланишининг Республикамизга хос тамойиллари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг йўллари тушунтирилганида ўқувчилар, талабалар келажакда республикамиз ҳаётига ўзларининг шахсий иштирокчилигини чуқур сезадилар ва шунга яраша билим, кўникмаларни эгаллашга ҳаракат қиладилар.

Ижобий шахсий намуна тарбия методи сифатида. Шахснинг ривожланишида турли таъсирлар, ўқув жараёни ва бошқа воситалардан ташқарии тарбиянинг шахсий намунаси катта аҳамиятга эга. Болалар балоғат ёшига етиб, мустақил ҳаётни бошлагунларига қадар кўпчилик шароитларда билиш, ўрганиш жараёнида асосан ўқувчига ота-она, кўни-қўшнига, дoston, драма қаҳрамонларига тақлид қилишади.

Машқ тарбия методи сифатида-яхши, ижобий одатларга ўргатишда ахлоқий кўникмаларни ҳосил қилишда машқ методининг аҳамияти катта. Бунда ўқувчи маълум бир фаолият бўйича бирон-бир вазиятда айрим ҳаракатларни такроран бажаради. Машқ ҳаракатларини такрорлаш бўлиб, ахлоқий кўникма, малака ва одат ҳосил қилиш мақсадида ўқувчиларнинг махсус уюштирган фаолиятида

Рағбатлантириш ва жазолаш тарбия методи сифатида. Интизомлиликни шакллантиришнинг классик методларидан бири рағбатлантириш ва жазолаш методи ҳисобланади.

Тарбиядаги рағбатлантириш ва жазолаш методи ўқувчилардаги ижобий хислатларини ривожлантиришдаги уларнинг ижобий фазилатларини такомиллаштиришда восита бўлмоғи лозим. Рағбатлантиришнинг ёзма, оғзаки ёки имо-ишоравий шакллари қўлланилади. Имо-ишоралар билан бошни қимирлатиб, табассум ва юз-қўл ҳаракатлари билан маъқуллаш, «баракалла», «кўп яша», «раҳмат», ва ҳақозолар. Рағбатлантиришнинг яъна бир тури мукофотлашдилар.

Тарбия жараёнида **жазолаш** ҳам катта аҳамиятга эга. Мактабда жазо чоралари ўқитувчилар ва мактаб маъмуриятининг оғзаки танбеҳи, синф ўқувчиларининг ўртасида огоҳлантириш, уй вазифасини бажартириш учун дарсдан кейин олиб қолиш чоралари кўрилади.

Тарбиячининг, ўқитувчининг **шахсий-намунаси** ўқувчилар шахсини таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мақуллаш ва қоралаш, рағбатлантириш ҳамда жазолаш ўқувчининг ҳуққ-атворини бошқариш ва тузатишнинг ҳақиқий воситасидир. Маъқуллаш, рағбатлантириш ҳатти-ҳаракатларнинг тўғри мотивлари ва формаларини мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Қоралаш, жазолаш ҳатти-ҳаракатлардаги салбий кўзғалишларни ҳамда нотўғри формаларни тормозлаб туриш воситасидир.

Ақлий тарбия. Мустақиллик ўқувчи шахсининг ҳар томонлама тараққий этиши учун зарур бўлган барча имкониятларни вужудга келтиради. Ўқувчиларни мустақил Республикамиз, Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш иши дастлаб фан асослари билан қуроллантириш йўли билан бориши лозим.

Эстетик тарбия. Эстетик тарбия дунёни билишга санъат асарларини ўрганиш орқали олиб борилади. Санъат асарларида кишилик жамиятининг ғоявий катта тажрибаси акс эттирилган. Шунинг учун энг яхши санъат асарларидан фойдаланиб, болаларни, образлар орқали, фикрларш йўли билан воқеликни тушунига ўргатиш, уларнинг эмоциясга таъсир қилиш, истиқлол ғояси, мафкурасини амалга ошириш учун бўлаётган актив курашга уларни рағбатлантириш зарур. Эстетик тарбия болаларни санъатнинг бирор тармоғидаги турли ижодий ишларни бошқаришга жалб этиб, уларнинг ҳис-туйғуларини бойитиб, ҳаёлини ва ижодий қобилиятини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Эстетик тарбия болаларда табиатдаги гўзалликлардан лаззат ола билиш ҳамда меҳнатни ва кундалик маиший турмушни, шу жумладан бўш вақтни янада гўзалроқ ўтказиш қобилиятини ўстиришга қаратилган.

Меҳнат тарбия. Меҳнат кишининг ва кишилик жамиятининг энг зарур яшаш шартидир. Меҳнат ва меҳнат фаолияти бўлмаганда, одамнинг ўзи ҳам бўлмаган бўлур эди, меҳнат тарбияси вазифасига кишини ўз-ўзига хизмат қилишнинг биринчи кўникмалари болаликдан бошланади. Юқорида қайд этилган инсон тарбиясининг таркибий қисмлари дарсда, дарсдан ташқарии тадбирларни амалга ошириш орқали бажарилади.

Жинсий тарбия. Умуминсоний тарбиянинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири жинсий тарбия ҳисобланади. Ўсмирлик даври инсонни болаликдан-ёшликка ва бошқа даврларда ўзининг кескинрок, мураккаброқ кечиши билан фарқ қилади. Бу давр психологик-педагогик адабиётларда «ўқитиш даври», «оғир давр», «инқироз даври» каби иборалар билан аталади. Бу даврларда ўсмирларга назоратни кучайтириш керак. Ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, шифокорлар томонидан турли-туман чора-тадбирларни амалга ошириш орқали жинсий тарбия берилади.

Ўсмирлик ёшидан бошлаб тарбиянинг Янги омили ўз-ўзини тарбиялаш вужудга келади. Ўқувчилар ўзларини ижтимоий-қимматга эга бўлган шахс ҳислатларини таркиб топтириш соҳасида ҳуққ-атвордаги камчиликларга салбий ҳислат ва сифатларга барҳам бериш соҳасида онгли равишда мунтазам ишлай бошлайдилар. Одам юксак даражада ўз-ўзини идора қилувчи, ўз-ўзини камол топтирувчи бирдан-бир тизимдир.

Ўқитувчи, тарбиячи ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашига раҳбарлик қилишда тўртта вазифани кўзда тутиши керак.

Биринчидан, ўқувчида ўзида шахснинг ижобий ҳислатларини тараққий этиришга ва ўз ҳуққ-атворидаги ёмон томонлардан холос бўлишга интилиш истагини уйғотишдир.

Иккинчидан, ўқувчига ўз шасҳига танқидий муносабатда бўлишда ўз ҳуққ-атворидаги хусусиятларини диққат билан одилонга тушуниб олишда, ўз камчиликларини яққол кўришда, ўз нуқсонларини фаҳимлаб ёрдамлашишдан иборат.

Учинчидан, ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялаш дастурини тузишда, шахс ҳуққ-атвори ҳислатининг хусусиятларини (м; ўзини тута билиш; қатъийлик, мардлик ва ҳақ.)

Тўртинчидан, ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялашнинг оқилона йўллари кўрсатиб берадилар, ўқувчини шахснинг ижобий ҳислатларини таркиб топтириш ва камчиликларга барҳам беришга оид мақсадга мувофиқ ва самарали ишлаш усуллари билан қуроллантирадилар.

«Тарбияси қийин» болалар педагогик қаровсизлик натижасидир. Л.С.Виготский фикрича, «қийин» ўсмир ҳаёти муносабатлар характерининг натижасидир.

Улар аввало қайсар, инжиқ болалар, уларни қизиқарли фаолият турига тортиш уларни тарбиялашнинг асосий усулларида биридир.

Уларнинг маълум бир қисми интизомсиз, қўпол болалардир. Уларнинг активлигини мақсадга мувофиқ ўзгартириш, уларга баъзи ҳуқуқларни бериш йўли билан уларга таъсир ўтказиш мумкин. Психологияда **«тарбияси қийин»** болаларнинг бир қанча классификациялари мавжуд.

Биринчи гуруҳ–ижтимоий салбий мустаҳкам қарашлари эга болалар;

Иккинчи гуруҳ–конунбузарларга тақлид қилувчилар.

Учинчи гуруҳ–ижобий ва салбий ҳуққ-атвор стереотиплари ўртасида иккиланувчи, ўз хатоларини тушунувчи болалардир.

Тўртинчи гуруҳ–иродали болаларга бўйсунувчилар

Бешинчи гуруҳ-қонунбузарлик йўлиган тасодифан кириб қолганлар.

Шуни айтиш лозимки, тарбияси оғир болалар учун улар яшаётган муҳит, оила, улар ўқиётган жамоа синфнинг роли жуда каттадир.

Мустақиллик шароитида тарбиянинг асосий вазифалари.

Конфуций; «Эскини ўзлаштириш ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади» деган эди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунарга ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бугунги кунда тарбия жараёнида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, маърифат ҳалқимиз, миллатимиз қонидадир. Анаъанавий шарқона қарашга кўра, маърифатлилик фақат билим ва малака эмас, айни пайтда чуқур маънавият ва гўзал ахлоқ дегани ҳамдир.

Бир ижтимоий жамиятнинг иккинчисига алмашилиши, шунингдек, миллий мустақиллик ва унинг неъматлари республикамиз фуқароларида туб ўзгаришларни вужудга келтирмоқда. Миллий туйғу, қиёфа, характер, таъб, куй, рақс, маънавият, қадрият ҳамда руҳият таъсири остида ўзининг туб моҳиятини акс эттира бошлади. Ўтмишнинг бой мероси, унинг анъаналари миллий истиқлол туфайли ўз эгаларига қайтариб берилди. Фуқароларнинг ижтимоий онги аста-секин ўзгариб бориши натижасида этнопсихологик хусусиятлар тиклана бошлади, миллий, умумбашарийлик хислатлари ўртасида адолатлилик, тенг ҳуқуқлилик алоқалари ўрнатилмоқда.

XXI асрда шахс шаклланишида, унинг тарбияланганлик даражасини орттиришда диннинг, хусусан «Ҳадис» илмининг аҳамияти каттадир. Шахслараро муносабатда тенглик, ғамхўрлик, самимийлик, ўзаро ёрдам, симпатия, антипатия, ҳамдардлик, севги-муҳаббат сингари миллий хусусиятларини таркиб топтиришда ҳадисларнинг роли янада ортмоқда.

Ўзбек оиласида тарбия моҳияти, мазмуни тарбиянинг кундалик ва истиқлол режаси, болаларга таъсир ўтказиш воситасини танлаш ва ундан унумли фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг асосида ҳалқ аъаналари ётади.

Ўзбек ҳалқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш ҳар томонлама тараққий этган инсон шахсини таркиб топтиришда муҳим рол ўйнайди. Абдулла Авланий айтганидек: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир».

Ёш авлод тарбиясида миллий руҳият, умуминсоний, ҳалқчил миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар етакчи ўрин тутмоғи лозим (тарбия этнопсихологик ва этнопедагогик муносабат). Булар орқали ёшларда қуйидаги фазилатларни тарбиялаш лозим:

- а) ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш;
- б) ҳайрихоҳлик, одамларга ҳурмат, меҳр-шафқат;
- в) катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш;
- г) мулоимлик;
- д) ишбилармонлик, моҳирлик, ишчанлик, иқтисодий тафаккур;
- е) кичик ёшдан меҳнатсеварлик
- ж) жисмоний бақувватлик;
- з) ахлоқ-одоблилик;
- и) оилапарварлик;
- к) аёлларга ҳурмат
- л) ўзаро ҳамкорликка интилувчанлик.

Маълумки, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан оила, маҳалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни музофаза қилувчи ташкилотлар, илмий-педагогик кадрлар шуғулланадилар. Тарбия жараёни барча иштирокчиларининг баҳамжихатлик билан олиб борадиган ишларигина ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш вазифалари ана шуни тақозо қилади.

Мавзу: Ўқитувчи психологияси

Режа:

1. Жамиятда ўқитувчининг туган ўрни ва вазифалари
2. Ўқитувчи фаолияти маҳсулининг психологик шартлари
3. Ўқитувчига қўйиладиган талаблар
4. Ўқитувчининг касбига хос хислатлари
5. Ўқитувчининг педагогик қобилиятлари.

Таянч сўз ва иборалар

Қобилият, педагогик қобилият, методикалар, ўқитувчи, талаблар, вазифалар, ўқитувчи хислатлари, педагогик қобилият турлари, коммуникатив қобилият, педагогик ҳаёл, перцептив қобилият. Педагогик қобилиятни шакллантириш методикалари. Педагогик қобилиятни шакллантириш методикалари

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланади. Мамалакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ўқитувчининг ёш авлодга таълим ва тарбия беришида жамият олдида жавобгарлиги янада ортиб бораверади.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг мактаб олдида қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормоқда ва бу талабларни амалда тўғри ҳал қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқдир.

Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи-синфдаги ўқув жараёни ташкилотчисидир. Ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайтида, қўшимча дарсларда ва шу билан бирга дарсдан ташқари ҳолларда ҳам керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбаидан биридир. Кўпчилик ўқитувчилар синф раҳбари вазифасини бажариб, тарбия жараёни ташкилотчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир.

Ўқитувчи мактабнинг педагог жамоа аъзоси сифатида мактаб ҳаёти фаолиятини уюштиришда бевосита иштирок этиб, турли фан ўқитувчилари ва синф раҳбарларининг методик бирлашмаларида ишлайди, топшириқларни бажаради. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик олдида маърузалар ўқиб, суҳбатлар олиб борар экан, демак, у педагогик билимлар тарғиботчиси ҳамдир. Вазифаларнинг шу қадар кўплиги учун ҳам жамиятнинг ўқитувчилар олдида қўядиган талаблари тушунарлидир.

Маълумки, педагогик фаолият-киши меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан биридир.

Жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими ўқитувчининг шахси ва унинг касби билан боғлиқ хислатларига қаратилган.

Ўқитувчининг энг муҳим хислатлари қуйидагилардан иборат:

-ўқитувчининг ўз Ватанига содиқлиги, болаларни севиш, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили, ўз халқининг тарихи ва унинг маданиятини севиши, давлатининг мустақиллиги ғоясида яшашидан ибратдир;

-ижтимоий жавобгарликни юксак даражада ҳис этиши;

-олижаноблиги, ақли, фаросати, маънавий поклиги, маънавият ва маърифат бўйича юксак мақсадларни болаларга сингдириб бориши;

-ўзини қўлга ола билиши, сабр-тоқатли, бардам, матонатлилигидир.

Жамиятнинг ўқитувчи олдида қўядиган асосий талаблари қуйидагилардир:

-шахсни маънавий ва маърифий томонидан табилашнинг, миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоний бойликларнинг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаши, ўз Ватани табиатига ва оиласига бўлган муҳаббати;

-кенг билимга эга бўлиши, турли билимлардан хабардор бўлиши;

-ёш ва педагогик психология, ижтимоий психология ва педагогика, ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур бибилимларга эга бўлиши;

- ўзи дарс берадиган фан бўйича мустаҳкам билимга эга бўлиб, ўз касби, соҳаси бўйича жаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;
- таълим ва тарбия методикасини эгаллаши;
- болаларни билиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиши;
- педагогик техника (мантик, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;
- ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.

Ҳар бир ўқитувчи ана шу талабларга тўла жавоб бера оладиган бўлишига интилиши шарт.

Ўқитувчи жамият томонидан қўйилган талаблар билан бир қаторда ҳамкасблари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ундан нималарни кутишини ҳам эсдан чиқармаслиги лозим. Психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича халқ таълими бўлимлари ва мактаб директорлари ўқитувчининг айрим хислатлари нақадар муҳимлигини ҳар хил баҳолайдилар. Жумладан, халқ таълими булимларининг мудирлари ўқитувчидан биринчи навбатда ўз фанини яхши билишини ва дарс бериш методикасини мукамал ўзлаштирилишини талаб қилсалар мактаб директорлари ўқитувчига қўйиладиган бундай талабларни учинчи ўринга қўядилар. Шу билан бирга халқ таълими бўлимларининг мудирлари ўқитувчиларнинг ўқувчилар ва ота-оналар, мактаб жамоаси билан қандай мулоқотда эътибор бермайдилар, актаб директори эса бундай хислатларни ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар ичида биринчи ўринга қўядилар.

Ўқитувчининг касбига хос хислатлари

Ота-оналар ўқитувчидан унинг иш стажи ва ёши қандай бўлишидан қатъий назар, фарзандларини тарбиялаш ва ўқитиш маҳоратини кутадилар. Ўқувчилар эса ўқитувчиларни уч хил хислатлари бўйича характерлаб берадилар. Жумладан, биринчидан, ўқитувчининг одамгарчилиги, адолатлилиги, соф виждонлилиги, болаларни яхши кўриш хислатлари; иккинчидан, ўқитувчининг сезгирлиги, талабчанлиги билан боғлиқ ташқи хислатлари ва ҳуққ-атвориға қараб; учинчидан, ўқитувчининг ўз фанини билиши, уни тушунтира билиши каби таълим жараёни билан боғлиқ хислатларига қараб характерлаб берадилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қўйиладиган талаблар билан бирга, ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган ижтимоий талаблар ҳам ўсиб бормоқда.

Ўқитувчилар жамият томонидан қўйиладиган талаблар, турли хилда ижтимоий кутишлар, педагогнинг индивидуаллиги, унинг шу тариқа талабларга жавоб беришга субъектив тайёрлиги муайян ўқитувчининг педагогик фаолиятига нақадар тайёрлигидан далолат беради.

Шунисини муҳимки, заонавий ўқитувчи учун зарур бўлган шахсий хислатларни батафсил кўриб чиқиш керак. Бу қандай хислатлар экан?

Кўпчилик психологлар шу билан бирга Ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар замонавий ўқитувчилар учун энг зарур хислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради.

Россия психологларидан Н.В.Кузьмина, В.Сластенин, Ф.Н.Гоноболин, Ўзбекистонлик психологлардан Р.З.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, С.Жалилова, А.Жабборов, М.Қопланова ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотлар ўқитувчилик касбининг профессиограммасини яратилишига асос бўлган. Профессиограмма психологик нуқтаи-назардан ишлаб чиқариш фаолияти характеристикаси (аниқ бирорта касб-бўйича келгуси амалий ишлар учун зарур бўлган мазмундаги барча томонларини ўз ичига олиши керак) устида боради.

Ўқитувчи профессиограммси муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган махсус талабларни ўз ичига қамраб олиши лозим.

Психологик тадқиқот ишларини олиб борган М.Абдуллажонова, Е.Гладкова, А.Машкуров, Т.Ҳамроқулов, Э.Хидиров ва бошқаларнинг илмий изланишлари ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек мактабларида рус тили ва адабиёти, математика, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячилари каби қатор

мутахассисликлар бўйича ўқитувчи профессиограммасининг тахминий моделини (намунасини) аниқлаб олиш имкониятини берди.

Ҳар бир мутахассислик бўйича ўқитувчининг ихтисослашган характеристикасини назарда тутган профессиограммаси тузилади. Жумладан, мактабнинг ўқитувчи-мураббийси профессиограммасини мисол қилиб келтирамиз. Профессиограммада муҳим хислатларидан борган сари бирмунча ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг қуйидаги хислатлари кўрсатиб бериши лозим.

1. Ўқитувчининг шахсий хислатлари:

- болаларни яхши кўриши, уларни севиш;
- амалий-психологик ақл-фаросатлилиқ;
- меҳнатсеварлик;
- жамоат ишларида фаоллик;
- меҳрибонлик;
- камтарлик;
- одамийлик, дилкашлиқ;
- уддабуронлик, мустаҳкам ҳарактерга эга бўлиш;
- ўз билимини оширишга интилиш.

2). Касбий ҳос билими:

- таълим ва тарбия жараёни моҳияти билан унинг мақсад ва вазифаларини тушуниши;
- психология асослари, ёш психологияси ва педагогик психология асосларини билиши;
- этнопсихологик билимларн эгаллаш;
- ҳозирги замон педагогикаси асосларини билиши;
- ҳозирги замон педагогикасининг методологик асосларини эгаллаганлиги;
- мактаб ёшида болаларнинг психологик-педагогик хусусиятларини тушуниши;
- ўз фанини ўқитиш методикасини билиши;
- ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишнинг самарадорлигини билиши;
- ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмунини билиши.

3) Ўз касбига ҳос хислатлари

- миллий қайта қуриш мафкураси билан мустақил давлат мафкурасини тушуниши;
- замонавий мактабда олиб бориладиган ўқув-тарбия жараёнида умуминсоний бойликлар, миллий анъаналар ва урф-одатларнинг аҳамиятини тушуниши;
- ўқитувчининг кузатувчанлиги;
- ўз диққат-эътиборини тақсимлай олиши;
- педагогик фантазия (хаёл) нинг ривожланиши;
- ўзига танқидий муносабатда бўлиши;
- ўзини қўлга ола билиши, ўзини тута олиши;
- педагогик такт;
- нутқнинг эмоционал ифодаланиши.

4) Шахсий-педагогик уддабуронлиги:

- дарс машғулотлари учун зарур материалларни танлай билиши;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқара олиши;
- таълим ва тарбия жараёнида ўқувчилар онгининг тараққий этиб боришини истикболли равишда режалаштира олиши;
- педагогик вазифаларни шакллантириш ва табиявий ишларни режалаштиришни билиши:

- болалар жамоасига раҳбарлик қилишда ўз фаолиятини режалаштиришни билиши;
- ўқув мақсадларини режалаштира олиши;
- ўзининг таълим-тарбия ишларига тайёрланиш тизимини режалаштира олиши.

5) ташкилотчилик малакалари:

- болалар жамоасини уюштира билиши;
- турли шароитларда болалар жамоасини бошқара олиши;
- болаларни бирор нарсага қизиқтириб, уларни фаоллаштира олиши;

-амалий масалаларни ҳал этишда ўзининг билим ва тажрибаларини усталик билан тез қўллаш олиши.

6) коммуникатив малакалари:

- болаларни ўзига жалб этишни билиши;
- болалар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик муносабатларни тиклашни билиши;
- болаларнинг жамоалараро ва жамоа ичида ўзаро муносабатларни тартибга солишни билиши;
- болалар ва ота-оналар билан ташқаридан алоқа боғлашни билиши.

7) Гностик малакалар

- болаларнинг асаб-психик тараққиёти даражасини аниқлай билиши;
- ўзининг тажрибаси ва педагогик натижаларини танқидий таҳлил қила олиши;
- бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиб, ундан (назарий ва амалий томондан) тўғри хулоса чиқара олиши;
- психологик ва педагогик адабиётлардан фойдаланишни билиши;
- ўқувчиларни тўғри тушуниб, уларнинг ҳуқ-атвор сабабларини тушунтиришни билиши.

8) Ижодий хислатлари:

- педагогик маҳоратни такомиллаштиришга интилиши;
- ўқувчиларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш қобилияти;
- ўзини ўқувчи ўрнига қўйиб, бўлиб ўтган ҳодисаларга унинг назари билан қарай олиши;
- аввалги воқеалар, ҳодисалар ва тарбияланувчи шахсига янгича қарай олиш қобилияти;
- ўзининг ўқувчига педагогик таъсири натижаларини олдиндан кўра билишга интилиши.

Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган моделнинг асосий тузилиши тариқасида қуйидагилар келтирилади;

- шахснинг жамоатчилик ва касбий йўналиши;
- педагогик маҳорат ва қобилияти;
- характерининг психологик хусусиятлари;
- билиш фаолияти;
- ўқитувчи шахсининг болаларни касбга тайёрлаш ишлари даражасидаги умумий тараққиёти.

Профессиограммани касбга хос равишда ўқитишни ташкил қилишда таълимнинг самарадорлиги ва унинг муваффақияти қандай билим ва кўникмаларга, айниқса, шахснинг қандай қобилият ва шахсий хислатларига боғлиқ эканлигини албатта кўрсатиш зарурдир.

10.3. Педагогик қобилиятлар

Қобилият-бу кишининг бирор фаолиятга яроқлилиги ва шу фаолиятни амалга оширишидир.

Педагогик қобилият-бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради. Педагогик қобилиятнинг тузилиши қандай? қуйида бу масалани кўриб чиқамиз.

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар, педагогик қобилиятлар, мураккаб ва кўпқиррали психологик билимлардан иборатлигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилиятлар тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни (таркибий қисмлар) ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Дидактик қобилиятлар-бу болаларга ўқув материалларни аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларга фанга қизиқиш уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятлардир.

Дидактик қобилиятларга эга бўлган ўқитувчи зарурат туғилганда қийин ўқув материални осонроқ, мураккаброғини соддароқ, тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб ўқувчиларга мослаштириб бера олади. Ўқитувчининг мана шу хислатларини билиб олган ўқувчилар одатда: «ўқитувчининг энг муҳим томони ҳам унинг ҳамма нарсани аниқ ва

тушунарили қилиб беришида-да. Бундай ўқитувчининг қўлида мазза қилиб ўқигинг келади»; «Униси эса ҳеч нарсага ярамайдиган ўқитувчи, ҳеч ҳам аниқ тушунтириб бера олмас эди»; «ўқув материални олдида тирик одамлар эмас, балки қандайдир механизмлар бордек, зерикарли ва ноаниқ мужмал қилиб тушунтиради. Биз бундай ўқитувчиларни ёқтирмаймиз»- дейдилар.

Кўпчилик ўқитувчиларга, айниқса ҳафсаласиз ўқитувчиларга, ўқув материали оддийгина ва ҳеч қандай алоҳида тушунтириш ҳамда изоҳ беришни талаб қилмайдигандек туюлади.

Бундай ўқитувчилар ўқувчиларни эмас, балки биринчи ҳолда ўзларини назарда тутиб иш олиб борадилар. Шунинг учун ҳам ўқув материални ўзига қараб танлайдилар.

2. Академик қобилиятлар-математика, физика, биология, она-тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос қобилиятлардир.

Қобилиятли ўқитувчи ўз фанини фақат ҳажмидагина эмас, балки атрофлича, кенг, чуқур билиб, бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кузата бориб, ўқув материални мутлақо эркин эгаллаб, унга катта қизиқиш билан қарайди ҳамда озгина бўлсада тадқиқот ишларини олиб боради.

Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиясига эришиш, бошқаларни қойил қилиб ҳайратда қолдириш, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғота олиш учун у юксак маданиятли, ҳар томонлама мазмунли, кенг эрудицияли (билимдон) одам бўлмоғи лозим.

3. Перцептив қобилиятлар-бу ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчи шахсининг вақтинчалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятдир.

4. Нутқ қобилияти-кишининг ўз ҳис туйғуларини нутқ ёрдамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш қобилиятидир. Бу ўқитувчидан ўқувчиларга узатиладиган ахборот, асосан, иккинчи сигнал тизими-нутқ орқали берилади. Бунда мазмун жиҳатидан унинг ички ва ташқи хусусиятлари назарда тутилади.

Дарсада қобилиятли ўқитувчининг нутқи ҳамма вақт ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтирадими, ўқувчилар жавобини шарҳлаб берадими, хуллас нима қилишидан қатъий назар, нутқи ҳамма вақт ўзининг ишончилиги жозибадорлиги, каби ички қувват билан алоҳида ажралиб туриши лозим.

Шошқалоқ нутқ билим ўзлаштиришга ҳалакит бериб болаларни тез толиқтиради. Ўта секин нутқ ланжлик ва зерикашга олиб келади.

Нутқи, имо-ишоралар турли кескин ҳаракатлар ўқувчиларни жонлантиради.

5. Ташкилотчилик қобилияти-бу биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштири билиш, бунда жамоани жипслаштири олиш ва иккинчидан, ўзининг шахсий ишини тўғри ташкил қила олиш қобилиятидир. Ўқувчилар ўз ўқитувчилари ҳақида турлича фикрда бўладилар.

Ўқитувчининг ўз ишини ташкил қила билиши деганда, унинг ўз ишини тўғри режалаштириб, уни назорат қила олиши назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтга нисбатан ўзига хос сезувчанлик-ишини вақт бўйича тўғри тақсимлаб, мўлжалланган вақтдан тўғри фойдалана олиш кўникмаси пайдо бўлади.

6. Авторитар қобилияти-бу ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир этиб, уларда обрў орттира билишдан иборат қобилиятидир.

Авторитар қобилият ўқитувчининг ростгўйлиги, иродавий удабуронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлиги, талабчанлиги каби иродавий хислатлари ҳамда қатор шахсий хислатларга, шу билан бирга ўқувчиларни таълим-тарбиясида жавобгарликни ҳис этиш, унинг эътиқоди, ўқувчиларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олганлигига ишончи каби хислатларга ҳам боғлиқдир.

7. Коммуникатив қобилият-бу болалар билан мулоқотда бўлишга, ўқувчиларга ёндошиш учун тўғри йўл топа билишга улар билан педагогик нуқтаи-назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятдир.

Мавзу: Ўқитувчининг педагогик маҳорати ва педагогик маданияти.

РЕЖА:

1. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврларда ўқитувчи (мураббий), шогирд ва уларнинг жамиятдаги ўрни, педагогик фаолият борасидаги ижтимоий қарашлар.

2 Ўқитувчи маҳорат тўғрисида тушунча.

3. Ўқитувчи фаолиятида муомала маданияти.

Ҳозирги кундаги ўқитувчи-тарбиячи фаолияти, маҳорати, уларнинг жамиятдаги ўрни, устоз-шогирдлик муносабатлари ҳақида гапиришдан аввал, кишилик жамиятининг дастлабки босқичларида устоз-ўқитувчи тарбиячи фаолияти масалаларига тўхталиб ўтиш лозим.

Ибтидоий жамоа тўзуми даврида жамият ёш жиҳатидан 3 гуруҳга бўлинар эди:

1. Болалар ва ўсмирлар.

2. Ҳаёт ва меҳнатнинг тўла қимматли ва тўла ҳуқуқли иштирокчилари.

3. Кексалар.

Янги, туғилган болани жамоадаги кекса кишилар боқиб, ўстирадilar. Бола тегишли биологик ёшга тўлиб, баъзи бир ижтимоий тажриба меҳнат қилишни ўрганиб, ҳаётий билим ва малакаларни эгаллагандан сўнг тўла қимматли меҳнатчилар гуруҳига ўтарди. Ибтидоий жамиятда бола ўзининг ҳаёт фаолияти жараёнида катталарнинг ишларида қатнашиб улар билан кундалик муомалада бўлиб, тарбияланар ва таълим олар эди. ўғил болалар катта ёшдаги эркаклар билан уларнинг ишларида қизлар эса аёлларнинг ишларида қатнашардилар. Матриархат охирларида ўғил болалар учун алоҳида ва қизлар учун алоҳида тарбия муассасалари - ёшлар уйлари муассасалари пайдо бўлди. Бу ерда ёшлар уруғ оқсоқоллари раҳбарлигида яшашга меҳнатга ўтказиладиган синовларга тайёрланар эдилар.

Патриархал уруғчилик босқичида чорвачилик, деҳқончилик, турли ҳунар касблари пайдо бўлди. Шу билан боғлиқ равишда тарбия ҳам мураккаблашиб, кўп томонлама ва режали бўла борди. Болалар тарбияси тажрибали кишиларга топшириладиган бўлди. Улар болаларга меҳнат кўникма ва малакаларини ўргатиш билан бир қаторда пайдо бўлиб келаётган диний урф-одатларнинг қоидалари, нақллар билан болаларни таништирар, ёзишга ўргатар эдилар. Эртақлар, ўйин ва рақслар, мусиқа ва ашула, бутун халқ оғзаки ижоди хулқни, ҳатти-ҳаракатни, характернинг муайян белгиларини тарбиялашда катта роль ўйнайди.

Машҳур олим Беруний (973-1048) ўқитувчига ўқувчини зериктирмасликни, ўтиладиган мавзунини қизиқарли ва кўرғазмали ҳолда бўлиши лозимлигини маслаҳат беради. Беруний Ҳиндистон асарида эса олимлар илм ақллари хурмат қилишга чақиради. Бўларни кишилар айниқса, ҳуқумдорлар хурмат қилса, уларга ўз ўрнида баҳо берса, илмлар кўпаяди, демак жамият иқболли бўлади, гуллаб яшнайди.

Буюк аллома Ибн Сино (980-1037) талабага билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчи эканлигини таъкидлайди. У ўқитувчининг қандай бўлиш кераклиги ҳақида фикр юритар экан, уларга шундай йўл -йўриқлар беради:

- болалар билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш;
- берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларни билиши;
- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажрата бера олиш;
- билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда берилиши;

• ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиши лозим.

XI асрда яшаб ўтган алломалардан бири Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср) ҳам ўз ижодида илм ақллари яъни устозларни улуғлайди. "Қутадғу билиг" асарида илм аҳли улуғланади.

Уларни ҳурматлашга кишиларни чақиради.

Тағин бир тоифа донишманд, доно

Улар илми элга машғал доимо.

Эъозла уларни то бор имконинг,

Билимларинг ўрган токи бор жонинг.

Бўлардан ҳақиқат таянч тиргаги,
Билимли диёнат асос ўзаги
Олимлар йук эса эди дунёда ,
Емиш ҳам келарму эди бу дунёда
Улар илми бўлди халойикқа нур,
Ёриса бу нурдан киши йўл топур.

Аз - Замахшарий (1075-1143) "Нозик иборалар" рисоласида илму фан аҳллари, ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат эътиборнинг пасайиб кетганидан куйиниб ёзади: "Ўтган замонларда илму- фазилат соҳиблари подшоҳлардан ўз оғирликларига баробар олтин ҳадя олардилар, аста-секин замонлар ўтиши билан уларнинг қийматлари камайиб, итлару-олмаҳонлар улардн афзал бўлиб қолди, яъни нодонлар олтинлардан ортиқ кўриладиган бўлиб қолди".

Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (Шайх Саъдий) (1184-1204) таълим-тарбияда муаллимларнинг талабчанлиги билим ва тарбия беришда қаттиққўл бўлишнинг тарафдори бўлади.

Юборди ўғлини мактабга подшо,
килиб қўйишга нукра тахтига жо,
Кумуш ул тахтага зардан битиб ёд,
"Ота меҳридан афзал жабри устоз".

"Гулистонда" яна устоз-шогирд муносабатига оид ҳикоят келтирилади: "Бир одам кураш санъатига зўр маҳорат қозонди, у 360 хийлани билар ва ҳар куни бир хийлани ишлатиб курашар эди. Шогирдларидан бирига 359 хийлани ўргатди. Аммо бир хийлани ўргатмади: Устозининг ҳурмати билмаган шогирд, устозидан ҳам устунлигини айтиб мақтанади. Бу сўз подшога ёқмайди. Уларни кураш тушмоқларини буюради. Устоз охирги хийласини ишлатиб шогирдини енгади. Устоз ҳурмати билмаган шогирд эса халойиқ ва подшонинг нафратига ўчрайди.

Бурхониддин Зарнуджий (1150 -) "ўқитувчига таълим йўлида қўлланма" китобининг бир бўлими "ўқитувчи, ўртоқ, фанларни танлаш ҳақида" деб номланади. Унда ўқувчига қуйидагича маслаҳат беради:

"Ўқитувчи танлаганингизда энг аввало билимлилигига, энг олийжанобига ва яна кексасига тўхтамоқ керак ... Муаллим, устозга нисбатан ҳурматда бўлиш ифодаси шУки шогирд муаллимдан олдин юрмаслиги, унинг ўрнига бориб ўтирмаслиги лозим".

Соҳибкирон Амир Темур (1336-1405) ҳам ўз ҳУкмронлиги даврида илм аҳллари, муаллим, мудариссларга ҳурмат билан қарайди. Кишиларга мансаб беришда ҳам уларнинг илмларини ҳисобга олади. Жамиятнинг ривожига уларнинг ўрнини муҳим деб билади. Кўплаб мактаб, мадрасалар очади, уларга муаллим ва мударислар тайин этади. ўзининг устозларини ҳам жуда қадрлайди.

Алишер Навоий (1441-1501) ижодида ҳам муаллимлар иши уларга муносабат масалаларига кенг ўрин берилади. У ёшларга чуқур билим бериш учун муаллимлар мударрислар ҳамда устоз мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. Нодон, мутаассиб, жоҳил домлаларни танқид этади ва ўқитувчи маълумотли ўқитиш йўллари билладиган муаллим бўлиши зарур дейди. Масалан: "Маҳбуб-ул-қулуб" асарида мактабдорлар ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўта қаттиққўл, жоҳил ва таъмагирларини: "Мактаб тутувчи гуноҳсиз ёш болаларни жафо қилувчидир", - деб ёзади. Шу билан бирга ўқитувчининг меҳнатининг оғирлигини ҳолисона баҳолайди:

"Унинг иши одам тугул, ҳатто девнинг ҳам қўлидан келмайди. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қилар эди, у эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади. Лекин шуниси ҳам борки, болалар орасида фаҳми идроки озлари бўлади. Муаллим бу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Шу жиҳатдан олганда болаларда унинг ҳақи кўп, агар шогирд улғайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимига қуллук қилса арзийди.

Ҳақ йўлида ким сенга бир харф ўқитмиш ранд ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Навоий ўқитувчининг ҳурмати қанчалик жойига қўйса, унга бўлган талабни ҳам шунчалик оширади. Айниқса, мадраса мударрисларининг билимли, фозил ва доно, камтар,

маънавий пок бўлишларини талаб этади. "Мударрис керакки ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса, ярамасликлардан кўркса ва нопокликдан қочса".

Хусайин Воиз Кошифий (1440-1505), (Хуросон) "Футуватномаи Султоний ёхуд жавомардлик тариқати" асарида устоз-шогирд муносабатларига кенг тўхталади. "Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига қурилади деб сўрасалар, иродат устига деб жавоб бергин. Агар иродат нима деб сўрасалар, само ва тоатдир деб айтгин. Агар само (эшитиш) ва тоат нимадир деб сўрасалар нимани устоз айтса, уни жон қулоғи билан эшитиш, чин кунгли билан қабўл қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалга адо этишдир деб айт.

У шогирдликнинг 8 та одобини кўрсатади: 1. Биринчи бўлиб салом бериш. 2. Устознинг олдида оз гапириш. 3. Бошни олдинга эгиб туриш. 4. Кўзни ҳар томонга югуртирмаслик. 5. Гап сўрамоқчи бўлса олдин устоздан ижозат олиш. 6. Устоз жавобига эътироз билдирмаслик. 7. Устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик. 8. ўтириб туришда ҳурмат сақлаш

Ўқитувчининг дарс бериш маҳорати. Ақлий фаолиятни бошқариш.

Моҳир ўқитувчи ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва доимо ривожлантириб бориш учун қуйидагиларга амал қилиши муҳимдир:

1. Ўқувчиларни билишга интилишини, фанга умуман олганда ақлий меҳнатга қизиқишларини ривожлантириш ўқув жараёнини шундай ташкил этилишини таъминлайдики, унда ўқувчи фаол ҳаракат қилади, мустақил изланиш ва янги омилларни "кашф этиш"га, муаммоли вазиятларни ўзи ҳал этишга интилади.

2. Ўқув фаолияти бошқа фаолиятлар каби фақат турлича бўлгандагина, қизиқарли бўлади. Бир хил усулда ахборот бериш ва бир хил усулдаги ҳаракатлар тез орада зеркишни вужудга келтиради.

3. Фанга бўлган қизиқишни шакллантиришда бу фанни ва унинг айрим қисмларини ўрганишнинг зарурлиги, муҳимлиги ва мақсадга мувофиқлигини ўқувчиларга аңлатиш жуда зарурдир.

4. Ўтилаётган материал олдинги материал билан қанчалик кўпроқ боғлаб тушунтирилса, у ўқувчиларга шунчалик қизиқарлироқ туюлади. Ўқув материални ўқувчиларни қизиқтирадиган нарсалар билан боғлаб тушунтириш ҳам, уларни дарсга қизиқтиришда муҳим рол ўйнайди.

5. Ўртача қийинликдаги ўқув материали ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотмайди. Ўқув материали бир оз қийинроқ, лекин ўқувчилар кучи етадиган бўлиши керак.

6. Ўқувчилар бажарган ишларни тез-тез текшириш ҳам уларни фанга бўлган қизиқишини уйғотади.

7. Ўқув материалнинг аниқлиги, ҳиссиётга бойлиги, ўқитувчининг завкланиб гапириши ҳам ўқувчига, уни фанга бўлган қизиқишини ортишига жуда катта таъсир кўрсатади.

3. Дарсдаги фаолиятнинг турли-туманлиги ҳақида.

Моҳир педагоглар Маъруза, Амалий, мунозара, конференция, ўқув саёҳати, ўқувчи-маслаҳатчилар ёрдамида мустақил дарс, кўрик-конкурс каби дарс турларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар.

Ўқитувчининг моҳирлиги юқорида кайд қилинган ноанъанавий дарс турларини ўтиш техникасининг эгаллашида намоён бўлади.

М. И. Махмутов таъкидлаганидек, ҳозирги замон ўқитувчилари учун муаммоли методни жорий этиш қийинчилик туғдиради, чунки «ўқув дастурлари ва дарсликлар» анъанавий педагогик тафаккур асосида, эскириб қолган дидактика ва методикага асосланган. Ўқув материални баён этиш мантиғи эса уни батафсил (ипидан-игнасиғача) тушунтиришни талаб қилади ва ўқувчиларнинг мустақил ижодий фаолиятларига деярли эътибор берилмайди.

Моҳир ўқувчилар, ўз ишининг усталари учун эса ўқувчилар билан демократик услубда мулоқот қилиш ва ўқувчиларнинг ижодий тафаккурларини ривожлантирувчи муаммоли методлар системасини қўллаш характерлидир. Улар билимларни ўзлаштиришни барча босқичларида муаммоли вазият яратишга эришадилар. Улар ўқувчиларнинг формула ва қонунларни, сон-саноксиз рақамлар ва исмларни, юзлаб қоида ва таърифларни сохта ёд олишларини, уларнинг хотираларини ҳаётда керак бўлмайдиган нарсалар билан тўлдириб банд қилишни қораладилар.

Муомала категорияси умумий психология фанининг асосий категорияларидан бири ҳисобланиб, у ўз ичига шахслараро муносабатнинг энг муҳим механизмларини қамраб олади. Психология фанида муомала категорияси кенг маънода тушунилганда ҳамкорлик фаолиятининг ички алоқасини мужассамлаштириб, ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатни акс эттириб, ижтимоий процессуал жубҳасини ифодалайди. Муомаланинг энг муҳим таркиби мулоқот саналиб, мотивацияда мотив қандай аҳамият касб этса, у ҳам худди шундай муҳим роль ўйнайди.

Муомала - ҳамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб чиқувчи, шахслараро мулоқот ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Муомала қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:

- **Коммуникатив** (бир томонлама ахборот ўзатиш). Муомала ўз ичига ҳамкорлик фаолиятининг қатнашчилари билан ўзаро ахборот алмашувни қамраб олган бўлиб, коммуникатив жабҳа сифатида тавсифланиши мумкин. Одамлар бир-бирлари билан мулоқотда киришиши жараёнида муомаланинг муҳим воситаларидан бири тилга ва нутқ фаолиятига бевосита мурожаат қиладилар.

- **Интерактив** (икки томонлама таъсир) - мулоқотга киришувчиларни ўзаро таъсири, уларнинг нутқ фаолиятида нафақат сўз орқали фикр алмашинуви, балки ҳатти-ҳаракат ва ҳулқ атвори билан ўзаро таъсир ўтказиши тушунилади.

- **Перцептив** (ўзаро бир-бирини идрок қилиши, англаши) бунда мулоқотга киришувчилар ўзаро бир-бирларини идрок қилиш жараёни намоён бўлади, яъни улардан бири иккинчисининг ишончига лойиқ, ақлли, фаросатли, тажрибали, юксак тайёргарликка эга инсон сифатида идрок ғилинади.

Муомаланинг ҳар учала томонини бирликда яхлит олиб қараш, у ҳамкорлик фаолиятини ташкил қилишнинг усули ва унда иштирок этувчиларнинг муносабатлари тариқасида намоён бўлади.

Касбий муаммони муваффақиятли ечиш мумкинки, қачонки ўқитувчи билан ўқувчилар (талаба) ҳамкорлик фаолиятига кириша олса, шахсни шакллантиришнинг мақсад ва вазифаларига ўзаро таъсир ва тушунувчи йўлга қўя олса шундагина педагогик муомала амалга ошади.

Педагогик муомала - бу ўқитувчининг талабаларга таъсир ўтказиш усуллариининг муайян тизимидир.

- ҳамкорлик иштирокчиларнинг ўзаро ахборот алмашуви;
- турлича коммуникатив воситалар ёрдамида ўқитувчи томонидан талабалар билан ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатни ташкил қилиш;
- муайян мақсадни дастурий асосда амалга оширишнинг режалаштириш ва ўтказиш функциясини бажаради.

2.Ўқув-тарбия жараёнида педагогик мулоқотни бошқариш услублари. Психологияда раҳбарларнинг ўз жамоаси аъзолари билан муносабат техникаси таҳлил этилиб, турли типдаги ижтимоий-психологик портретлари ишлаб чиқилган. Раҳбарларнинг мулоқотни боқариш услублари: авторитар, демократик, либерал услуб тарзида берилган. Мана шу услубларни педагогик мулоқотда ўқитувчи раҳбарлиги услуби тарзида куриш мумкин.

Авторитар услуб. Ўқитувчи гуруҳнинг фаолият йўналишини шахсан ўзи белгилайди, ким-ким билан ўтиради, ким билан ишлайди ўқитувчи ўзи ҳал қилади. Бундай услубда иш юритувчи ўқитувчи ўқувчилар ташаббусига йўл бермайди. Ҳамкорликнинг асосий шакли-буйруқ, кўрсатма, инстрУкция, огоҳлантириш. Ҳатто камдан-кам билдириладиган миннатдорчилик ҳам камситиш шаклида бўлади. "Сен бугун яхши жавоб бердинг. Сендан буни кутмовдим" каби.

Демократик услуб. Ўқитувчи фаолият мақсадини ҳар бир ўқувчи онгига етказишга, иш боришини ҳал этишга ҳаммани фаол иштирок этишга ундайди. Ўзининг вазифасини фақат назорат ва мувофиқлаштиришда эмас балки тарбиялашда деб билади, ҳар бир ўқувчи рағбатлантирилади, унда ўзига ишонч пайдо бўлади, ўз- ўзини бошқариш ривожланади. Демократик услубда бошқарувчи ўқитувчи болаларнинг индивидуал қобилият ва қизиқишларини ҳисобга олиб вазифаларни оптимал тарзда тақсимлашга ундайди. Фаолликни

рағбатлантиради, ташаббусин қувватлайди. Мулоқотнинг асосий шакли - илтимос, маслаҳат, ахборот тарзида бўлади.

Либерал услуб. Ўқитувчи жамоа фаолиятига аралашмасликка ҳаракат қилади, фаоллик кўрсатмайди, маслаҳатларга формал қарайди, турли таъсирларга тез берилади. Жавобгарликдан ўзини олиб қочади.

Энг яхши услуб - демократик услуб. Миқдорий кўрсаткичлар авторитар услубдан кам бўлиши мумкин, лекин ишлаш ижтиёқи раҳбар йўғида ҳам давом этади. Ижодкорлик юқори бўлади, жавобгарлик ҳисси, ўз жамоаси учун фахрланиш ривожланади. Энг ёмон услуб - либерал услуб бўлиб, бунда ҳам иш кам бажарилади, ҳам сифат ёмон бўлади.

Авторитаризм ўқитувчи етУқмаслигини, унинг ахлоқий ва сиёсий тарбиясизлигини, педагогик маданияти пастлиги билан характерланади.

Ўқитувчилар мактаб амалиётида ахлоқ тарбиясида қўллаши мумкин бўлган қуйидаги асосий педагогик услуб турлари мавжуд:

- **Ўқувчилар билан дўстона муносабат - педагогик услуб.**
- **Педагогик муомала – масофа услуби.**
- **қўрқувга асосланган услуб.**

Устамонлик қилишга ҳаракат қилиши услуби.

3.Ўқитувчининг ўқувчи билан бўлган мулоқатида ишонтириш ва таъсир этиш усулларида фойдаланиш.

Педагогнинг тутган йўли. Агар ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан муайян ҳолатда турсагина (бу ҳолат уларнинг ёшига қараб турлича бўлади) педагогик таъсир кўрсатишни муваффақиятли амалга ошира олади. Мазкур ҳолат ўқувчилар билан муомала соҳасида ўқитувчининг асосий йўл-йўриғидан иборат бўлиб, у ўқувчиларнинг психологик ва ёш хусусиятларига монанд бўлади. Ўқувчилар ёшига мувофиқ равишда ўқитувчи ҳолати (тутган йўли) нинг ўзгариш мезони - бу ўқувчилар жамоасига нисбатан ташқи ҳолатдан маълум даражада ички ҳолатга ўтиш, ўқувчиларга бевосита таъсир кўрсатишнинг камайиши ва бевсита таъсирнинг ортиши жамоани бошқариш вазифаларининг бир қисмини ўқувчиларни ўз-ўзини бошқариш органларига бериш, ҳар бир бола шахсининг ички оламига кўпроқ таъсир кўрсатишига ўтишдир.

Ўқитувчи билан ўқувчи объектив равишда турли авлод вакиллари ҳисобланадилар. Ҳар бир янги авлод олдинги авлодларга нисбатан бир мунча янги шароитда ҳаётга кириб келади. Ўқувчиларнинг ўзлари ҳам авлоддан-авлодга ўзгариб борадилар. Бунинг оқибатида ҳар бир янги авлод ота меросини пассив равишда эмас, балки фаол равишда ўзлаштирадилар. Бу ўзгартириш катта авлодлар билан доимий мулоқотда бўлгандек содир бўлади. Ўқитувчи юқори синф ўқувчилари билан мулоқот йўли билан муомала қилганда утмиш ғоявий меросининг муҳим аҳамиятини тасдиқлаб бориши лозим. Бундай ҳолда у кенг муаммолар бўйича маслаҳатчи бўлиб қолади ва юқори синф ўқувчиларига самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Немов Р. С. «Психология» Т. 1.М. 1998.
2. Гамезо А. «Атлас по психологии» Москва 2001й.
3. Каримова В. М. «Психология» Т.Шарқ 2002й.
4. Абрамова Г.С. Возрастная психология: Учебное пособие для студентов вузов.-М., “Изд-во”2000.- 621с
5. Немов Р.С. Психология. Учеб.пособие для студентов высш.пед.учеб.завед. В 2 кн. Кн 2. Психология образования. –М., “Изд-во”1994.-496с
6. Зимняя И.А. Педагогическая психология: Учебник для вузов. –М., “Изд-во”2002.-384с
7. Иванов П.И., Зуфарова М. «Умумий психология» Т., 2008 йил
8. Хайдаров Ф.И., Халилова Н.И. «Умумий психология» Т.: ТДПУ 2010 йил

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси психологлари Т-2001 й
2. Возрастная психология: от молодости до старости: Учебное пособие для студентов и преподавателей учеб.завед М.В Гамезо, В.С Герасимова, Г.Г Горелова, Л.И Орлова.М.,1999.-269с.
3. Ғозиев Э.Э.Тафаккур психологияси Т; «Ўқитувчи» 1996 й
4. Ғозиев Э.Э Муомала психологияси Т-2001 й
5. Ғозиев Э. Жабборов А. Фаолият ва ҳуқ-атвор мотивацияси Т-2003 й
6. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
7. Ғозиев Э. Ғ. «Умумий психология» 1-2 том. Тошкент-2002й

Интернет маълумотлари қуйидаги сайтлардан олинади:

www.bilimdon.uz,

www.de.uz,

www.tatu.uz

